

ЖИЗЗАХ ОЛИЙ ҲАРБИЙ АВИАЦИЯ БИЛИМ ЮРТИ

“Гуманитар ва ижтимоий иқтисодий фанлар” кафедраси

ҲАРБИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

Ўқув қўлланма

Жиззах-2011

подполковник Абдуназаров В.А.

ўқитувчи Қўйсинава Ф.О.

Ҳарбий ҳуқуқ асослари: (Олий ҳарбий билим юрти курсантлари учун ўқув қўлланма) - Жиззах “Жиззах олий ҳарбий билим юрти нашри”, 2011 йил, 176 бет.

Мазкур ўқув қўлланмадан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг вужудга келиш тарихи, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги қабул қилинган қонунлари, низомлари, буйруқлари ва йўриқномалари мазмун ва моҳиятини назарий жиҳатдан курсантлар эътиборига содда ва рагон тилда етказишдан иборат.

Ўқув қўлланма олий ҳарбий билим юртлари курсантлари, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар, ҳарбий билим юртлари, ҳарбий қисм ва муассасаларда қонунчилик ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва тарбияни юксалтириш, ҳарбий хизматчиларнинг қонунларни билишлари, ҳуқуқий билимларини оширишлари ва уларга риоя қилишларида ҳамда ҳуқуқий тарбияни ташкиллаштиришларида яқиндан кўмаклашади.

Тақризчи: ЖОҲАБЮ бошлиғининг тарбиявий ишлар

бўйича ўринбосари полковник Ш. Холмухамедов.

Мазкур ўқув қўлланма ЖОҲАБЮ курсантларига мўлжалланган.

Қўлланма Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти Илмий Кенгашида тасдиқланган.

Баённома №3. 28.10.2011йил

Ўқув жараёнида қўллаш учун тавсия этилди

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунларданоқ жамиятни янгилаш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, одамлар учун фаровон турмуш шароитларини яратиш йўлидан бормокда.

Мустақил миллий давлатчилигимизга асос солинган биринчи кунларданоқ, давлатни, табиат инъом этган ҳамда меҳнаткаш халқимиз томонидан бунёд этилган моддий ва маънавий бойликларни ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси мудофаасини ташкил этиш ва армия фаолиятининг ҳуқуқий мезонларини ишлаб чиқишга давлат сиёсатининг бош масалаларидан бири сифатида қаралди.

Марказий Осиё минтақасидаги нотинч ҳарбий - сиёсий вазият Ўзбекистонга ўз мудофаа тизимини вужудга келтиришни ҳаётий зарурат сифатида олдиға қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов **“Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар”** номли асарида **“Мустақил Ўзбекистон ўз истиқлолини, ўз озодлигини ҳимоя қилишға, турли қўпоровчи ҳаракатларға муносиб зарба беришға, минтақаға қурол ва аслаҳаларни киритишға йўл қўймасликка-ҳаммасиға қурби ва қудрати етарли бўлиши зарур»**, деб таъкидлаганди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида ўз армиясини тузишға қарор қилиши ва Мудофаа ишлари вазирлигининг ташкил этилиши билан мамлакат ҳудудидаги давлат ҳарбий машинаси барбод бўлишининг олди олинди, янги вужудға келган давлат хавфсизлиги ҳимояси таъминланди, турли миллатға мансуб бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фукаролик ҳуқуқлари кафолатланди.

Бугунги кунда бизнинг минтақамиз, шу ҳудудда жойлашган мамлакатларни демократик, ҳуқуқий, дунёвий таракқиёт йўлидан қайтаришға

уринаётган турли хил экстремистик кучлар ва марказларнинг бу ердаги хавфсизликка раҳна солиш учун кўз тиккан жойи бўлиб қолмоқда.

Минтақамизда ва дунёда юзага келган вазият бугунги кунда биздан чегараларимиз дахлсизлиги, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, Ўзбекистоннинг изчил ва барқарор тараққиётини амалда таъминлашга қодир бўлган мустаҳкам хавфсизлик тизимини яратишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўз Қуrolли Кучларни ташкил этган кунлардан бошлаб мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлида бир қатор ҳуқуқий асослар яратилди.

Ватанамиз мустақилликка эришгач, ҳеч шубҳасиз, Ватан ва истиқлолни ҳимоя қилиш учун мустақил армия тузиш зарурати туғилган эди. Мамлакатимиз Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистоннинг янги, миллий армияси шаклланди ва у кундан-кунга такомиллашиб бораётир. Бизнинг армиямиз жаҳондаги энг етук армияларининг тажрибаларини ўрганган ҳолда замон талабига мос профессионал қўшин сифатида шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари мамлакат истиқлолини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг осуда ҳаёти ва мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилишда, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ғоят муҳим ўрин тутди.

Қуrolли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигининг, келажаги буюк давлат барпо этаётган Ўзбекистон фуқароларининг тинч-осойишта ҳаёти, бунёдкорона меҳнати хавфсизлигининг кафолатидир.

Ҳарбий қурилиш соҳасидаги мақсад профессионал армияни, ўз таркибида яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз халқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шаъни ва кадр- қимматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтиришдан иборат бўлиши лозим. Мақсад миқдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин яхши шайланган, замонавий қуrolлар ва ҳарбий техника билан бекаму кўст

қуролланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучларни шакллантиришдир.

Бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг жуғрофий-стратегик мавқеини ва ҳудудининг жуғрофий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчиларга қуруқликда ва ҳавода муносиб зарба бера олиш учун жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи зарур.

Халқимизнинг қадимий ва бой тарихига Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темур Малик, Жалолоддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур каби ўнлаб саркардаларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Ўзининг мана шундай буюк тарихи ва аجدодларига муносиб ворис бўлган халқ мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир армияни ярата олиши табиийдир.

Бугунги кунда шуни ифтихор ва ғурур билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда ана шундай армия ташкил топмоқда. Унинг олдида қўядиган талабимиз ҳаммага маълум – бу армия тезкор, жанговар қобилияти юқори, ҳар жиҳатдан замонавий қурол-яроғ билан таъминланган ва энг юксак мезонларга жавоб бера оладиган бўлиши шарт.

Пировард мақсадимиз, истиқлолимизни аниқ ва равшан тасаввур этган ҳолда, халқимизга тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш ва ҳимоялаш, юксак маърифий-маданий салоҳиятга эга демократик ҳукуқий давлат қуриш, жаҳоннинг илғор мамлакатлари орасида ўз нуфузимизга эга бўлишдир. Бундай эзгу мақсадларга буюк келажакка интилган халқгина эришади.

Ушбу қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳукуқий асослари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг вужудга келиши тарихи, ҳарбий қисм ва муассасаларда қонунчилик ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳукуқий онг, ҳукуқий маданият ва тарбияни юксалтириш, ҳарбий хизматчиларнинг қонунларни билишлари, ҳукуқий билимларини оширишлари ва уларга риоя қилишларида ҳамда ҳукуқий тарбияни ташкиллаштиришнинг мазмун ва моҳиятлари баён этилади.

ҲАРБӢЙ ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ

Ҳуқуқ – бу жамиятнинг ижтимоий табиатидан келиб чиқувчи ва ҳукмрон синфнинг, демократик кўпчиликнинг ёки бутун жамиятнинг ягона иродасини ифодаловчи, қонун билан мустаҳкамланган ва давлатнинг мажбурлаш кучи билан таъминланадиган ҳуқ – атворнинг юридик қоидалари мажмуидир.

Ҳуқуқ давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратади, давлат апаратининг тузилмаси ва принципларини мустаҳкамлайди, унинг ҳокимият кучлари манфаатларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Синфий жамиятда ҳуқуқ иқтисодий ҳукмрон синфнинг иродасини ифодаловчи умумий мажбурий халқ-атвор нормалари тизимини ифодалар ҳамда синфий, сиёсий ҳукмронликнинг қудратли қуроли ҳисобланар эди.

Давлат ҳокимиятини ўз қўлида ушлаб турган синф ёки синфлар ҳуқуқ ёрдамида одамлар ва улар жамоаларининг халқ-атворини тартибга солар, уларнинг манфаатларига жавоб берувчи ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлар ва ривожлантирар эдилар.

Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг қарама-қарши синфларга бўлиниб кетиши ҳуқуқнинг – иқтисодий ҳукмрон синфнинг иродасини ифодаловчи, давлат томонидан мустаҳкамланган ва давлатнинг мажбурлаш чоралари билан таъминланадиган ва давлатнинг мажбурлаш ҳуқ-атвор қоидалари тизимининг пайдо бўлишига олиб келди.

Ҳуқуқ билан давлат бир вақтда пайдо бўлган. Ҳуқуқ ҳукмрон синфнинг манфаатларига хизмат қилиб келган. Ҳар қандай жамиятнинг яхлитликда ва таркибий қисмларга бўлинган ҳолда олинган ҳуқуқи ҳуқуқ тизими ҳисобланади.

Ҳуқуқ тармоғи – ҳуқуқнинг энг йирик бўлинмаси бўлиб, ўзида ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуини ифодалайди.

Тарихда ҳарбий – ҳуқуқий нормалар асосан ҳукмрон синфларнинг манфаатларига хизмат қилиб келган. Ҳукмрон синфлар Қуролли Кучлардан

халқни зўровонлигини бостириш, куч ишлатиш, бўйсундириш, уруш олиб бориш ва бошқариш қуроли сифатида фойдаланиб келишганлар.

Ҳуқуқий нормалар мажмуини ҳуқуқ соҳалари ташкил этади.

Ҳуқуқ соҳалари тизимига қуйидагилар киради:

- давлат ҳуқуқи;
- маъмурий ҳуқуқи;
- молия ҳуқуқи;
- ер ҳуқуқи;
- фуқаролик ҳуқуқи;
- меҳнат ҳуқуқи;
- оила ҳуқуқи;
- жиноят ҳуқуқи;
- жиноят-процессуал ҳуқуқи;
- халқаро ҳуқуқ;
- мусулмон ҳуқуқи ва бошқалардан иборат.

Ҳуқуқ соҳалари Қуролли Кучларнинг қурилиши ва фаолиятида муҳим ўринни эгаллайди.

Қуролли Кучларнинг молиявий таъминланиши, молиявий-ҳуқуқий муносабатлар билан, бошқаруви эса маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар билан, ердан фойдаланиши ер-ҳуқуқи муносабатлари билан, ҳарбий ҳуқуқий муносабатлари жиноий, жиноят-процессуал, меҳнат ва бошқа ҳуқуқий муносабатлар билан тартибга солиниб борилади.

Қуролли Кучлар фаолияти, бошқаруви, тизими, тузилиши ва қурилишини тартибга солиб турувчи ҳарбий-ҳуқуқий нормалар жамламаси ҳарбий ҳуқуқни ўз ичига олади.

Ҳарбий ҳуқуқ бу – ҳарбий-ҳуқуқий нормаларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг йиғиндисидан иборатдир.

Ҳарбий-ҳуқуқий нормаларнинг манбаларига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳарбий масалалар юзасидан қабул қилган Қонунлари ва Қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳарбий масалалар юзасидан қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармоишлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳарбий масалалар юзасидан қабул қилган қарорлари ва фармоишлари;
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг буйруқлари ва директивалари;
- Қуrolли Кучлар Бирлашган Штабининг директивалари;
- Мудофаа Вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарининг директивалари;
- Ҳарбий округ қўмондонларининг буйруқ ва директивалари;
- Ҳарбий гарнизон бошлиқларнинг буйруқлари;
- Ҳарбий қисм командирларининг буйруқлари.

Ҳарбий ҳуқуқ – ҳуқуқ соҳаларидан бири бўлиб, ҳуқуқ соҳалари орасида муҳим ўринни эгаллайди.

Ҳарбий ҳуқуқ – Ўзбекистон Республикасида Қуrolли Кучларнинг ҳарбий қурилиши, ҳарбий хизматчиларни ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ҳамда мажбуриятлари, умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тушунчалари, ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва қоидалари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига бериладиган имтиёзлар, ҳарбий хизматни ўташликнинг ҳуқуқий асосларини, ҳарбий хизматчиларнинг юридик жавобгарликлари ҳақидаги ҳарбий ҳуқуқий нормаларни ўрганилишини ўз ичига олади.

Ҳарбий-ҳуқуқ нормалари халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳам тартибга солиниб келинади.

Ҳарбий ҳуқуқда Қуrolли Кучларнинг тузилиш мақсади ва вазифаларини, унинг бошқаруви ҳамда қўлланиши ҳақидаги ҳарбий-ҳуқуқий нормаларни ўрганилади.



Харбий ҳуқуқ – Қуролли Кучларнинг қурилиш шакллари ва мустаҳкамлаш тамойиллари, қурилиши соҳасидаги тартибга солиш муносабатлари, шахсий таркибнинг харбий хизматни ўташ тартиблари ва турмуши ва фаолияти, мажбуриятлари, харбий хизматчилар ва бошқа харбий муносабатлар қатнашчиларнинг ҳуқуқ ва жавобгарликларини ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамлайди.

Харбий ҳуқуқий нормалар хусусиятларига қараб Қуролли Кучларнинг қурилиши ва мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунлариданоқ мамлакат мудофаасинини ташкил этиш ва армия фаолиятининг ҳуқуқий мезонларининг ишлаб чиқилишига алоҳида аҳамият берди.

Қуролли Кучларнинг қурилиши тамойилларига қуйидагилар киради:

- харбий қурилиш тамойили;
- армия ва халқнинг бирлиги, халқлар дўстлиги ва интернационализм;
- қонунчилик ва тартиб интизомни мустаҳкамлаш;
- ташкиллаштириш;

- қарши ҳужумларга доимо тайёр туриш;
- профессионал армияни тузиш;
- илмий изланишларни олиб бориш;
- жанговар ҳаракатларни ўрганиш;
- ҳарбий техникаларни бошқариш сирларини ўрганиш;
- ҳарбий кадрларни тайёрлаш;
- ўқитиш ва тарбиялаш каби тамойилларни ўз ичига олади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг мамлакат муҳофаазинини ташкил этиш ва армия фаолиятининг ҳуқуқий мезонларининг ишлаб чиқилишига алоҳида аҳамият берди.

Давлатимиз муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлаш йўлида Ўзбекистон Республикаси ўз Қуролли Кучларни ташкил этишни энг муҳим вазифалардан бири этиб белгилади.

1991 йилнинг 31 августидан Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Мустақил миллий давлатчилигимизга асос солинган биринчи кунданок, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг бўлиб ўтган навбатдан ташқари ўн иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида”ги Баёнотида, “Давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Муҳофаа ишлари вазирлиги ва Миллий гвардия тузилади. Республика ҳудудида жойлашган СССР Давлат хавфсизлик комитети ҳамда Ички кўшинлари Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига олинади”, деб кўрсатилганди.

1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Қонунда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди ва “Ўзбекистон Республикаси Муҳофаа ишлари вазирлигини,

Миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизматни тузиш ҳуқуқига эга”, деб белгиланди. Бу амалда ёш республикага ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини берди.

Давлатимиз раҳбари “Миллий армиямиз-мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир” асарида таъкидлаганидек, 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги тарихий Қонуннинг 6-моддасига биноан давлатимиз, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида, ўз Қуролли Кучларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган ва бу ҳуқуқни изчил амалга ошира бошлаганидан далолат берар эди.

Мана шу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида 1991 йил 6 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 10 сентябрдаги Фармонига мувофиқ Мудофаа ишлари вазири айна вақтда Миллий гвардия қўмондони этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги Қарорига биноан Мудофаа ишлари вазирлигининг ҳуқуқий мақоми, унинг штат тузилиши ва низомлари тасдиқланди.

Амалда собиқ Иттифоқ парчаланган бир вақтда давлат раҳбариятининг Ўзбекистон Республикасини халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида ўз армиясини тузишга қарор қилиши ва Мудофаа ишлари вазирлигининг ташкил этилиши билан мамлакат хавфсизлиги ҳимояси ҳам таъминлашга асос бўлди.

1991 йил 30 декабрда Минск шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатлари раҳбарларининг йиғилишида ҳарбий масала кўтарилганда, Ўзбекистон Республикаси биринчилардан бўлиб ўз Қуролли Кучларини тузажагини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 10 январида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий қисмлари ва ўқув муассасаларини Ўзбекистон

Республикаси тасарруфига олиш тўғрисида”, 1992 йил 14 январида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида” Қарорлар қабул қилди.

Уларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган собиқ Иттифоққа қарашли Ички ишлар ва Мудофаа вазирликларининг қисмлари, бирлашмалари, қўшилмалари, Олий ўқув юртлари, ҳарбий тузилмалари мамлакатнинг қонуний тасарруфига олинади деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси ўз Қуролли Кучларини тузишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳуқуқий меъёрлари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки якунловчи акти, МДХ коллектив хавфсизлик Шартномаси каби халқаро ҳужжатларнинг барча талабларига риоя қилди.

1992 йилнинг 1-февралидан бошлаб собиқ Иттифоқ тизимидаги қўшинларни маблағ билан таъминлаш Москва томонидан тўхтатилиб қўйилди. Қўшинларни маблағ билан таъминлашнинг тўхтатилиши шахсий таркиб таъминотида, шу билан бирга офицерлар ва уларнинг оила аъзоларининг моддий таъминотида ҳам поракандаликни юзага келтириши турган гап эди. Бу ўринда қўшинларда норозилик ҳолатини келтириб чиқариши, ёш мустақил давлатга раҳна солиши муқаррар эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И.А.Каримов “Миллий армиямиз - мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир” асарида таъкидлаганидек, шундай қалтис дамларда ҳарбийларнинг майдонга чиқиши, ўз қудрати ва ҳукмронлигини намоиш этиши ва керак бўлса, ҳеч нарсадан тап тортмай куч ишлатишга тайёрлигини сезиш, бундай вазиятда армиянинг нақадар даҳшатли кучга айланиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас эди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Қарор асосида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларига, ҳарбий муассасалардаги ишчи ва хизматчиларга, собиқ Иттифоқ армиясида хизмат қилган нафақахўрларга ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояни кафолатлади. Ҳарбий қисмлар ва ўқув юртлари,

муассасалар, ташкилотлар давлат томонидан моддий техника ва маблағ билан таъминланди.

Шу тарзда мустақил Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида ўз Қуролли Кучлари ташкил этилганлигини эълон қилди. Республика тасарруфига олинган ҳарбий тузилмаларга раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 20 февралдаги Фармонида биноан Мудофаа ишлари вазирлиги зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилишдаги, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий тузилмаларнинг 1992 йил 14 январдан Республика юрисдикциясига ўтказилганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида” ги Қонунига биноан 14 январ - Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Абдуғаниевич Каримов “Миллий армиямиз-мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир” асарида таъкидлаганларидек, 14 январь санаси фақат ҳарбий хизматчилар эмас, айтини вақтда армия сафларида ўз бурчини ўтаб қайтган ватандошларимиз ва эртага хизматга борадиган минг – минглаб навқирон фарзандларимизнинг қутлуғ байрами деб қабул қилишимиз, уни энг улуғ энг азиз – Мустақиллик байрами сингари юксак даражада нишонламоғимиз лозим.

Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг иши бўлмоғи керак. Айтини пайтда Ватанни ҳимоя қилиш ишига кимдир бевосита, кимдир билвосита ҳисса қўшмоқда.

Шу билан мустақил Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида ўз Қуролли Кучлари ташкил этиб, мудофаа соҳасидаги янги вазифаларни бажара бошлашга киришди.

Ҳарбий қурилиш соҳасидаги мақсад профессионал армияни, ўз таркибида яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз халқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шаъни ва қадр - қимматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтиришдан иборат бўлиши лозим. Мақсад миқдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин яхши шайлаган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму кўст қуролланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучларни шакллантиришдир.


Бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг жуғрофий-стратегик мақеини ва ҳудудининг жуғрофий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчига қуруқликда ва ҳавода муносиб зарба бера олиш учун жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи зарур.

Жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим бўғинларидан бири – Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотлардир. Ўтган давр мобайнида миллий Қуролли Кучларимизни шакллантириш, стратегик ва тактик вазифаларни бугунги кун талаблари даражасида ҳал қила оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимиз ва бутун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армияни барпо этиш йўлида кўп ишлар амалга оширилди.

Ҳозирда Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотлар йўлида профессионал армияни ташкил этиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда, мудофаа соҳасида кўпгина янгидан янги қонунлар қабул қилинмоқда.

Биз бу борада қуйидаги маълумотларни келтириб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш босқичлари.



Биринчи босқич 1998-2000 йилларда. Мамлакат ҳарбий-маъмурий бўлиниши тизимини ташкил этиш ва Қуролли Кучлар тузилишини такомиллаштириш босқичи:

-қўшинларда тезкор бошқарувни амалга ошириш мақсадида ҳарбий округлар, чегара районлар, ички ишлар қўшинларининг ҳудудий қўшилмалари тузилди;

- муҳим стратегик йўналишларда қўшин гуруҳлари ташкил этилди;

-Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари билан Ҳарбий Ҳаво Кучлари бирлаштирилди;

-махсус операциялар кучлари тузилди;

-жанговар қисм ва бўлинмаларнинг янги штат тузилиши, жанговар ўқув машқлари жараёнида синовдан ўтказилди;

Иккинчи босқич 2000-2002 йиллар. Қуролли Кучлар бошқарув тизимини ислоҳ қилиш босқичи:

-Мудофаа вазирлигининг Бош штаби Қуролли Кучлар Бирлашган штабига айлантирилди;


-Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби вазифалари ажратилди;

-Мудофаа вазирлиги, Чегара ва Ички қўшинлари махсус операциялар кучлари бригадалари, махсус қидирув-разведка взводларини, Чегара ҳамда Ички қўшинлар махсус топшириқлар бўлинмаларини кенгайтириш;

-жанговар ҳаракатларни олиб бориш юзасидан асосий низомий ҳужжатлар, кўрсатмалар, йўриқномалар яратилди ва қайта ишланди;

-профессионал ҳарбий хизматчиларни тайёрлашга ихтисослаштирилган сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлар тизими



Учинчи босқич 2003-2005 йиллар. Қўшинлар таркиби бутланиши ва жиҳозланишини сифат жиҳатдан ўзгартириш босқичи:

-жанговар шайлик ва жанговар қобилиятлилиқ негизий элементи саналадиган қўшинлар жанговар тайёргарлиги самарадорлигини кескин юксалтириш;

- Қуролли Кучлар таркибини оптималлаштириш;

- қўшинларни режали тарзда контракт асосига ўтиши;

-Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий таълим ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг узлуксиз, кўп поғонали самарали тизимини ташкил қилиш;

-резерв (резервчилар) тайёрлашнинг тубдан янги тизимини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш;

-муддатли ҳарбий хизматни 18-ойдан 12-ойга қисқартириш ;


-қўшинларни замонавий қурол-аслаҳа ва жанговар техника билан режали таъминлаш;

-офицерлар ва контракт асосидаги ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошларини ошириш ҳамда турмуш шароитини яхшилаш;



-ҳарбий таълимни янги асосда тубдан ислоҳ қилиш.

Ҳозирда Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислохотларнинг дастлабки босқичида армиямизни ташкил этиш, ҳуқуқий пойдеворини яратиш, қўшинларни жойлаштириш, округлар тузиш ва яна бошқа тадбирлар амалга оширилди.

СЕРЖАНТЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБЛАРИ



МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУДУДИЙ БЎЛИНИШИ



Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларининг умумий
узунлиги 6221 километрни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси
Пойтахти - Тошкент
Майдони – 448,9 минг кв,км
Аҳолиси – 29,5 млн киши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг мамлакат мудофаасинини ташкил этиш ва армия фаолиятининг ҳуқуқий мезонларининг ишлаб чиқилишига алоҳида аҳамият берди.

Президентимиз – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Абдуғаниевич Каримов “Миллий армиямиз-мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир” асарида таъкидлаганларидек, 14 январь санаси фақат ҳарбий хизматчилар эмас, айтини вақтда армия сафларида ўз бурчини ўтаб қайтган ватандошларимиз ва эртага хизматга борадиган минг – минглаб навқирон фарзандларимизнинг қутлуғ байрами деб қабул қилишимиз, уни энг улуғ, энг азиз – Мустақиллик байрами сингари юксак даражада нишонламоғимиз лозим. Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг иши бўлмоғи керак. Айтини пайтда Ватанни ҳимоя қилиш ишига кимдир бевосита, кимдир билвосита ҳисса қўшмоқда.

Шу билан мустақил Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида ўз Қуролли Кучлари ташкил этиб, мудофаа соҳасидаги янги вазифаларни бажариб бошлашга киришди.

Ҳарбий қурилиш соҳасидаги мақсад профессионал армияни, ўз таркибида яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз халқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шаъни ва қадр қимматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтиришдан иборат бўлиши лозим. Мақсад миқдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин

яхши шайлаган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму кўст қуролланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучларни шакллантиришдир.

Бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг жуғрофий-стратегик мавқеини ва ҳудудининг жуғрофий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчига қуриқликда ва ҳавода муносиб зарба бера олиш учун жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи зарур.


Жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим бўғинларидан бири – Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотлардир. Ўтган давр мобайнида миллий Қуролли Кучларимизни шакллантириш, стратегик ва тактик вазифаларни бугунги кун талаблари даражасида ҳал қила оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимиз ва бутун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва ҳуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армияни барпо этиш йўлида кўп ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатда ва Қуролли Кучларда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ўрнатишнинг ҳуқуқий асосидир. Жумладан, у давлатни ҳимоя қилиш бўйича фуқароларнинг мажбуриятлари, Қуролли Кучларнинг тарихий аҳамияти ва вазифалари, уларнинг тайёргарлик даражаси, ҳарбий хизматчилар – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати ва ҳуқуқий ҳимоясини белгилаб беради.

Қўшинларда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни ўрнатиш борасида умумҳарбий Низомлар – ҳарбий хизматнинг умум эътироф қилинган қонунлари катта аҳамиятга эгадир.

Мудофаа вазирининг буйруқлари ҳам жуда муҳим ҳужжатлар ҳисобланади. Уларда одатда, шахсий таркибнинг жанговар, маънавий маърифий тайёргарлиги, жангчиларни тарбиялаш ва уларнинг ҳарбий хизматни

ўташлари билан боғлиқ бўлган айти пайтдаги энг муҳим вазифалар ўз аксини топади.



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 2003 йил 31 майдаги 12-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмларида ҳарбий интизом ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий меъёри тўғрисида»ги Йўриқномаси қонунбузарликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бунга асосан Қуролли Кучларда шахсий таркибнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, барча ҳарбий хизматчилар таркиби, Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш ва белигиланган қонунларга риоя этишни ҳуқуқий меъёрлари белгилаб берилди.

Офицерлар таркибига ҳуқуқий меъёрлар:

Умумий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (3,52,93,125,126-моддалари);
- 2.Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуни (2001 йил 11-майда янги таҳрирда қабул қилинган);

- 3.Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни (2002 йил 12-декабрда қабул қилинган);
- 4.Ўзбекистон Республикасининг «Миллий хавфсизлик концепцияси» (1997 йил 29-август);
- 5.Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг муқофолари тўғрисида»ги Қонуни;
- 6.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси;
- 7.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-Процессуал Кодекси;
- 8.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси;
- 9.Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси;
- 10.Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий Низомлари;
- 11.Ҳарбий хизматни ўташ тартибини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий актлар;
- 12.Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги муассасалари ва суриштирув органларида суриштирувни юритиш бўйича Йўриқнома;
- 13.Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида давлат сирларини ҳимоя қилиш бўйича Қўлланма;
- 14.Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 1994 йил 24-мартдаги 50-сонли буйруғи. «Ҳарбий хизматчиларни шахсан давлат суғуртасига олиш тўғрисида»ги буйруғи;
- 15.Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг буйруқ ва йўриқномалари;
- 16.Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошлиғининг буйруқ ва йўриқномалари (тегишли қисми бўйича);
- 17.Ҳарбий округ қўмондонининг буйруқ ва йўриқномалари (тегишли қисми бўйича);
- 18.Ҳарбий қисм командирининг кундалик фаолиятидаги ишлар ва машғулотлар ўтиш олдидан хавфсизлик талаблари.

Шартнома асосида сержантлар ва оддий аскарлар лавозимида ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар таркибига ҳуқуқий меъёрлар:

Умумий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (3,52,93,125,126-моддалари);
- 2.Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуни (2001 йил 11-майда янги таҳрирда қабул қилинган);
- 3.Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни (2002 йил 12-декабрда қабул қилинган);
- 4.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси;
- 5.Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий Низомлари;
- 6.Ҳарбий хизматни ўташ тартибини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий актлар;
- 7.Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг сержантлар Мақоми;
- 8.Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 1994 йил 24-мартдаги 50-сонли буйруғи. «Ҳарбий хизматчиларни шахсан давлат суғуртасига олиш тўғрисида»ги буйруғи;
- 9.Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг буйруқ ва йўриқномалари;
- 10.Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошлиғининг буйруқ ва йўриқномалари (тегишли қисми буйича);
- 11.Ҳарбий округ қўмондонининг буйруқ ва йўриқномалари (тегишли қисми буйича);
- 12.Ҳарбий қисм командирининг кундалик фаолиятидаги ишлар ва машғулотлар ўтиш олдидан хавфсизлик талаблари.

Муддатли ҳарбий хизматчилар таркибига ҳуқуқий меъёрлар:

Умумий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (3,52,93,125,126-моддалари);

2.Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуни (2001 йил 11-майда янги таҳрирда қабул қилинган);

3.Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни (2002 йил 12-декабрда қабул қилинган);

4.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси;

5.Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий Низомлари;

6.Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 1994 йил 24-мартдаги 50-сонли буйруғи. «Ҳарбий хизматчиларни шахсан давлат суғуртасига олиш тўғрисида»ги буйруғи;

7.Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг буйруқ ва йўриқномалари;

8.Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошлиғининг буйруқ ва йўриқномалари (тегишли қисми буйича);

9.Ҳарбий округ кўмондонининг буйруқ ва йўриқномалари (тегишли қисми буйича);

10.Ҳарбий қисм командирининг кундалик фаолиятидаги ишлар ва машғулотлар ўтиш олдидан хавфсизлик талаблари.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ишчи ва хизматчиларига ҳуқуқий меъёрлар:

Умумий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (3,52,93,125,126-моддалари);

2.Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари фаолияти тўғрисида»ги Қонуни;

3.Ўзбекистон Республикасининг «Пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни;

4.Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси;

5.Ўзбекистон Республикасининг Касаба уюшмаси Низоми;

6.Кун тартиби қондаси;

7.Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ташкилот ва муассасаларида «Ишларни юритиш ва ҳимоя қилиш бўйича Қўлланма»;

8.Меҳнатни ҳимоялаш бўйича қонун асослари;

9.Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг буйруқ ва йўриқномалари;

10.Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошлиғининг буйруқ ва йўриқномалари (тегишли қисми бўйича);

11.Ҳарбий округ қўмондонининг буйруқ ва йўриқномалари (тегишли қисми бўйича);

12.Ҳарбий қисм командирининг кундалик фаолиятидаги ишлар ва машғулотлар ўтиш олдидан хавфсизлик талаблари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8- декабрдаги 12-чақириқ 11-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган.(муқаддима, 6-бўлим, 26-боб, 128-моддадан иборат)

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - бу давлатимизнинг асосий қонунидир. Конституциянинг хусусиятлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, давлатнинг асосий қонуни сифатида Конституция бошқа қонунлардан ажралиб турган ўзига хос ҳуқуқий тамойиллар билан яратилади:

-Конституция – бу олий қонун, у бошқа қонунлардан устивордир;

-Конституция қонун – қоидалари ҳамиша бошланғич таъсисчи ҳисобланади;

-Конституциянинг ажратиб турадиган алоҳида хусусиятларидан бири унинг барқарорлигидир. Барқарорлик уни қабул қилиш ва унга ўзгартиришлар киритишдаги алоҳида тартиб билан таъминланади. Агар Ўзбекистон Республикасининг оддий қонунларини қабул қилишда Олий Мажлис депутатларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз талаб қилинса, Конституцияни қабул қилиш ёки унга ўзгартиришлар киритиш учун депутатлар овозларнинг камида 3-дан 2-қисми зарур бўлади.

Ўзбекистон Конституциясининг маъно-мазмуни ва моҳияти, ўзига хос хусусиятларда, Ўзбекистон Конституциявий тизимининг асосий принциплари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ҳамда уларнинг кафолатланиши, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг асослари, Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, давлат ҳокимияти органларининг тизими, уларнинг тузилиш тартиби, ваколатлари ва фаолият шаклларида ўз аксини топган.

Конституция тушунчаси замирида давлатнинг ижтимоий-сиёсий табиатини ифодаловчи асосий қонун ётади.

“Конституция” атамаси латинча бўлиб, ўргатиш, тасдиқлаш, тузилиш маъноларини билдиради. Қадимги Римда ҳуқуқ манбаи кучига эга бўлган император ҳокимияти актлари ана шундай ном билан юритилган. Давлатнинг асосий қонуни сифатида қолиши билан боғлашади. Аслида эса Конституциялар жамият, давлат тузумининг буржуазияга қадар бўлган шаклларида ҳам маълум эди. Бироқ у пайтларда Конституция ёзилмаган тарзда эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моҳияти ҳақида тўхталадиган бўлсак, Конституция – бу олий юридик кучга эга бўлиб, тарихий тараққиётнинг муайян босқичида давлатнинг энг муҳим ижтимоий муносабатларини бошқарувчи асосий қонундир.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Конституцияни таърифлаб: **«Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи: обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадур. Шу маънода асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштироқ этади. Бир сўз билан айтганда, конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир»**,¹ деб таъкидлаган эди.

¹ И.Каримов. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». Т., 1996, том 2, бет 93.

Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда бош ҳуқуқий омил ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини ҳамда моҳиятини узлуксиз ўрганиш ўқитишнинг асосий мақсадини ташкил этади. У айни пайтда фуқароларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини мунтазам юксалтириш, шунингдек, асосий қонунни мукаммал ўзлаштириш, уни ҳаётга кенг ташвиқот қилиш мақсадини ҳам кўзлайди.

Конституциянинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтсак, Конституция – давлат ва жамият қурилишининг бошланғич асосини, халқ оммасининг эркини, иродасини ўзида мужассамлаштиради.

Конституция – муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, ҳокимият тўғрисидаги, шахснинг ҳуқуқий ҳолати ҳақидаги, давлатнинг маъмурий-худудий тузилиши каби масалалар унинг мазмунини ташкил этувчи асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Конституция нормалари давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва бизнинг ҳудудимизда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фаолиятига умумасос бўлиб хизмат қилади.

Конституция асосий қонун сифатида жамиятдаги сиёсий институтларни, давлат ҳокимиятини амалга оширишни таъминлайди.

Конституция ўзида халқ иродасини ифодалаб, халқ ҳокимиятчилиги институтларини мустаҳкамлайди.

Конституция барча соҳаларда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. У мақсадларга етишишнинг мустаҳкам ҳуқуқий кафолатидир. У мустақил сиёсий-ҳуқуқий ривожланиш ва конституциявий тузумининг ўзагидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тарихий яратилишига назар соладиган бўлсак, дастлаб, 1990 йилнинг июнида Республика Олий Кенгашининг 2-чи сессиясида янги асосий қонун лойиҳасини тайёрлаш учун Конституциявий Комиссия тузилган бўлиб, бу Комиссия шахсан Ўзбекистон

Республикаси Президенти И.А.Каримов бошчилигида 1990-1992 йилларда 2-йил мобайнида иш олиб боришди.

Айни вақтда умумхалқ муҳокамаси давомида лойиҳага Конституция комиссиясининг ўзига 6-мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар келиб тушди.

Тушган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда 60-дан ортиқ моддага аниқлик ва тузатишлар киритилиб Конституция лойиҳаси матбуотда 2-чи марта эълон қилинди.

Конституциявий комиссиянинг раиси И.А.Каримов Конституциянинг ҳар бир моддасини ақли ва юраги билан ҳис этди, уни пишитди ва такомиллаштирди.

И.А.Каримов аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлигини давлатнинг маданий ёдгорликлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги моддалар билан тўлдиришни таклиф қилди, асосий эътиборини Конституциянинг инсон ва фуқароларнинг эркинликлари ва бурчларини қонуний мустаҳкамловчи моддаларига қаратди. Президент Конституция лойиҳасини 1-чи марта эълон қилгунча 4 марта, кейин эса 2 марта таҳрир қилди. Фуқароларнинг талаб ва таклифлари, мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб, Олий Кенгаш сессиясида аввал лойиҳани яна бир бор кўриб чиқди.

Шундай қилиб, Конституция лойиҳаси давлатимиз раҳбари томонидан 7 марта текшириб чиқилди. 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси матбуотда 1-чи бор халқ муҳокамасига эълон қилинди. Бунда халқдан келиб тушган таклифларнинг сони 5-мингдан ошиб кетди. 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун газеталарда қайта чоп этирилди. Конституция лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 12-чақириқ 11-сессияси муҳокамасига киритилди ва қабул қилинди.


И.А.Каримов сессияда Конституцияни “халқчил қомус” деб атади унинг лойиҳаси устида тахминан 2-йил давомида ишлагани, 2-ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтганлигини таъкидлаб ўтди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳуқуқий демократик давлатнинг ташкил топиши ҳамда ривожланишининг асосий шарти – давлат ва жамиятнинг

сиёсий қурилиш тизимини белгилайдиган, фуқаролар эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, халқнинг муайян тарихий тажрибаси, қабул қилинган халқаро меъёрларга жавоб берадиган Конституциясининг мавжудлигидир.

Ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон Республикаси ҳам илк кунлардан оқ мамлакатда ҳуқуқий базани вужудга келтиришга катта аҳамият берди ва бу йўналишда жаҳон андозалари асосида ўз Конституциясини ишлаб чиқишни олдинга сурди.

Ўзбекистон Конституцияси 12-чақириқ Олий Кенгашнинг 11-сессиясида 1992 йил 8-декабрда, муқаддима, 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат қабул қилинди.




Мамлакат Конституциясининг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ҳуқуқий мустаҳкамланиши йўлидаги муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги жамият ва давлат қурилиши асосларини мустаҳкамлади, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, ҳуқуқий ва сиёсий тизим шаклланиши учун пойдевор қўйди.

Конституция дунё сиёсий харитасида янги суверен демократик давлат – Ўзбекистон Республикаси қарор топганлигини қонунлаштирди. Бутун жаҳон аҳлига халқимизнинг хоҳиш-истаги баён қилиниб, унда давлатчилигини замонавий маърифий асосларда қайта тиклаш, тинч-тотув яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустаҳкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон

ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар осойишталиги ҳамда миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш каби олижаноб ниятлар эълон қилинди.



Ўзбекистон Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг моҳиятини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тизимини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатганлигини, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди.

Конституция – Ўзбекистон давлатидаги ҳуқуқнинг бош манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистонда мудофаа ва хавфсизликнинг таъминланишини ҳуқуқий томондан мустаҳкамлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида ўз мудофаа ва хавфсизлик органлари тизимига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фукаросининг бурчидир» деб мустаҳкамлаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 125-моддаси: “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 126-моддаси: “Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга”, деб мустаҳкамлаб берилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий статуси яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги қонуни

Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни 1992 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўнинчи сессиясида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни 2001 йил 11 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ бешинчи сессиясида янги таҳрирда қабул қилинди.

Мустақилликка эришилгандан кейин мамлакат мудофаасини ташкил қилиш бўйича бир қатор қонунларимиз қабул қилина бошлади,бу йўналиш бўйича қатор қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлда ўн иккинчи чақириқ ўнинчи сессиясида қабул қилган Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни мамлакат мудофааси борасидаги ушбу муҳим ҳужжатлардан бири бўлди.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида олиб борилган ислохотлар, 1999-2000 йилларда экстремистик кучларга қарши олиб борилган жанговар

ҳаракатлар, мустақил давлатимиз мудофаасини ташкил этиш бўйича тўпланган тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001-йил 11-майдаги бешинчи сессиясида янги таҳрирда қабул қилинди ва Президентимиз И.А.Каримов томонидан тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни мудофаани ташкил этишнинг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини, мамлакат мудофаасини таъминлашда давлат органларининг ваколатларини, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар иштирокини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонунига асосан мудофаани ташкил этишнинг қуйидаги асосий йўналишларини қамраб олади:

- тажовузнинг олдини олиш ва қайтаришга, Ўзбекистон Республикасига тажовузлардан уюшган ҳолда қуролли ҳимояланишга қаратилган зарур шароитлар яратиш;

- мудофаа соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, давлат ҳарбий тузилишини замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш;

- мудофаа вазифаларини ҳал этиш учун керакли барча куч ва воситаларнинг мувофиқлаштириб борилишини ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлаш;

- ҳарбий — сиёсий вазият, миллий хавфсизликка бўлган аниқ ва потенциал таҳдидлар мониторингини юритиш;

- Ўзбекистон Республикаси урушга ва қуролли можароларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий ахборот, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар кўриш;

- Қуролли Кучларнинг қурилиши, тайёргарлиги, доим шай ҳолда сақлаб турилиши, уларнинг сони, тузилиши ва таркибининг мақбуллаштирилиши;

- Қуролли Кучларни тегишли равишда замонавий қурол-яроғлар, ҳарбий-техникавий ва ашёвий мол-мулклар, озиқ-овқат, бошқа моддий-техник

воситалар, энергетика ва бошқа ресурслар билан таъминлаш, уларнинг захираларини вужудга келтириш;

- Қуролли Кучлар қўлланилишини режалаштириш;

- Мудофаа вазифаларини ҳал этиш учун ташқи сиёсий йўналишдаги чора –тадбирларни кўриш;

- аҳолини ва ҳудудни мудофаага тайёрлаш;

- Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг қўриқланиши ва ҳимояланишини таъминлаш;

- аҳолини, иқтисодиёт ва ҳаёт кечириш учун зарур бўлган объектларни ялпи қирғин қуролларидан муҳофаза қилишга доир тадбирларни ўтказиш;

- Қуролли Кучларнинг, мамлакат иқтисодиётининг, шунингдек, аҳолининг сафарбарлик тайёргарлиги;

- давлат ва сафарбарлик захиралари учун моддий бойликлар захираларини вужудга келтириш;

- мудофаанинг илмий, илмий-техникавий, маърифий, ҳарбий-саноат, иқтисодий, ахборот ва қонунчилик базасини такомиллаштириш;

- аҳолини маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Қуролли Кучлар шахсий таркибини давлатни ҳимоя қилишга ахлоқий-руҳий жиҳатдан тайёрлаш;

- мамлакат мудофаасини ташкил этишга доир бошқа тадбирлар.

Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонунига асосан Қуролли Кучлар урушлар ва қуролли мажороларни қайтариш ҳамда олдини олиш, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳамда аҳолининг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш учун давлат томонидан ташкил этилган ва сақлаб турилган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар ва қисмларни, шунингдек, бошқа ҳарбий тузилмаларни ўз ичига олади.

Мудофаага ва Қуролли Кучларга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони амалга оширади.

Уруш даврида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири бир пайтнинг ўзида Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг ўринбосари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа Доктринаси

1995 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 3-чи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий Доктринаси қабул қилинган эди.

2000 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа Доктринасига айлантирилди.

Давлатимиз ҳарбий сиёсати ҳамда ҳарбий қурилишининг йўналиши ва тамойилларини белгилаб берган ҳужжат 1995 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Ҳарбий доктрина бўлди.

У мамлакат ҳарбий сиёсатининг давлат ташкилотлари, ҳарбий кадрлар учун мажбурий ҳисобланган ҳарбий назария ва амалиётнинг асосий, расман қабул қилинган қарашлари, қоидаларини акс эттиради, ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, бош ҳарбий-стратегик вазифаларни, ҳарбий қурилиш тамойилларини ва Қуролли Кучларни қўллаш шартлари, Қуролли Кучлар, халқ ҳамда мамлакатни мудофаага тайёрлаш масалаларини илмий жиҳатдан асослаб берди.

Минтақадаги ҳарбий – сиёсий вазият, Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатидан келиб чиққан ҳолда 2000 йилда давлатимизда Мудофаа Доктринаси ишлаб чиқилди ва Миллий хавфсизлик кенгаши томонидан шу йил 7 февраль куни қабул қилинди.

Мудофаа Доктринаси миллий хавфсизлик умумдавлат концепциясининг таркибий қисми бўлиб, у ташқи сиёсат, давлатлараро муносабатлар масалаларига уруш ва тинчлик муаммоларига мутлақо янгича ёндашувларга асосланади.

Халқаро муносабатлардаги таркибий ўзгаришлар, кескинлик, можаролар янги ўчоқларнинг пайдо бўлиши, экстремизм ва террорчиликнинг турли

кўринишларининг фаоллашиши билан мудофаа ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси ўз Мудофаа Доктринасида суверен давлат ва халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида ўзининг ташқи ва мудофаа сиёсатини барча мамлакатларнинг тинч – тотув яшаши бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг суверенитети ва мустақиллигини ҳурмат қилиш, ялпи тинчликка, ижтимоий-сиёсий барқарорликка ва қуролсизланишга эришиш мақсадларига қаратишни таъкидлади.

Айни вақтда ўз фуқароларининг тинч-осойишталигини ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олди, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига мувофиқ ўзини-ўзи мудофаа қилишдан иборат ажралмас ҳуқуқни амалга оширди, давлатнинг зарур даражада ҳарбий қудратга ва қобилиятига эга бўлишини таъминлади. Ҳозирги замон урушларига хос характер ва оқибатларни инобатга олиб, доктринада бош ҳарбий стратегик вазифа уруш ва ҳарбий тажовузни бартараф этиш деб белгиланади.

Тинчлик даврида- давлатнинг мудофаа қобилиятини республика дахлсизлиги таъминланишини кафолатлашга кифоя қиладиган даражада сақлаб туриш, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига қарши қилиниши мумкин бўлган иғвогарликлар ва тажовузларнинг олдини олиш, Қуролли Кучларни ҳар қандай ҳужумларни ҳам мустақил тарзда, ҳам умумий хавфсизлик тўғрисидаги Шартнома қатнашчиси бўлган давлатларнинг Қуролли Кучлари билан ўзаро ҳамкорликда дафъ этиш учун ҳар тарафлама доимий шай туришини таъминлайди.

Уруш даврида - тажовузни кафолатли тарзда қайтариш, ўз кучлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан мувофиқ шартномага асосан бошқа давлатларнинг ҳарбий куч-қудрати ҳамкорлигида босқинчига қажатқич зарба бериш вазифасини бажаради.

Доктрина Қуролли Кучлар тушунчасига аниқлик киритди. Барча куч тизимлари Қуролли Кучлар сафига киритилди. Мамлакат мудофаасини ташкил этишда уларнинг тутган ўрни ва вазифасини белгилаб берди.

Доктрина мудофаани ташкил этиш ва Қуролли Кучлар устидан раҳбарликни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бирлашган Штабининг тутган ўрни ва вазифалари аниқ кўрсатилди

Доктрина ҳарбий ислохотларнинг асосий йўналишларини, ҳарбий-техник таъминотини, сафарбарлик масалаларини назарий ва илмий жиҳатдан асослаб берди. Мамлакат мудофаасини ташкил этишда Қуролли Кучлар, ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари, жамоат бирлашмаларининг тутган ўрни ва вазифасига аниқлик киритди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасини амалга киритар экан, БМТнинг Низомидан, Хельсинкида имзоланган якунловчи ҳужжатдан, Стокгольм конференцияси ҳужжатидан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатлар билан тузилган икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар, битимлардан ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумэътироф этилган нормаларидан келиб чиқувчи барча халқаро мажбуриятларга қатъий риоя этилишини кафолатлади.

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги сиёсати Мудофаа Доктринасида кўрсатилган қуйидаги асосий принципларда белгиланади:

-  бошқа давлатга қарши куч ишлатмаслик;
-  тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш; шунингдек Ўзбекистон Республикаси тегишли шартномалар билан боғланган давлатларга ёрдам кўрсатиш ҳоллари бундан мустасно;
-  халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда коллектив хавфсизлик тизимларида иштирок этиш;
-  ҳарбий сиёсий блокларда қатнашмаслик;
-  ҳарбий қурилишнинг замонавий урушлар ва қуролли мажораларнинг хусусиятига монанд бўлиши;
-  ядровий ва бошқа турдаги ялпи қирғин қуролларини ишлаб чиқаришни, қайта ишлашни, олишни, сақлашни, тарқатишни ва жойлаштиришни рад этиш;

- ✚ Қуролли Кучларнинг, иқтисодиётнинг, аҳолининг, ҳудуднинг тажовузни даф этишга доим шай туриши;
- ✚ мудофаанинг етарли даражада бўлиши;
- ✚ ҳарбий хизмат шарафли эканлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари мамлакат мудофаа тизимининг ядроси эканлиги Мудофаа доктринасида белгиланган бўлиб, у Қуриқликдаги қўшинлар, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари, Махсус қўшинлар, Ички қўшинлар ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва муассасалар ҳарбий тузилмаларидан ташкил топади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”асарида “Давлат мудофаа қобилиятининг энг муҳим қисми унинг Қуролли Кучлардир. Уларнинг жанговар қудрати Қуролли можаролар ва уруш бошлаб юборишдан тийиб туриш вазифаларини бажаришга тайёргарлик даражасидан, ҳамда мамлакат ҳудудига босқинчилик қилинган тақдирда оддий қурол яроғларнинг ҳар хил турларидан фойдаланган ҳолда босқинчини тор-мор қилишдан иборатдир” деб таъкидлаган эди.

Президентимиз – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганларидек, Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг иши бўлмоғи керак.

Айни пайтда Ватанни ҳимоя қилиш ишига кимдир бевосита, кимдир билвосита ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Миллий Хавфсизлик концепцияси (МХК)

Қуролли Кучларнинг ҳукукий асосларини янада ривожлантиришда 1997 йил 29 августда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш туғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бу концепцияда диний экстремизм, миллатлараро ва этник зиддиятларнинг кучайиши, қуролларнинг, жумладан ядро қуролининг тарқалиши, халқаро терроризм, уюшган жиноятчиликнинг авж олиши,

наркотик моддаларнинг тарқалиши ҳамда экологик таназзул кўринишидаги минтақавий ва ялпи таҳдид мавжудлиги такидланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Концепция давлатнинг муҳим вазифаларидан бири миллий хавфсизликнинг самарали тизимини яратиш, Ўзбекистоннинг минтақавий ва ялпи хавфсизликни таъминловчи коллектив ҳамкорлик тизимига киришини тақозо этади.

1. Концепциясининг давлат ва сиёсий аҳамияти, моҳияти.

Миллий хавфсизлик таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти, ҳукукий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қурилиши муҳим шартидир. МХК миллий хавфсизлик борасида ягона давлат сиёсатининг асосини белгилайди.

МХК тузилмаси:

- Ўзбекистон ва жаҳон;

- муҳим ҳаётий миллий манфаатлар, миллатнинг маданий-тарихий сифатларини сақлаш, миллий қадриятларни, давлат ва жамоат институтларини ҳимоялаш, шахс, жамият, давлатнинг яъни, миллий хавфсизлик объектларининг суверенитети ва барқарор ривожланишини таъминлашдаги эҳтиёжини англаш;

- миллий хавфсизликни таҳдид – ҳаётий муҳим бўлган миллий манфаатларга (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, гуманитар, ҳарбий, илмий-техник, ахборот, экология соҳаларида) зиён етказиши мумкин бўлган омил ва шартлар;

- миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари (ташқи сиёсий соҳада, жамоат ва давлат қурилиши, иқтисодий, ижтимоий, гуманитар, ҳарбий, ахборот, экология соҳаларида);

- хавфсизликни таъмин этишнинг тизими ва тамойиллари.

2. Ҳозирги замоннинг ўзига хосликлари.

Жаҳон тараққиётининг бугунги босқичи биоқутбли қурилишдан дунёнинг янгича тартибига ўтиш ҳисобланади. Ҳозирги замон учун қуйидагилар характерли:

- мамлакатлар ўзаро боғлиқлигининг ўсиши;

- миллий ўзликни англашнинг ўсиши;
- кўпқутбли дунёнинг шаклланиши;
- технология ва ахборот тараққиёти;
- минерал хом-ашё, ёнилғи-энергетик ва сув ресурсларининг чекланганлиги;
- ички ва халқаро, минтақавий ва глобал мажоралар ўртасида қолиш;
- хавфсизликка диний экстремизм, тажовузкор миллатчилик, терроризм, уюшган жиноятчиликнинг таҳдиди мавжудлиги;
- жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг роли, халқаро ташкилотлар аҳамиятининг ортиши.

3. Ўзбекистоннинг геостратегик ҳолати.

- географик жиҳатдан қулай жойлашган;
- табиий ресурсларнинг бой захиралари;
- юксак илмий-техник, ишлаб чиқариш ва иқтисодий қудрат;
- демографик вазият (туғилишнинг юқорилиги, аҳолининг табиий ўсиши);
- бой маънавий ва маданий-тарихий мерос;
- Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги фаол роли;
- минтақада тангликлар ўчоғи мавжудлиги;
- Ўзбекистоннинг Европа ва Осиё хавфсизлиги янги архитектурасининг шаклланиши жараёнида иштироки;
- сув ресурсларининг чекланганлиги;
- денгиз-транспорт йўлидан узоқлиги;
- ноқулай экологик вазият (Орол денгизи муаммоси).

4.Миллий хавфсизлик объектлари.

- инсон - унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият-унинг маънавий ва моддий бойликлари, давлат-унинг конституциявий тизими, суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги.

5.Миллий хавфсизлик соҳасига таҳдид.

- сиёсий (ташқи ва ички таҳдид);

- иқтисодий (ташқи ва ички таҳдидлар);
- ижтимоий;
- гуманитар;
- ҳарбий;
- илмий-техник, технологик ва ахборот;
- экологик

6. Ҳарбий соҳасида миллий хавфсизликка таҳдидлар.

- минтақадаги қуроли тўқнашув, қаршиликлар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўтиш эҳтимоли;

- турли экстремистик куч ва марказларнинг давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви асосларига, иқтисодий ва муҳофаза қудратига, ижтимоий-сиёсий барқарорликка ва Ўзбекистон Республикаси конституциявий тизимини куч билан ағдаришга қаратилган диний экстремизм экспансиясига йўналтирилган қўпоровчилик-террорчилик, мафкуравий фаолияти;

- хорижий мамлакатлар ҳудудларида мамлакатда ва умуман минтақада қўпоровчилик-террорчилик фаолиятни амалга ошириш учун жангарилар, қуроли бўлинмалар ва гуруҳларни тайёрлаш бўйича база ҳамда лагерларнинг яратилиши;

- мамлакат ва минтақада ноқонуний йўллар билан қурол, шу жумладан оммавий қирғин қуроллари, ўқ-дори, портловчи ва қўпоровчилик актиларини амалга ошириш учун мўлжалланган бошқа воситалар тарқатишга уриниш, шунингдек, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва айланмаси;

- Ўзбекистон Республикаси чегараси атрофида мавжуд кучлар балансини издан чиқаришга элтувчи қўшинлар гуруҳларининг ортиши, давлат чегараси яқинида қўшни мамлакатлар қуроли кучлари тезкор тайёргарлигининг интенсификацияси;

7. Миллий хавфсизликни таъминлаш тамойиллари:


- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш;

- қонун устуворлиги. Конституция, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари;

- миллий ўзликни англашга, халқнинг маънавий ва ахлоқий қадриятларига эътибор;

- миллий манфаатлар устуворлиги;
- миллатлараро тотувликни таъминлаш;
- шахс, жамият ва давлат манфаатлари балансига риоя қилиш;
- ҳудудий яхлитлик ва давлат чегаралари дахлсизлигини сақлаш;
- ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик;
- бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик;
- мунозараларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч қўллашдан воз кечиш;
- ижтимоий адолат ва кучли ижтимоий сиёсат.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий Низомлари



Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И.А.Каримов томонидан 1996 йил 9 октябрда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 3 та Низомлари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф Низоми эса Мудофаа Вазирининг 238- сонли Буйруғи билан 1996 йил 14 октябрда амалга киритилди.

Умумҳарбий низомлар ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатларини, уларнинг умумий ва лавозимга оид мажбуриятларини, ҳуқуқларини, ички

хизматни, гарнизон ва қоровуллик хизматларини ўташ тартибларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган. Ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчиларнинг кундалик турмуши ва фаолияти ички хизмат талабларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

Ички хизмат ҳарбий қисмда унинг доимий жанговар шайлигини, шахсий таркиб таълимини, у томонидан кундалик фаолиятининг бошқа вазифаларини уюшган ҳолда бажаришни ва ҳарбий хизматчиларнинг соғлиғини сақлашни таъминловчи ички тартиб ва ҳарбий интизомни сақлаб туриш учун мўлжаллангандир. У мазкур Низомнинг қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонунларига оғишмай риоя қилган ҳолда ташкил этилади.

Ички хизмат ҳарбий хизматчилардан уларнинг хоҳиш-истагига бўйсунмаган ҳолда уюшган ҳаракатларни талаб этади.

Ички хизмат талабларининг бажарилиши ҳарбий хизматчиларда маъсуллик, мустақиллик, саранжомлик ва ҳалоллик туйғусини ривожлантиради. Ўзаро бир-бирини тушуниш, хайрихоҳлик ва бир-бирига ёрдам беришга тайёрлик, жанговар ўртоқлик мустаҳкамланишига ва аскарӣй жамоаларнинг жипслашувига олиб келади. Кундалик фаолиятда топшириқларни бажаришга, қолаверса, жанговар вазиятда оғир синовларга бардош беришга имконият яратади.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи ички хизмат талабларини билиши ва виждонан бажариши шартдир.

Ҳарбий хизматни ўташнинг бошланишида ҳарбий хизматчи алоҳида диққат – эътиборга муҳтожлик сезади, командирлар (бошлиқлар) томонидан қатъий назорат ва уларнинг шахсий ибрати ҳарбий хизматчиларга ички хизмат талабларини тезроқ англаб олишда ёрдам беради.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикасини қуролли тажовуздан ҳимоя қилиш мамлакат фуқароларининг конституциявий мажбурияти ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган ҳуқуқлар ва эркинликлардан ҳарбий хизмат шарт- шароитлари белгилайдиган чекловлар билан ва амалдаги қонунларни ҳисобга олиш билан фойдаланадилар. Уларнинг зиммасига конституциявий, бошқа умумфуқаро мажбуриятлари, шунингдек, умумий мансаб ва махсус мажбуриятлар юкланади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиши қуйидаги қоидаларда белгиланади:

-жанговар ҳаракатларда иштирок этиш, хизмат мажбуриятларини ижро этиш, жанговар навбатчиликни (жанговар хизматни) ўташ;

-кун тартиби билан белгиланган хизмат вақти давомида ёхуд бу хизмат заруратидан келиб чиққан бўлса, ҳарбий қисм ҳудудида бўлиш;

- хизмат сафарида ёхуд даволанишда бўлиш;

- хизмат жойига, даволанишга ёхуд аксинча қараб йўл босиш;

- ҳарбий йиғинларда иштирок этиш;

- асирга тушиш (ўз ихтиёри билан асир тушишдан ташқари), гаровга олинган ёхуд ҳайдаб кетилган аҳволида бўлиш;

-бедарак кетиш ҳарбий хизматчи дараксиз йўқолган деб тан олинганига ёхуд амалдаги қонунларга мувофиқ вафот этган деб эълон қилингунига қадар;

- шахс ҳаёти, соғлиғи, ор-номуси ва қадр – қимматини ҳимоя қилиш;

-ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш;

-ҳарбий хизматчиларнинг суд томонидан жамият ва давлат манфаатлари йўлида содир этилган деб тан олинган бошқа хатти – ҳаракатлари тушунилади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва улардан ҳарбий хизматнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш тартиби Ўзбекистон

Республикаси қонунлари билан белгиланади. Бирор киши ҳарбий хизматчиларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқларда чеклаш ҳуқуқига эга эмас.

Ҳарбий хизматчиларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши жамиятнинг, давлатнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига, ҳарбий хизматга, бошқа ҳарбий хизматчилар ва турли фуқароларнинг ҳуқуқларига путур етказмаслиги лозим.

Давлат ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазасини кафолатлайди, уларга етарли ва муносиб турмуш даражасини яратиш, хизмат ва маиший шароитини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва қўриқлаш давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларининг, судларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, ҳарбий бошқарув органлари ва командирларнинг (бошлиқларнинг) зиммасига юклатилади.

Ҳарбий хизматчи Ҳарбий қасамёд қабул қилмагунга қадар ҳарбий лавозимга тайинланиши, жанговар топшириқларни бажаришга (жанговар ҳаракатларда иштирок этишга, жанговар навбатчиликка, жанговар хизматга, қоровуллик хизматини ўташга) жалб этилиши мумкин эмас. Ҳарбий хизматчига қурол –аслаҳа ва ҳарбий техника биркитилиши мумкин эмас, унга банди қилиш тарзида интизомий таъзир берилиши мумкин эмас.

Ҳарбий хизматчиларнинг умумий мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари хизмат фаолиятида қонунлар, ҳарбий низомларнинг талабларига амал қиладилар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларнинг фаолияти билан алоқадор бўлмасликлари лозим.

Ҳарбий хизматчи қуйидагиларга мажбурдирлар:

-Ҳарбий қасамёдга содиқ қолишга, ўз халқига фидоийиларча хизмат қилишга, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ва ҳудудий бутунлигини матонат, маҳорат билан, ўз сўнгги томчи қони ва ҳатто ҳаётини аямасдан ҳимоя қилишга, ҳарбий бурчни бажаришга;

-ўз давлати конституциясига ва қонунларига қатъий риоя қилишга, ҳарбий низомларнинг талабларини бажаришга;

-Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизмат машаққатларига сабот билан чидашга;

-ҳарбий касб билимларини мунтазам эгаллашга, ўз ўқуви ва аскарий маҳоратини такомиллаштиришга;

-ўзига ишониб топширилган қурол –аслаҳа ва ҳарбий техникани билиш ва ишлатишга доимий шайликда сақлашга, ҳарбий мулкни асрашга;

- ҳалол, интизомли, жасур бўлишга, ҳарбий бурчни ижро этиш чоғида оқилона ташаббуслар кўрсатишга.

Ички хизмат низомида ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ички тартиб қоидалари ва ахлоқий нормалар мустаҳкамланиб берилган. Ҳарбий хизматчилар ҳар доим юксак маданият, камтарлик ва вазминликнинг намунаси бўлиб хизмат қилиши, аскарий ор номусни муқаддас сақлаши, ўз кадр қимматини ҳимоя этиши ва ўзгаларнинг кадр қимматини ҳурмат қилиши лозимдир. Низом ҳарбийча саломлаштишни ҳарбий хизматчиларнинг биродарларча жипслашиш ва ўзаро ҳурмат белгисини мустаҳкамлайди. Ҳарбий қисм кундалик ва жанговар вазифаларини бажарилишида ҳарбий хизматчиларга маданий ва маиший шароитлар яратилиши, кун тартибининг тўғри ташкил этилишини ўз ичига олган.

Командир (бошлиқ) шахсий таркибнинг ҳалок бўлиши ва жароҳатланишининг олдини олиш бўйича чоралар кўришга, жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) пайтида, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан ишлаётганда, марш-юриш амалга оширилаётганда, ўқувлар, жанговар отишлар (учиришлар), учишлар, махсус машғулотлар ёхуд ишлар ўтказилаётганда, қоровуллик ва ички хизматни ўташ пайтида зарур хавфсизлик талабларини жорий этишга, бундай хавфсизликларини ўз вақтида бўйсунувчиларга етказиш ва уларнинг қатъий бажарилишини талаб қилишга мажбурдир.

Командир машғулотлар, ишлар ёки хизмат фаолиятининг бошқа тадбирлари бошланишидан олдин бунинг учун хавфсиз шарт-шароитлар яратилгани ва таъминланганига, бўйсунувчилар уларга етказилган хавфсизлик талабларини ўзлаштирганига ва уларни бажариш учун етарли маҳоратга эга эканлигига шахсан ишонч ҳосил қилишга мажбурдир.

Командир (бошлиқ) томонидан шахсий таркибнинг ҳалок бўлиши ва жароҳатланишининг олдини олиш бўйича кўрилган чоралар жанговар топшириқлар бажарилишининг барбод бўлишига олиб келмаслиги лозим.

Командир (бошлиқ) қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва бошқа моддий воситаларнинг шай ҳолати ва сақланганлигини тутиб туришга, техник, моддий, тиббий, молиявий, ижтимоий-ҳуқуқий ва маиший таъминотни ташкил этишга мажбурдир.

- ҳарбий қисмга (бўлинмага) келадиган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани қабул қилиш ва ишга туширишни ташкил этиш, шахсий таркибнинг уларни қабул қилишга ва фойдаланишга тайёрлигини шахсан текшириш;

- қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникадан фойдаланишни режалаштириш;

- қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника ҳолати ва фойдаланилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш, талафот ва шикаст етишидан огоҳлантириш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника ҳисоб-китоби ва сақланишини ташкил этиш;

- моддий воситаларни ўз вақтида талаб қилишни ва олишни ташкил этиш, сақлаш ва ҳисоблаш, уларни ташиб келиш ва бўйсунувчиларга топшириш, ҳарбий мулк йўқотилиши, камомади, тежалиши ва ўмарилишининг олдини олиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш;

- пул ва бошқа турлардаги таъминотларнинг шахсий таркибга тўлиғича етказилишини таъминлаш, моддий ва пул маблағларини тежамкорлик ва мақсадга мувофиқ сарфлаш, лавозим ва молия интизомига риоя қилиш;

- ҳарбий хизматчиларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўриш, шахсий таркибнинг тиббий таъминотини такомиллаштириш;

- ақлий ривожланиши заиф ҳарбий хизматчиларни психиатрик гувоҳлантиришга, зарур бўлган ҳолларда эса шифокор-психиатрнинг хулосасига кўра даволанишга ҳам юбориш;

- ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, зарур бўлганда катта бошлиқларга уларнинг номидан илтимос қилиш;

- буйсинувчиларга кўрсатиладиган савдо-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида доимий ғамхурлик қилиш, бунда ижтимоий адолат ва ошкоралик тамойилларига риоя қилиш;

- ҳарбий хужалик ташкил этиш ва унга шахсан, штаб, ўз ўринбосарлари, кўшин турлари ва мавжуд хизматларнинг бошлиқлари орқали раҳбарлик қилиш кабилардир.

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг Интизом низоми

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 1996 йил 9 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган.

Ҳарбий интизом - бу барча ҳарбий хизматчиларнинг қонун, ҳарбий Низомлар томонидан, командирлар (бошлиқлар) буйруқлари билан белгиланган тартиб ва қоидаларга қатъий риоя этилишидир.

Ҳарбий интизом ҳар бир ҳарбий хизматчининг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга бўлган ҳарбий бурч ва шахсий масъулият, ўз халқига мислсиз садоқатини ҳис қилишга асосланади.

Ҳарбий интизом ҳар бир ҳарбий хизматчидан:

- Ҳарбий қасамёдга содиқ бўлишни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Конституциясига қатъий бўйсунитишни;

- ўз ҳарбий бурчини моҳирлик ва жасорат билан бажаришни, ҳарбий ишни сидқидилдан ўрганишни, ҳарбий ва давлат мулкани асрашни;

- ҳарбий хизмат қийинчиликларини мардонавор енгишни, ҳарбий бурчини бажариш учун ўз жонини ҳам аямасликни;

- сергак бўлишни, ҳарбий ва давлат сирларини қатъий сақлашни;

- ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ҳарбий низомларда кўрсатиб берилган ўзаро муносабатларни қўллаб-қувватлашни, жанговар биродарликни мустаҳкамлашни;

- командирларга (бошлиқларга) ва бир-бирига ҳурмат кўрсатиш, ҳарбий салом-алик ва хушфеъллик қоидаларига риоя қилишни;

- жамоат жойларида ўзини муносиб тутишни, номуносиб хатти-ҳаракатлардан ўзини ва бошқаларни тийиб қолишни ва фуқароларнинг ор ва номусини ҳимоя қилишни талаб этади.

Юксак ҳарбий интизомга:

- ҳарбий хизматчиларда юксак ахлокий-руҳий ва жанговар фазилатларни тарбиялаш, командирларига (бошлиқларига) онгли тарзда бўйсунуш;

- ҳар бир ҳарбий хизматчининг ўз мажбуриятлари ва ҳарбий низомлари талабларини бажаришга шахсий масъулияти;

- ҳарбий қисмда (бўлинмада) ички тартибга бўйсунуш, барча ҳарбий хизматчилар томонидан кундалик режимга қатъий риоя қилиш;

- жанговар тайёргарликни пухта ташкил этиш ва у барча шахсий таркибни қамраб олиши;

- командирларнинг (бошлиқларнинг) ўз қўл остидагиларга кундалик талабчанлиги ва уларнинг ижрочилигини назорат қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг шаънини ҳурмат қилиш ва бу ҳақда доимий қайғуриш, ишонтириш, мажбурлаш, жамоатчилик таъсири каби омилларни тўғри уйғунлаштириш ва ўрнида қўллаш;

- ҳарбий қисмда (бўлинмаларда) зарур моддий-маиший шароитларни яратиш орқали эришилади.

Бунда мустаҳкам ҳарбий интизомни шакллантириш, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги интизомий муносабатларни йўлга қўйиш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш, жазоларни қўллаш тартибини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровуллик хизматлари низоми

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги фармони билан тасдиқланган.

Ушбу Низом гарнизон ва қоровуллик хизматларини ташкил қилиш ва ўташ, ушбу хизматни ўтаётган гарнизон мансабдор шахслари ва ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, қўшинлар иштирокида гарнизон тадбирларини ўтказиш тартибларини ўз ичига олади.

Низом чегара қўшинлари ва миллий хавфсизлик хизмати қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа шунга дахлдор бўлган вазирликлари ва идоралари ҳарбий хизматчиларига ҳам дастури амалдир. Булар шу Низом асосида фаолият юритадилар.

Низомда гарнизон наряди, навбатчи ва патруллари, гарнизон автомобиль назорати, қоровуллик хизматини ташкил этиш ва қоровулларни тайёрлаш, қоровулнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қоровул бошлиғи, ёрдамчиси, тарқатувчи ва соқчининг мажбуриятлари, соқчиларни алмаштириш, ички тартиб интизом ва қоровул бўлинмаларини текшириш каби тартиб ва қоидалар белгилаб берилгандир.

Ҳар бир гарнизонда гарнизон ва қоровуллик хизматлари ташкил қилинади.

Гарнизон хизматининг мақсади гарнизонда ҳарбий интизомни таъминлаш, қўшинларнинг ҳаёти ва тайёргарлиги учун зарур шароит, тревога бўйича уларнинг хатти-ҳаракат қилишини, ҳамда қўшинлар иштирокидаги гарнизон тадбирлари ўтказишни таъминлашдан иборатдир.

Қоровуллик хизмати жанговар байроқларни, ҳарбий ва бошқа материаллар сақланадиган қурол-аслаҳа омборларини, ҳарбий ва давлат объектларини, шунингдек, гауптвахта ҳамда ахлоқ тузатиш батальонларида сақланаётган шахсларни қўриқлаш учун ташкил қилинади.

Қоровуллик хизматини ўташ жанговар вазифани бажариш ҳисобланади ва шахсий таркибдан ушбу Низомнинг барча қоидаларига тўла амал қилишни,

юксак хушёрлик, букилмас матонат ва ташаббускорликни талаб этади. Қоровуллик хизмати талабларини бузган айбдорлар ахлоқ тузатишга ва жиной жавобгарликка тортилади.

Қоровуллик хизматини ўташ учун қоровуллар тайинланади. Жанговар Байроқни, ҳарбий ва давлат объектларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича жанговар вазифани бажараётган, шунингдек, гауптвахта ва ахлоқ тузатиш батальонларида сақланаётган шахсларни қўриқлаётган қуролланган бўлинма қоровул деб аталади. Қоровуллар гарнизон қоровули ва ички қоровуллар турларига бўлинади; улар доимий ва вақтинчалик бўлиши мумкин.

Гарнизон қоровули корпусга ва марказга бўйсунадиган объектларни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш, ўзининг қўриқлаш бўлинмасига эга бўлмаган умумгарнизон аҳамиятига молик объектларни, бир-бирига яқин жойлашган ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар объектларини, шунингдек, гарнизон гауптвахтасида сақланаётган шахсларни қўриқлаш учун ташкил қилинади. Ички қоровул ҳар бир ҳарбий қисм объектларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун тайинланади.

Қоровул бошлиғи қоровулга топширилган объектларни қўриқлаш ва ҳимоя қилишга, қоровул шахсий таркибининг жанговар тайёргарлигига, уларнинг тўғри хизмат қилишига, техник қўриқлаш воситалари, тўсиқлар, алоқа воситалари ва постлардаги ҳамда қоровулхоналардаги ўт ўчириш воситалари, транспорт воситаларининг, шунингдек, рўйхат бўйича қоровулхонада сақланаётган қурол ва ўқ-дориларнинг сақланиши ва тўғри ишлашига жавоб беради.

Қоровул бошлиғининг ёрдамчиси қоровул бошлиғига бўйсунди. У қуйидагиларга мажбурдир:

- қоровулнинг вазифасини, қоровул бошлиғи кўрсатмасини ва барча қоровулларнинг вазифасини билишга;

- қоровул алмашуви пайтида қоровулхона ва унда сақланаётган жиҳозлар, асбоб-анжомлар ва буюмларни рўйхат билан қабул қилиб олишга;

-қоровул бошлиғи йўқ пайтда ёки дам олаётганда унинг вазифасини бажаришга;

-қоровул бошлиғининг буйруғига биноан навбатдаги соқчиларни постларга жўнатиш ва соқчилар хизматини текширишга;

-қоровулхонадан чиқишда соқчилар алмашуви рўйхатини тузиш ва уларни алмашувга олиб боришга;

-қоровул шахсий таркибининг ўз вақтида овқатланиши, буюмлар, асбоб-анжомлар ва жиҳозларнинг тўғри, жой-жойида туришини, қоровулхона ва унинг атрофидаги ҳудудда тозалик ва тартиб ўрнатилишини, шунингдек, печкаларнинг ўз вақтида ёкилишини ва қоровулхонанинг ўз вақтида ёритилишини кузатишга;

соқчиларнинг хизматини текшириш учун келган шахсларга қоровул бошлиғининг буйруғига биноан ҳамроҳлик қилишга.

Тарқатувчи ўзига бўйсунувчи соқчиларнинг тўғри ва ҳушёр хизмат қилишига, ўз вақтида алмашув бўлишига ва соқчиларнинг хизматга қўйилишига, соқчиларнинг постларни тўғри топширишига ва қабул қилиб олишига жавоб беради. У қоровул бошлиғи ва унинг ёрдамчисига бўйсунди ва фақат уларнинг буйруғини бажаради.

Соқчи дахлсиз шахсдир. Унинг дахлсизлиги қуйидагиларда кўринади:

-унинг ҳуқуқлари ва инсоний қадр-қиммати қонун билан ҳимоя қилинишида;

-унинг қатъий маълум шахсларга — қоровул бошлиғига, унинг ёрдамчисига ва ўзининг тарқатувчисигагина бўйсунушида;

-хизмати бўйича барча шахслар унинг талабларини сўзсиз бажаришларида;

-ушбу низомда кўрсатилган ҳолларда қурол ишлатиш ҳуқуқи берилишида.

Соқчи қуйидагиларга мажбурдир:

- ўз постини сергаклик билан қўриқлашга ва тик турганча ҳимоя қилишга;

- сергак хизмат қилишга, ҳеч нарсага чалғимасликка, қуролини қўлидан қўймасликка ва ҳеч кимга, ҳатто ўзи бўйсунадиган шахсларга ҳам бермасликка;

- кўрсатилган йўналиш бўйича ҳаракат қилиб ёки кузатув минорасида туриб постга келадиган йўлларни, тўсиқларни диққат билан кузатишга ва пост рақаида кўрсатилган вақтларда хизматнинг бориши ҳақида алоқа воситалари орқали хабар қилиб туришга;

- навбат алмашмаса ёки уни постдан олишмаса, ҳаётга хавф туғилган пайтда ҳам постни ташлаб кетмасликка;

- постни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ҳарбий жиноят ҳисобланади;

- поста 99 моддага биноан, доимо ўқланган қурол олиб туришга ва доимо ҳамма нарсага тайёр бўлиб туришга;

- пост рақаида кўрсатилган ва махфий чегара кўрсаткичлари билан ажратилган жойдан ичкарига, пост яқинига қоровул бошлиғи, унинг ёрдамчиси ва ўзининг тарқатувчиси ва улар бошлаб келган шахслардан бошқа ҳеч кимни қўймасликка;

- қоровул транспорт воситалари ҳаракат йўналишини ва ташиш, шунингдек, унинг танитиш белги ва сигналларини билишга;

- постадаги ўт ўчириш воситаларини ишлата олишга;

- объект (пост) тўсиқларда бирор бузилган жой, ўз пости яқинида ёки қўшни поста тартиб бузилганини сезса, қоровул бошлиғини чақиришга;

- қўриқчи итнинг ҳурганини эшитган заҳоти бу ҳақда қоровулхонага хабар беради.

Соқчига қуйидагилар тақиқланади: ухлаш, ўтириш, бирор нарсага энгашиш, ёзиш, ўқиш, куйлаш, гаплашиш, ейиш, ичиш, чекиш, табиий эҳтиёжларга бориш, кимлигидан қатъий назар бировга бир нарса бериш ва бировдан бир нарса олиш, кераксиз пайтда патронникка патронни жўнатиш.

Соқчи фақат қоровул бошлиғининг унинг ёрдамчисининг, ўз тарқатувчисининг ва текшириш учун келган шахснинг саволларига жавоб бериши керак.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф низоми

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 1996 йил 14 октябрдаги 238- сонли Буйруғига асосан амалга киритилган.

Ушбу Низомда сафда туриш, қурол ва қуролсиз ҳаракат қилиш; кичик бўлинма ва ҳарбий қисмларининг пиёда ва машиналарда саф тортиши, ҳарбий салом аликни бажариш, сафлар кўригини ўтказиш тартиби, ҳарбий қисм Жанговар Байроғининг сафдаги ҳолати, уни олиб чиқиш ва олиб кетиш тартиби, ҳарбий хизматчиларнинг сафга тизилиш олдидаги, сафга туришдаги мажбуриятлари, сафга туриш ва юришга ўргатиш талаблари белгилаб берилгандир. Бунда сафлар ва уларни бошқариш, жойда туриб бурилишлар, ҳаракатлар ва ҳарбийча салом бериш, юриш сафи. Взвод, батальон, бригаданинг пиёда ва машиналарда саф тортиши каби қоидалар белгилаб берилган. Жумладан: ҳарбий шартли белгилар ҳам аниқлаб берилгандир.

Саф - ҳарбий хизматчилар, кичик бўлинмалар ва қисмларнинг Низомга кўра пиёда ва машиналарда биргаликда ҳаракат қилиш учун жойлашуви.

Шеренга – (ёнма-ён қатор) ҳарбий хизматчиларнинг белгиланган оралик масофани сақлаган ҳолда бир чизикқа ёнма-ён саф тортиши.

Қанот – сафнинг ўнг (чап) чеккаси. Саф бир томондан иккинчи томонга бурилган вақтда қанотлар номи ўзгармайди.

Олд - сафнинг ҳарбий хизматчилар юзланиб турган (машиналарнинг олд) томони.

Орқа – олдга қарама-қарши томон.

Интервал – сафда ёнма-ён турган ҳарбий хизматчилар (машиналар), бўлинмалар ва қисмлар ўртасидаги оралик масофа.

Дистанция – саф олдинма-кейин турган ҳарбий хизматчилар (машиналар), бўлинмалар ва қисмлар ўртасидаги оралик, масофа.

Сафнинг эни - қанотлар ўртасидаги масофа.

Сафнинг бўйи - биринчи шеренга (олдинда турган ҳарбий хизматчи)дан сўнгги шеренга (охирда турган ҳарбий хизматчи) орасидаги машиналар билан

турганда эса биринчи чизикда (олдинда) турган машиналар билан сўнгги (орқада) чизикда турган машиналар ўртасидаги масофа.

Икки шеренгали саф – унда бир шеренгада турган ҳарбий хизматчилар иккинчи шеренгада турган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги (орқада турган ҳарбий хизматчиларнинг кафти олдинда турган ҳарбий хизматчининг елкасига қўйиладиган) масофа бир кадам узунлигида бўлади. Шеренгалар биринчи ва иккинчи деб аталади. Саф бурилган вақтда шеренгаларнинг номи ўзгармайди.

Қатор - икки ҳарбий хизматчининг икки шеренгада олдинма-кейин туриши. Агар биринчи шеренгада турган ҳарбий хизматчининг орқасида иккинчи шеренгада ҳеч ким турмаса, бундай қатор тўлиқсиз ҳисобланади.

Икки шеренга орқали бурилган вақтда тўлиқсиз қаторда турган ҳарбий хизматчи олдинги шеренгага ўтади.

Калонна – ҳарбий хизматчилар ва бўлинма (машина)лар Низом ёки командир белгилаб қўйган оралиқ масофани сақлаган ҳолда олдинма-кейин турадиган саф.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қасамёди

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июль Қарори билан тасдиқланган.

Ҳарбий ҳаётда қонун кучига эга ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Қуролли Кучлар сафига киришда ҳарбий хизматчилар томонидан қабул қилинадиган Ҳарбий Қасамёддир.

Ҳарбий Қасамёд –ҳар бир жангчининг ҳарбий ҳаёт мезони ва қонуни бўлиб, у Ватан ҳимоячисига ҳар қандай вазиятда, ҳар куни, доимо дастури амал сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий Қасамёди ёш жангчининг она-Ватанга содиқ бўлишга берган муқаддас онтидир. Ёш аскар Қуролли Кучлар сафига кирар экан, қўлида қурол билан Ватанига, халқига, Президентига содиқ бўлишга тантанали равишда Қасамёд қилади.

Ҳарбий Қасамёд жангчининг ўз мустақил Ватани Ўзбекистон Республикасига бўлган муқаддас меҳру муҳаббати, унинг халқига садоқатининг ифодасидир.

Аскар Ҳарбий Қасамёд қабул қила туриб, Ватанининг шаъни, озодлиги ва мустақиллигини, халқининг тинч, осойишта ҳаётини, бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилишга онт ичади.

Ҳарбий Қасамёд аскарларни жангда мардлик ва ғалабага етакловчи Жанговар Байроқ олдида, тантанали равишда халқ ва жамоат вакиллари гувоҳлигида тантанали равишда қабул қилинади. Бу кун йигит кишини катта ҳаётга мустақил қадамини бошлаб берган, ҳар бир ҳарбий хизматчи учун бир умр ёдда қоладиган тарихий воқеадир.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий Қасамёди матни

Мен (фамилияси, исми, отасининг исми), Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар сафига кирар эканман, халқимга, Президентимга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қиламан.

Мен Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ва қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этишга, ҳарбий низомларни, командир ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, Ҳарбий интизомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қиламан.

Сўнгги нафасим қолгунча она- Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққат ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аждодларим руҳи олдида қасамёд қиламан.

Жонажон Ўзбекистонимнинг нурли истиқболи учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан.

Агар мен ушбу қасамёдимни бузсам, қонунларда белгиланган жазога ва халқимнинг нафратига мубтало бўлай.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмининг жанговар байроғи

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмининг Жанговар Байроғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 22 ноябрдаги Фармони билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмининг Жанговар Байроғи ҳарбий шараф, матонат ва шон – шуҳратнинг рамзидир.

Жанговар Байроқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳар бир ҳарбий хизматчисига унинг Ватанга фидойиларча хизмат қилиш, уни матонат ва маҳорат билан муҳофаза этиш, ўзининг сўнгги томчи қони ва ҳатто ҳаётини аямасдан жонажон тупроқнинг ҳар бир қаричини сабот билан мудофаа қилишдек муқаддас бурчи тўғрисидаги эслатма саналади.

Жанговар Байроқ ҳарбий қисмга у тузилиши билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Мудофаа вазирлиги вакиллари томонидан топширилади. Жанговар Байроқ қисмнинг номланиши ва рақамланиши ўзгаришидан қатъий назар ҳамма даврларда ҳарбий қисмнинг ихтиёрида , жанг майдонида эса қисм жанговар ҳаракатлари районида бўлади.

Қисмнинг бутун шахсий таркиби жангда Жанговар Байроқни жон-жаҳди ва матонат билан ҳимоя қилишга ва унинг душман томонидан эгаллаб олинишига йўл қўймасликка мажбур.

Жанговар Байроқ йўқотилганда ҳарбий қисм командири ва бундай шармандаликка бевосита айбдор бўлган ҳарбий хизматчилар ҳарбий суд олдида жавобгар бўладилар, ҳарбий қисм эса тугатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисми Жанговар Байроғининг тавсифи.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисми Жанговар Байроғи икки ёқлама мато, даста ва попукли боғичдан таркиб топади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмининг Жанговар Байроғининг асоси ҳисобланади.

Байроқ матоси тўғри бурчакли, узунлиги бўйича – 145 см, кенглиги бўйича -92 см ўлчамларга эга, тўқ мовий, оқ ва тўқ яшил рангдаги ётиқ йўлли, икки қаватланган ипакдан тайёрланган ва чеккалари бўйлаб уч томонидан олтин ранг ипак шокила билан йўрмаланган. Шокиланинг узунлиги 5 см.

Мовий, оқ ва яшил йўллар кенглиги бўйича тенг. Ҳар бир йўлнинг кенглиги 30 см га тенг. Мато ўртасида жойлашган оқ йўлнинг чеккалари бўйлаб ҳар бирининг кенглиги 1 см бўлган қизил хошия ўтади.

Матонинг юқоридаги мовий қисмида устки ва тескари томонларида, дастанинг ёнида оқ ипакдан ҳилол ва у билан ёнма-ён ўн иккита беш қиррали юлдузлар тикилган. Ҳилол ва юлдузлар мовий йўлнинг ётиқ ўқи бўйлаб жойлашган 45 га 20 см ўлчамдаги тўғри бурчакка нақш этиб қўйилади.

Ҳилол дастадан тикка жойлашади ва дастадан 10 см узоқликдаги айланаси 20 см бўлган тугаракка ёзиб қўйилади.

Юлдузлар айланаси 4 см бўлган тугаракка ёзиб қўйилади. Тугараклар ўртасидаги оралик 2 см. Юлдузлар ётиғига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлаштирилади: юқориги қаторига учта, ўртасидагида тўртта ва пасткисида бешта юлдуз, юлдузларнинг пастки қаторида ҳилолнинг қуйи чеккасидан 2 см узоқликда жойлашади.

Мато устки томонининг оқ йўлида зар ипак билан “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари” деб ёзилган. Ёзув ҳарфларининг бўйи 7,5 см.

Мато тескари томонининг оқ йўлида ҳарбий қисмнинг рақами ва номланиши зар ипак билан тикиб ёзилган. Сонларнинг баландлик бўйича ўлчами – 10 см, ёзув ҳарфларининг ўлчами – 7,5 см. Ҳарбий қисмнинг номланишини ёзиш учун қўлланадиган ҳарфларнинг миқдорида боғлиқ ҳолда сонларнинг ўлчами 6 см гача, ҳарфларнинг ўлчами эса 4,5 см гача кичрайтирилиши мумкин.

Байроқнинг дастаси ёғочдан. Айланаси 4 см думалоқ қирқимли, узунлиги 2,5 м. Даста тўқ жигар рангга бўялган, лакланган ва пастки томонида металл гардишга, юқоригисида эса, никелланган жимжимадор учликка эга.

Байроқ боғичи чийратма, зар ипакдан тайёрланган, учларида иккитадан попуклари бор. Боғичнинг узунлиги – 270 – 285 см.

Жанговар байроқлар бригадаларга, полкларга, алоҳида батальонларга, дивизионларга, авиаэскадриляларга, ўқув қисмларига, ҳарбий билим юртларига топширилади.

Техник ичкари таъминоти, қўриқлаш ва хизмат кўрсатиш, интизомий, ҳарбий-қурилиш бирлашмаларига, қисмларига ва шунга ўхшаш ҳарбий қисмларга, орден билан тақдирланган бирлашма ва қисмлар бундан истисно, Жанговар байроқ топширилмайди.

Ҳар бир ҳарбий қисмда фақат битта жорий намунадаги Жанговар Байроқ бўлиши лозим. Бошқа эсдалик байроқлар ҳарбий қисмда ёдгорлик сифатида ҳарбий қисм Жанговар Байроқнинг пости ёнида сақланади ва байрамлар ва тантанали воқеаларга бағишланган тантанали мажлисга у билан бирга олиб чиқилади. Алоҳида ҳолларда Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошлиғининг рухсати билан ва ҳарбий қисм тарқатиб юборилганда бу байроқлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар томонидан топширилган байроқлар қисқача тарихий билдирувнома билан Қуролли Кучларнинг Марказий музейига топширилади.

Жанговар Байроқ ҳарбий қисмга у ташкил этилиши билан қўшин турлари, махсус қўшинлар қўмондонлари ёхуд бошлиқлари ёинки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг топшириғига кўра бошқа командир (бошлиқ) томонидан топширилади.

Ҳарбий қисмга Жанговар Байроқ топшириш пайтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ёрлиғи берилади.

Жанговар байроқ топширилиши учун ҳарбий қисм Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф низоми саф кўриги учун белгиланган тартибда қурол билан саф тортади. Жанговар Байроқ жанговар шароитда топширилиши пайтида ҳарбий қисмнинг саф тортиши жанговар вазиятни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг сержантлар мақоми

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Сержантлар Мақоми ҳақида”ги 170- сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 2004 йил 23 апрелдаги 280-сон Буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сержантларининг Мақоми қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Сержантлар Мақоми ҳақида»ги 170 сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 2004 йил 23 апрелдаги 280 Буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сержантларининг Мақоми қабул қилинди.

Ушбу Мақом билан Қуролли Кучларимизда шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган сержантларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ўзлари ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоялари ҳамда кенг имтиёзлари қонуний асосда мустаҳкамлаб берилди.

Ушбу сержантлар Мақомида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг сержантлар таркиблари: кичик сержант, сержант, катта сержантлар, сержантларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома тузиш ва бекор қилиш тартиблари ва давом эттирилиши, ҳарбий унвонлар бериш ва мансабга тайинлаш, сержантларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя кафолатлари, имтиёзлари ва таътилга чиқишлари белгилангандир.

Масалан: 29- модда: Таътилга чиқиш.

-15 йил хизмат стажи бўлса, 30 кунлик таътил;

-15 йилдан кўп 20 йилгача бўлса, 35 кунлик;

-20 йилдан кўп бўлса 40 кунлик таътил берилади.

30- модда: Сержантлар турар жойи бўлмаса, то уй-жой билан таъминлангунга қадар уй-жой ҳақи пули тўланади.

31- модда: Янги хизмат жойига келганларида 1 ой давомида фарзандлари боғча ва мактабларга жойланиши таъминланади.

33- модда: Сержантлар мактабини “аъло”га битирсалар, 2 ойлик пул мукофоти берилади.

34-модда: Узлуксиз хизматлари учун 1 чи 3 йилда 2 ойлик миқдоридаги пул, кейинчалик ҳар 2 йилда 2 ойлик миқдоридаги пул қўшимча тўлаб турилади.

Фоизлар эса ҳар ойда қуйидагича қўшимчадан тўланади:

- 3 йиллик иш стажи учун 5 йилгача 10 фоиз қўшимча ҳақ тўланади;
- 5 йилдан 10 йилгача иш стажи учун 20 фоиз қўшимча ҳақ тўланади;
- 10 йилдан 20 йилгача иш стажи учун 25 фоиз қўшимча ҳақ тўланади;
- 20 йилдан ортиқ иш стажи учун эса 30 фоиз қўшимча ҳақ тўлаб борилади ҳар ойда.

Шу билан бирга касбий синовдан кейинги пул мукофотлари билан ҳам таъминланадилар. Жумладан:

ХХҚ ва ХХМ кучларида ҳар ойда: 3 синф учун ойлигига 10 фоиз , 2 синф учун ойлигига 15 фоиз, 1 синф учун 30 фоиз қўшимча ҳақ тўланади

Махсус батальонларда эса ҳар ойда: 3 синф учун ойлигига 15 фоиз, 2 синф учун 25 фоиз , 1 синф учун ойлигига 40 фоиз қўшимча ҳақ тўланади.

Бошқа барча бўлинмаларда эса ҳар ойда: 3 синф учун 10 фоиз, 2 синф учун 15 фоиз, 1 синф учун ойлигига 20 фоиз қўшимча ҳақ тўланиб борилади.

Агарда сержантлар таркибидан командирлик вазифасини бажарувчилари бўлса, уларга ҳам ҳар ойда ойлигига 20 фоиз қўшимча ҳақ тўланиб борилади.

35- модда: Имтиёзлар: Сержантларга қуйидаги имтиёзлар берилади:

❖ “Энг илғор сержант” танловининг Республика босқичи ғолиблигини қўлга киритган сержантлар ,сержантлар мактабига ва навбатдаги олий ҳарбий билим юр்தларига конкурссиз қабул қилинадилар;

❖ 5 йиллик намунали хизматлари учун тест баллига қўшимча 20 фоиз балл қўшилади;

❖ 15 йиллик намунали хизматлари учун 3 марта сержантлар мактабидан тайёргарликдан ўтган сержантлар – хизмат жойи ва навбатсиз уй –жой танлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

❖ 20 йиллик намунали хизматлари учун 3 марта сержантлар тайёргарлигидан кейин ҳарбий шаҳарчадан ташқарида хизмат уйи бўлса, хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўладилар.

36-модда: Сержантлар шаҳар таксиларидан ташқари давлат транспортларида бепул юриш ҳуқуқларига эгадирлар.

37-модда: Сержантлар хизмат даврида ва пенсияга чиққанларидан кейин ҳам (20 йиллик хизматдан сўнг ҳам) тиббий хизматдан бепул фойдаланадилар.

Шу билан бирга сержантлар мақомида сержантлар йиғинлари ҳамда сержантларнинг интизомий ва жиноий жавобгарликлари қонун йўли билан белгилаб берилишлиги мустаҳкамлангандир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни 1992 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўнинчи сессиясида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 12 декабрдаги 2-чақириқ 10-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ги Қонунининг янги таҳрири ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тарзида қабул қилинди.

Умумий ҳарбий мажбурият

Умумий ҳарбий мажбурият- фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга мажбурий ҳарбий тайёргарлигидан иборат бўлади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари (бундан буён матнда Қуролли Кучлар деб юритилади) сафини тўлдиришни ва уларнинг резервини тайёрлашни таъминлаш мақсадида жорий этилади.

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, ҳарбий хизматга чақиришни (киришни), чақирув ёки шартнома бўйича ҳарбий хизмат ўташни, резервдаги хизматни, муқобил хизматни, ҳарбий рўйхатдан

ўтиш қоидаларига риоя этишни, фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз бўлган тақдирда аҳолини муҳофаза этиш тadbир-чораларини камраб олади.


Ушбу Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқаролари, хусусан:

-ҳарбий хизматга чақириладиган ва туман (шаҳар) чакирув участкаларида қайд этилган шахслар - **чақирилувчилар**;

-ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар - **ҳарбий хизматчилар**;

-Қуролли Кучларнинг резерви ёки захирасидаги шахслар - **ҳарбий хизматга мажбурлар**;

-турли сабабларга кўра ҳарбий рўйхатга олинмаган ёки ҳарбий рўйхатдан чиқарилган, шу жумладан истеъфодаги шахслар — **ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахслар** деб аталади.



**ХИЗМАТ ЁШИГА ЕТГАН ҲАРБИЙ
ХИЗМАТЧИЛАРГА АЛОҲИДА ҲОЛЛАРДА 5 ЙИЛ
ҚЎШИМЧА ХИЗМАТ ҚИЛИШГА РУХСАТ
БЕРИЛИШИ МУМКИН**

Ҳақиқий ҳарбий хизмат чақирув ёки шартнома бўйича оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматдир.

Умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилмайди.


Ҳарбий хизматга биринчи марта чақирилган ёки ихтиёрий равишда (шартнома бўйича) кирган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг халқи ва Президентига содиқлик тўғрисида ҳарбий қасамёд қабул қиладилар.

Муқаддам Ҳарбий қасамёд қабул қилмаган, ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий йиғинларга жалб этилганларида ёки сафарбарлик бўйича чақирилганларида Ҳарбий қасамёд қабул қиладилар.

Ҳарбий хизмат турлари

Ҳарбий хизмат- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир.

Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга 18-ёшдан 27-ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чақириладилар.



Муддатли ҳарбий хизмат

Муддатли ҳарбий хизмат чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек мукаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизматидир. Муддатли ҳарбий хизмат муддатлари календарь ҳисобида:

-муддатли ҳарбий хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун - **ўн икки ой** (олий маълумотли шахслар учун - тўққиз ой);

-муддатли ҳарбий хизматни чақирув бўйича офицерлар таркиби лавозимларида ўтаётган офицерлар учун -**тўққиз ой** қилиб белгиланади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақиришдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафида навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар.

Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади. Мазкур хизматга жалб қилинган чақирилувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралдаги 99-сонли Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисоб варағига мамлакатда жорий этилган энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида пул бадали киритади. Мудофаа ишлари бўлими билан тузилган шартнома асосида пул бадали чақирилувчининг ота-онаси ёки юридик шахс томонидан тўланиши мумкин. Пул миқдори бир йўла ёки бир йил давомида бўлиб-бўлиб тўланиши мумкин. Пул бадалини йил давомида тўламаган чақирилувчилар қайта ҳарбий хизматга чақирилади. Пул бадалини махсус ҳисоб рақамига тўла ўтказган чақирилувчи бир ойлик йиғинга жалб қилинади.

Сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизмат сафига олинган шахслар тўлайдиган пул бадаллари миқдори ва уларнинг тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган алоҳида низом билан белгиланади. Бу маблағлар муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг пул ва моддий таъминотини ошириш, шунингдек сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йиғинларини ўтказишга аниқ мақсадли йўналтирилган бўлади.

Сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизмат сафига шахслар йиғирма етти ёшга тўлгунга қадар олинадилар ва ҳар йилги ҳарбий йиғинларга жалб этилишлари мумкин, фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда эса ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладилар.

Сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар йиғирма етти ёшга тўлганларидан кейин Қуролли Кучлар резерви таркибига ўтказиладилар.

Сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизматни ташкил этиш ва ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Шартнома бўйича ҳарбий хизмат

Шартнома бўйича ҳарбий хизмат Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир.

Ҳарбий хизматни касб тариқасида танлаган фуқаролар шартнома бўйича ҳарбий хизматни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ўтайдилар.

Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари шартномада белгиланади. Айни пайтда дастлабки шартнома хизматни оддий аскарлар ва

сержантлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича 5- йил, офицерлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича ҳам 5- йил муддатга тузилади.

Олий ҳарбий таълим муассасаларнинг курсантлари билан ўқиш даври учун келгусида уларнинг офицерлар таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни камида беш йил мажбуран ўташ шarti билан шартнома тузилади.

Ҳарбий хизматнинг шартномада назарда тутилган муддати тугаганидан кейин тарафларнинг келишуви билан бу муддат янги шартнома тузиш орқали узайтирилиши мумкин. Шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати

Резервчилар хизмати ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматта мажбурлар учун Қуролли

Кучларнинг қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш, шунингдек уруш даври тақозо этадиган тузилмаларни кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этиладиган ҳарбий хизмат туридир.

Резервчилар сифатида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматга мажбурлар тинчлик даврида, қоида тариқасида, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини сақлаб туриш резервчиларнинг ҳарбий ҳисобдаги ихтисослик бўйича мажбуриятларни тинчлик ва уруш даврида бажариши учун зарур бўлган кўникмаларини сақлаб қолиш ва такомиллаштириш мақсадида ҳарбий қисмлар базасида ҳудудий принцип асосида ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик бўйича ҳарбий йиғинларни ўташга жалб этилишлари мумкин.

Ҳарбий йиғинларни ўташ муддатлари ушбу Қонуннинг 32-моддасида белгиланади.

Резервчилардан уруш даврида ҳам, тинчлик даврида ҳам Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз таҳдиди ва мамлакат хавсизлигига таҳдид туғилганида, табиий офатлар ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини

бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан қўшилмалар ва қисмлар таркибида жанговар мақсадлар бўйича фойдаланилиши мумкин.

Қуrolли Кучлар резервчиларининг хизматни ўташ тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига бўлинади.

Офицерлар таркиби кичик офицерлар, катта офицерлар ва генераллар таркибига бўлинади.

Қуrolли Кучларда қуйидаги ҳарбий унвонлар жорий этилади:

Қўшин унвонлари	Кема таркибидаги унвонлар
I. Оддий аскарлар таркиби	
оддий аскар	матрос
II. Сержантлар таркиби	
кичик сержант сержант катта сержант	2-даражадаги старшина 1-даражадаги старшина бош старшина
III. Офицерлар таркиби Кичик офицерлар таркиби	
лейтенант катта лейтенант капитан	лейтенант катта лейтенант капитан-лейтенант
Катта офицерлар таркиби	
майор подполковник полковник	3-даражадаги капитан 2-даражадаги капитан 1-даражадаги капитан
Генераллар таркиби	
генерал-майор генерал-лейтенант генерал-полковник армия генерали	

Ҳар бир ҳарбӣй хизматчига тегишли ҳарбӣй унвон берилади. Қуролли Кучлардаги ҳарбӣй унвонлар қўшин унвонлари кема таркибидаги унвонларга бўлинади.

Қуролли Кучлардаги олий ҳарбӣй унвон армия генерали бўлиб, бу унвон (уруш даврида) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондонига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирига берилади.

Юридик ёки тиббӣй йўналишдаги ҳарбӣй ҳисобдаги ихтисосликка эга бўлган ҳарбӣй хизматчи ва ҳарбӣй хизматга мажбурнинг ҳарбӣй унвонига «адлия» ёки «тиббӣй хизмат» сўзлари қўшилади.

Резервдаги, захирадаги ёки истеъфодаги фуқароларнинг ҳарбӣй унвонига тегишинча «резервдаги», «захирадаги» ёки «истеъфодаги» деган сўзлар қўшилади.

Ҳарбӣй унвон бериш ва ҳарбӣй унвондан маҳрум қилиш, шунингдек ҳарбӣй унвонини пасайтириш ҳамда ҳарбӣй унвонини тиклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Офицерлар таркибига кирувчиларни ҳарбӣй унвондан улар оғир ва ўта оғир жиноят учун ҳукм этилганларида фақат суднинг қарори билан маҳрум қилиш мумкин.

Ҳарбӣй лавозимлар

Ҳарбӣй лавозимлар (ҳарбӣй хизматчилар эгаллаши лозим бўлган штат лавозимлари) ва уларга мувофиқ келадиган ҳарбӣй унвонлар ҳарбӣй қисмларнинг, ҳарбӣй хизмат назарда тутилган бошқарув органларининг, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар муассасаларининг штатларида назарда тутилади.

Ҳарбӣй лавозимлар оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларига бўлинади.

Қуролли Кучларда олий қўмондонлик лавозимларига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади.




Ҳарбий хизматчиларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг хизмат жойини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Ҳарбий хизматчилар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳарбий хизматда қолдирилган ҳамда ҳарбий хизматчилар учун белгиланган кафолат ва имтиёзлари сақланган ҳолда давлат-ҳуқуқ ҳамда мудофаа йўналишидаги ишларни бажариш учун давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига юборилиши мумкин.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий кийим-кечак ва фарқловчи нишонлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий йиғинларга жалб этилган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий унвони ва қўшин турини фарқловчи нишонлари бўлган ҳарбий кийим-кечакда юрадилар.



Ҳарбий кийим-кечакда юриш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Ҳарбий кийимда юриш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий кийим-кечагини кийиб ва фарқловчи нишонларини тақиб юриши тақиқланади.

Чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш Чақирилувчилар билан олиб бориладиган ҳарбий хизматга тайёргарлик ишлари қўйидагиларни камраб олади:

- чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик;
- чақирилувчиларнинг ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарлиги;
- ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришга тайёргарлик;
- жисмоний тайёргарлик, даволаш-соғломлаштириш ишлари;
- умумтаълим тайёргарлиги;
- ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг умумий раҳбарлиги остида ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишлари молиялаштирилиши ҳамда моддий-техника жиҳатидан таъминланишини амалга оширадилар. Ўқув-моддий базасини барпо этадилар, бундай тайёргарликнинг ташкил этилиши учун жавобгар бўладилар.

Чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг ташкил этилишини, амалга оширилишини ва натижаларини назорат қилиб бориш, чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни услубий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шунингдек таълим муассасалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан амалга оширилади.

Шу каби фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш тартиби ва қоидалари ушбу қонуннинг бир қатор моддаларида мустаҳкамлаб берилган бўлиб, қисқача йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришга ва ҳарбий хизматга тайёргарлик. Жисмоний тайёргарлик. Даволаш-соғломлаштириш ишлари. Умумтаълим тайёргарлик даражасини ошириш. Чақирилувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

- олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш;
- чақирилувчиларнинг ҳарбий хизматга тайёргарлик кўришдаги кафолатлари;
- фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш;
- фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиши;
- чақирув комиссиялари;
- муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилишдан озод этиш.

Тинчлик даврида муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилишдан қуйидагилар озод этиладилар:

- 1) саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган чақирилувчилар;
- 2) яқин қариндошларидан бири (ака-укаси, опа-синглиси) ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки вафот этган чақирилувчилар;
- 3) рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлган чақирилувчилар.

Шахслар ўз розиликлари билан ҳарбий хизматга чақирилишлари мумкин.

Жиноий жавобгарликка тортилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилмайдилар.

Бундан ташқари қонунимизда ҳарбий хизматга кириш ва уни ўташ тартиблари тўғрисида қуйидаги қоидалар мавжуддир:

- захирадаги офицерларнинг ҳарбий хизматга кириши;
- шартнома бўйича ҳарбий хизматга кириш;
- ҳарбий хизматга чақирилиш ёки кириш муносабати билан фуқароларга бериладиган кафолатлар;
- ҳарбий хизматни ўташ тартиби;

- ҳарбий хизматнинг бошланиши ва тугаши;
- ҳарбий-таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларининг ҳарбий хизмати;
- ҳарбий хизматдан бўшатиш;
- резервдаги хизмат;
- ҳарбий хизматни ўтамаган ҳарбий хизматга мажбурлар;
- ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатдан ўтказиш тартиблари;
- давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг ҳарбий рўйхат қоидаларига риоя этиш борасидаги мажбуриятлари;
- сафарбарлик бўйича ва уруш даврида ҳарбий хизматга чақирилиши;
- сафарбарликдан бўшатиш;
- фуқароларининг ҳарбий тажовуз ёки фавқулодда вазиятлар рўй бериш ҳолларига мўлжалланган ҳарбий тайёргарлиги;
- умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш билан боғлиқ чора тадбирларни молиявий ва моддий жиҳатдан таъминлаш ва бошқалар.

ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИКЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳада тубдан ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Республикамизда ҳуқуқий – фуқаровий давлат қурилаётган бир вақтда Республикамиз олдида турган ғоят муҳим вазифалардан бири жиноятчиликни олдини олишдан иборатдир.

Жиноятчилик - ҳуқуқий давлат қурилишга тўсқинлик қилувчи факторлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.КАРИМОВ айтганларидек «Жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсик,

балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради»¹.

Бозор иқтисодига асосланган жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёш Ўзбекистон Республикаси мустақилликка тинч йўл билан эришган бўлса ҳам, дастлабки йилларда унинг олдига кўплаб муаммоларни ҳал этиш вазифаси турарди. Бу муаммоларни олдиндан кўра билган мамлакат раҳбарияти, хусусан унинг Президенти И.А.Каримов Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос принципларини белгилаб берди, шунингдек, бу йўлда жамият ривожига таҳдид солиши мумкин бўлган омиллар, жумладан, жиноятчиликнинг ўсиши эҳтимоли кучли эканлигига асосланиб, бу билан ҳуқуқ-тартибот идораларининг хушёрлигини ошириш лозимлигини ҳам кўрсатиб ўтди.

“Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга бўлган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам бевосита таҳдид туғдиради”, деган эди юртбошимиз.

Қуrollи Кучларда ҳарбий хизматчиларга белгиланган қонунларга асосланган ҳолларда ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятлари ва имтиёзлар бўлиб, улардан кенг тарзда фойдаланиб келишадилар. Шу билан бирга ҳарбий хизматчилар томонидан ҳарбий хизматни ўташ жараёнларида ҳарбий хизматни ўташ тартибларини бузганликлари учун, уларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда жиноий, маъмурий, моддий, интизомий ва фуқаролик –ҳуқуқий жавобгарликлари белгилаб берилгандир.

Юридик жавобгарлик масаласи юзасидан турлича фикрлар мавжуд. Кўпчилик муаллифлар юридик жавобгарликни баъзан давлатнинг ҳуқуқ талабларини бажаришга қаратилган мажбурлов чораларини қўллаши деб тушунсалар, бошқа баъзи бир олимлар унга амалдаги юридик категориялар

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида». Т., 1997, 85 бет.

доирасида ёндашиб, юридик жавобгарликни кўриқловчи ҳуқуқий муносабатлар, махсус юридик мажбуриятлар ёки ҳуқуқ нормалари санкциялари кўринишида талқин этишга интиладилар.

Юридик жавобгарликнинг табиати ва мазмунини аниқ белгилаш учун аввало жавобгарликнинг ўзи нима деган саволга жавоб бериш зарур. Жавобгарликни икки маънода: *позитив* (ижобий) жавобгарлик ва *ретроспектив* жавобгарлик маъносида тушуниш мумкин. Агар позитив (ижобий) маънодаги жавобгарлик мавжуд ҳамда келгусидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туришга қаратилган бўлса, ретроспектив жавобгарлик ўз навбатида ўтмишга қаратилган бўлади, яъни у шахснинг юридик мажбуриятларни бажармаслигида ёки ҳуқуқни бузганлиги оқибатида юзага чиқади. Жамиятда жавобгарликнинг бу икки тури ўзаро узвий боғлиқдир. Позитив жавобгарлик қанча юқори даражада бўлса, ҳуқуқ қоидалари ҳам шунча мукаммал бажарилади ҳамда ретроспектив жавобгарликка тортилиш ҳолатлари шунча кам содир бўлади.

Юридик жавобгарлик - ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзга тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш бўлиб, бунда айбдор шахс муайян ҳуқуқлардан (шахсий, мулкӣ, ташкилий ва ҳоказо) маҳрум этилади.

Юридик жавобгарлик қуйидаги белгалари билан характерланади:

- 1) юридик жавобгарлик давлат мажбурлов чоралари билан боғлиқ;
- 2) юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ;
- 3) юридик жавобгарлик ҳуқуқбузар учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради (озодликдан, ота-оналикдан маҳрум бўлиш ёки содир этилган қилмиши учун жарима тўлаш ва ҳоказо);
- 4) ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган чораларнинг характери ва ҳажми ҳуқуқ нормаларининг санкциясида ўрнатилган бўлади;
- 5) давлат томонидан қўлланиладиган мажбурлов чоралари ҳуқуқни қўллаш фаолияти давомида тегашли ваколатли органлар томонидан қонунда белгаланган тартибда ва процессуал шаклларга амал қилган ҳолда олиб

борилади.

Юқоридаги хусусиятлари билан юридик жавобгарлик сиёсий, ахлоқий ва бошқа жавобгарликлардан фарқ қилади.

Шахсни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этишда унинг қилмишида ҳуқуқбузарликнинг таркиби мавжудлигига аҳамият бериш ҳал қилувчи роль ўйнайди, яъни ҳуқуққа қарши қилмишнинг объектив ва субъектив томонларини ҳамда объект ва субъектларни биргаликда боғлаган ҳолда ўрганиш масаланинг мазмунини очиқ беришга, уни конкретлашти-ришга ва индивидуаллаштиришга ёрдам беради. Ҳуқуқ бузилишининг турларига мувофиқ юридик жавобгарлик ҳам тўрт турга бўлинади: 1) жиноий-ҳуқуқий; 2) фуқаролик-ҳуқуқий; 3) маъмурий-ҳуқуқий; 4) интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик.

Жиноий ва фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш фақат суд ва ҳўжалик судлари томонидан амалга оширилади.

Маъмурий ва интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик ички ишлар органлари, мансабдор шахслар ва тегашли ваколатга эга раҳбар шахслар (маъмурият) томонидан амалга оширилади.

Юридик жавобгарликни белгилашнинг асосий мақсади жазолаш эмас, балки ҳуқуқ умумий мақсадларининг муайян ифодасига қаратилган бўлиб, улар ижтимоий муносабатларнинг мустаҳкамланиши, тартибга солиниши ва ҳимоясида ўзининг ифодасини топади. Бу мақсадлар ўз навбатида ҳуқуқнинг тартибга солувчи (регулятив) ва қўриқловчи функциялари амалда бўлишини белгилайди. Юридик жавобгарликнинг асосий функцияси қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишдан иборат. Муайян ҳуқуқбузарга нисбатан жавобгарликнинг қўлланиши бирмунча тор мақсадни, яъни айбдорни жазолашни кўзлайди. Бу билан давлат ўзининг мажбурлов чораларини амалга ошира туриб, яна бошқа бир мақсадни кўзда тутди - бу мақсад келажакда ҳуқуқбузарликни содир этишнинг олдини олишга ёки бу ҳақда огоҳлантиришга қаратилган бўлади.

Бу мақсадлар ўз навбатда юридик жавобгарликнинг функцияларини белгилаб беради. Кўзланган мақсадларга эришиш учун қуйидаги тамойилларга

амал қилинади: қонунийлик; адолатпарварлик; мақсадга мувофиқлик; ҳуқуқ бузилган ҳолда жавобгарликнинг муқаррарлиги; индивидуаллик (жазонинг фақат ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланилиши).

Қонунийлик. Бу тамойилнинг моҳияти ҳуқуқ қоидалари талабларининг қатъий ва аниқ татбиқдан иборат бўлиб, юридик жавобгарликка нисбатан бу талаб, уни фақат ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган асосларда ҳамда ўрнатилган тартибда амалга оширилишидир.

Адолатпарварлик. Бу тамойил айбдор бўлмаган шахсларнинг жавобгарликка тортилиш ҳолларига йўл қўймасликни ёки содир этилган қилмишнинг исботланиши зарурлигани талаб этади. Юридик жавобгарликнинг адолатпарварлик тамойили қуйидаги расмий талаблар тизимида ўз ифодасини топади:

- ножўя қилмишлар учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас;
- жавобгарликни белгиловчи ва уни оғирлаштирувчи қонун орқага қайтиш кучига эга эмас;
- ҳуқуқнинг бузилиши натижасида келтирилган зарарни қоплаш зарурати мавжуд бўлса, юридик жаъобгарликни қўллаш орқали унинг ўрни тўлдирилади;
- ҳар бир бузилган ҳуқуқ учун фақат битта жавобгарлик белгиланади;
- ҳуқуқбузарлик ким томонидан содир этилган бўлса, фақат шу шахс жавобгарликка тортилади;
- жазо турлари ва чоралари ҳуқуқбузарликнинг даражасига (оғир ёки енгиллигига) боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқ бузилган тақдирда жавобгарликнинг муқаррарлиги. Юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарлик билан узлуксиз боғлиқ ва бу боғлиқликдан ушбу тамойилнинг моҳияти келиб чиқади, яъни содир этилган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг қўлланиши ҳамда унинг муқаррарлиги белгиланади. Кишиларнинг онгида юқоридаги боғлиқликни, яъни ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг жазосиз қолмаслиги тўғрисидага дунёқарашни шакллантириш - ҳуқуқбузарликнинг даражасини камайтиришга қаратилган муҳим омилдир.

Мақсадга мувофиқлилик. Содир этилган қилмишга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлига бу тамойилнинг маъносини англатади, чунки белгиланадиган жавобгарлик мақсадга мувофикдир. Ёки ҳуқуқбузарни қонуний асосларсиз жавобгарликдан озод қилишга йўл қўйилмаслик ҳам мақсадга мувофиқликдир ва ҳоказо. Мақсадга мувофиқлилик талаблари жавобгарликни татбиқ этишда қонунийлик талабларига зид келмаслиги керак ва, аксинча, мақсадга мувофиқ эмаслик нуктаи назардан қонун талабларини бузиш мумкин эмас.

Индивидуаллик. Бу тамойилга биноан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун фақат айбдор шахснинг ўзига нисбатан жавобгарлик қўлланилади. Жавобгарликни айбдор субъектдан бошқа субъектга ўтказишга йўл қўйилмаслиги керак. Масалан, кўп ҳолларда раҳбар ходимларнинг масъулиятсизлиги туфайли йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик корхона ёки ташкилотларнинг зиммасига юклатилишига ҳаракат қилинади. Бу тамойилни ҳаётга тўғри татбиқ этиш учун ҳар бир ходимнинг функционал вазифалари ва унинг бу вазифаларни бажармаслик оқибатида келиб чиқадиган жавобгарлик чоралари доираси қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз аксини (ифодасини) топиши зарур.

Юридик жавобгарлик ҳуқуқ нормалари қоидаларига биноан ҳуқуқни қўллаш органининг қарорига асосланиб юзага келади ва унинг фактик асоси бўлиб ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарлик ўз-ўзидан жавобгарликни келтириб чиқармайди ёки давлат мажбурлов чораларини қўллашни юзага келтирмайди, балки бундай қўллаш учун асос бўлади холос. Реал юридик жавобгарликни амалга ошириш учун эса ваколатли органнинг ҳуқуқни қўллаш акти зарур бўлади. Бундай актлар суднинг қарори, маъмурият буйруғи бўлиши мумкин.

Қонунчиликнинг бузилиши маъмурий, фуқаролик, интизомий, моддий-маънавий ва жиной жавобгарликни келтириб чиқаради.

Интизомий жавобгарлик.

Интизомий жавобгарлик бу юридик жавобгарликнинг бир тури бўлиб барча фуқаролар, ҳарбий хизматчиларнинг қонун билан белгиланган интизомий тартиб ва қоидаларини бузилишларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида барча ишчи ва хизматчиларнинг интизомий тартиб ва қоидаларни бузганликлари учун интизомий жазо чоралари белгилангандир.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом Низоми Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 1996 йил 9 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган бўлиб бунда барча ҳарбий хизматчиларнинг интизомий жавобгарликлари кўрсатиб ўтилади.

Ҳарбий интизом - бу барча ҳарбий хизматчиларнинг қонун, ҳарбий Низомлар томонидан, командирлар (бошлиқлар) буйруқлари билан белгиланган тартиб ва қоидаларга қатъий риоя этилишидир.

Ҳарбий интизом ҳар бир ҳарбий хизматчининг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга бўлган ҳарбий бурч ва шахсий масъулият, ўз халқига мислсиз садоқатини ҳис қилишга асосланади.

Маъмурий жавобгарлик

Маъмурий жавобгарлик бу юридик жавобгарликнинг бир тури бўлиб, маъмурий ҳуқуқ соҳасига ҳокимиятнинг барча турлари ва барча давлат органларининг ички ташкилий фаолиятлари, шунингдек, давлатнинг назорат фаолияти ҳам киради.

Маъмурий жавобгарлик - бу давлат органларининг ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда пайдо буладиган ижтимоий муносабатларди тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидир.

Маъмурий жавобгарлик давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятларини ва принциплари (давлат фаолиятининг бошқа турлари билан муносабати, давлат бошқаруви органларининг тузилиши, ташкил этилиш тартиби, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, мақсади, вазифаси, компетенцияси ва уларнинг ҳуқуқий аҳволининг фаолиятлари иш тартибларининг бошқа

томонлари)ни белгилаб бориб, фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий аҳволларини, уларнинг бурч ва мажбуриятларини тартибга солади.

Маъмурий жавобгарлик манбалари.

Ўзларида маъмурий ҳуқуқий нормалари бўлган давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий актлари маъмурий ҳуқуқ манбалари ҳисобланадилар.

Давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий мақомларини ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш асосларини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи Республикамиз Конституцияси бош манба ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарлик манбалари тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида Қонун, корхоналар ҳақида қонун, жамоат ташкилотлари тўғрисида қонун муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 16-моддасига асосан ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун Интизом низоми талабларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Мазкур шахслар йўл ҳаракати, ов қилиш, балиқ тутиш, балиқ захираларини сақлаш, божхона қоидаларини бузганликлари учун умумий асосда маъмурий жавобгар бўладилар.

Моддий жавобгарлик.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулклар ташкил этади.

Мулк дахлсиздир ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади унга қилинган ҳар қандай тажовуз қонунга хилоф деб ҳисобланади.

Мулк-мол – мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича мулк эгаси ва жамиятнинг бошқа аъзолари ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатдир.

Мамлакатимиз Президентининг доимий ғамхўрлиги туфайли бугунги кунда Қуролли Кучларимиз янги, замонавий техника ва қурол-аслаҳалар билан будланиб, белгиланган барча таъминот турлари билан таъминланмоқда.

Қуролли Кучларимиз ҳарбий хизматчилари зиммасига мустақил ватанимизни ҳимоя қилишдек шарафли ва маъсулиятли вазифалар юклатилган. Шу вазифалардан бири қурол ва жанговар техникалардан маҳорат билан унумли фойдаланиб, уларни доимо асраб – авайлашдир.

Ҳарбий хизматчи қурол-аслаҳа, жанговар техникани яхши билиши, маҳорат билан қўллай олиши, фойдаланиши, уларнинг сақланиши ва авайлаб асраш учун бўлган доимий кундалик саъй-ҳаракати ҳамда интилиши туфайлигина мамлакатимизнинг тинчлигини сақлашга, бойликларини асрашга ва жанговар шайликни оширишига ўз ҳиссасини қўшади.

Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлиги.

Фуқаролик ҳуқуқи - инсоннинг кундалик ҳаёти ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ соҳаларидан биридир. У фуқарога мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатлар соҳасида катта ҳуқуқлар беради ва бу ҳуқуқларни бошқа фуқаролар томонидан бузилишидан муҳофаза қилади. Ҳар бир фуқаро қонунга биноан шахсий ва хусусий мулкка эга бўлиш, мулкни мерос қилиб олиш ва васият қилиб қолдириш, ижодий фаолият ва ҳаказолар билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ҳуқуқларни қўлга киритишга ҳақлидир. Инсон ҳаёти ва саломатлигини, унинг шаъни ва қадр-қимматини сақлаш ишида фуқаролик қонунлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Фуқаролик ҳуқуқи фуқароларнинг маиший, савдо-сотиқ, коммунал, транспорт хизмати кўрсатиш соҳасидаги муносабатларини тартибга солиб туради. Кўпгина ҳолларда инсон ўзининг ижтимоий фаолиятида, хусусан касаба уюшмаси ишида, халқ маслаҳатчиси бўлиб иштирок этишда-фуқаролик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлади.

Кундалик ҳаётда барчамиз мулкӣ муносабатларда иштирок этамиз: магазиндан нон, сут, ручка, дафтар сотиб оламиз ёки бузилган бирор буюмни тузатиш учун устахонага олиб бориб берамиз. Магазинда бирор нарса сотиб

олаётганимизда сотувчига пул берамиз, шундан кейингина у бизга керакли нарсани беради. Бунда сотувчи ва оловчи ўртасида мулкый муносабат содир бўлади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар деб шахслар ўртасида бўладиган ва фуқаролик ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларга айтилади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар шу муносабатларда қатнашадиган шахсларнинг эрки, хоҳиши бўйича вужудга келади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар:

- 1) давлат корхоналари ўртасида;
- 2) давлат корхоналари билан фуқаролар ўртасида;
- 3) фуқаролар билан фуқаролар ўртасида вужудга келади.

Масалан, бир корхона иккинчи корхонага маҳсулот етказиб беради, ёки давлат корхонасидан магазинга аҳолига сотиш учун товар олади, ёки бир фуқаро, иккинчи бир фуқарога қарз беради.

Бу ҳуқуқий муносабатлар битимлар, шартномалар асосида амалга оширилади. Бироқ фуқаролик ҳуқуқи фақат фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб қолмасдан, шу билан бирга корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва давлат иштироки билан бўладиган муносабатларни ҳам тартибга солади. Буларга мулкый муносабатлар соҳасидаги аҳволни белгилаб берадиган нормалар, улар ўртасидаги хужалик алоқаларини, маҳсулот ва моллар етказиб бериш, капитал қурилиш, юк ташиш ва ҳоказолар соҳасидаги алоқаларни тартибга солувчи нормалар киради.

Иккинчи ҳолатга мулкый мазмундан маҳрум бўлган неъматлар билан боғлиқ муносабатлар киради. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: ном, муаллифлик номи, ор-номус ва қадр-қиммат, ҳаёт ва соғлиқ, тан дахлсизлиги. Бу муносабатларнинг деярли ҳаммаси одам туғилиши билан пайдо бўлади ва унинг вафот этиши билан тўхтади.

Жиноий жавобгарлик.

Жиноий жавобгарлик бу юридик жавобгарликнинг энг катта тури бўлиб барча фуқароларнинг қонун билан белгилаб берилган тартиб ва қоидаларни

қўпол равишда бузишлари оқибатида келиб чиқадиган жиноий жавобгарликларидан биридир.

Жиноий жавобгарлик бошқа соҳаларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади: биринчидан, жиноят содир этилиши муносабати билан вужудга келган жиноий-ҳуқуқий муносабатларда, бир томондан жамият, давлат, иккинчи томондан эса, жиноят содир этган шахс субъект бўлади; иккинчидан, жиноий-ҳуқуқий норма билан белгилаб қўйилган таъқиқларни бузганлик учун, одатда, суд давлат томонидан қўллайдиган жиноий жазо берилади.

Республикамиз Конституциясининг 26-моддасига кўра ҳеч ким суд ҳукмисиз ва қонунга номувофиқ ҳолда жиноят содир этишда айбдор деб топилиши мумкин эмас.

Жиноят ҳуқуқининг вазифаларига қуйидагилар киради: шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, табиий муҳитни, жамоат ва давлат манфаатларини ҳамда бутун ҳуқуқ тарғиботни жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлигини сақлашга кўмаклашиш, жиноятларнинг олдини олишга, фуқароларни Республикамиз Конституцияси ва қонунларга аниқ риоя этиш руҳида тарбиялашга ёрдам бериш.

ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ ТУШУНЧАСИ ВА ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТУРЛАРИ

Ҳарбий интизом тушунчаси Қуролли Кучлар Интизом Низомида аниқ ўз ифодасини топган бўлиб, унинг биринчи банди қуйидагича таърифланади: «**Ҳарбий интизом**, бу – барча ҳарбий хизматчиларнинг Қонун, ҳарбий низомлар томонидан, командирлар (бошлиқлар) буйруқлари билан белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этилишидир».

Ҳарбий интизом, бу – давлат интизомининг таркибий қисмидир. Бунинг замирида давлатимиз Қонунлари, Қуролли Кучларимиз Низомларида


мустаҳкамланган халқ иродаси ифодаланади. Ҳарбий интизомнинг моҳияти қуйидагича таърифланади:

Биринчидан, интизом, бу – қоидалар ва уларга риоя қилмоқликнинг ажралмас узвий бирлигидир. Ушбу birlikсиз интизом бўлмайди. Қоидалар қанчалик мукаммал бўлмасин уларга риоя этилмаса ҳеч қандай наф келтирмайди.

Иккинчидан, интизом, бу – тартиб ва қоидаларга сўзсиз қатъий ва аниқ этмоқликдир. Ҳар бир жангчи илк хизмат онлариданоқ ҳарбий таълимда тартиб ва қоидаларга, буйруқ ва фармойишларга қатъий ва аниқ риоя этмоқлик – интизомнинг асосий мазмуни эканлигини тушуниб олиши керак.

Учинчидан, интизом, бу – қонун бўйича ўрнатилган тартиб ва қоидаларга риоя этмоқликдир. Бу Қуролли Кучларда белгиланган тартиб ва қоидалар асосини Қонунлар ва уларга қўшимча бўлган қарорлар, буйруқлар ва директивалар ташкил қилади.

Тўртинчидан, ҳарбий интизом, бу – тартиб ва қоидаларга ҳар бир ҳарбий хизматчи томонидан беистисно риоя этилишидир. Ҳар бир – у оддий аскар ёхуд генерал бўлишидан қатъий назар – ҳарбий хизматчидан умумҳарбий қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этмоқлик талаб қилинади.



Интизомсиз армия бўлмайди, деб бежиз айтилмаган. Бу – жаҳондаги барча армиялар ривожланиш тарихида исботланган ҳақиқатлар. Замонавий шароитда жангавор шайлиқнинг даражаси ҳарбий интизом, ҳарбий жамоа жипслиги ва уюшқоқлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Ҳатто озгина интизомсизликка йўл қўйилиши ҳам кўпгина кўнгилсизликларни келтириши мумкин. Масалан, жанговар навбатчилик вақтида интизомнинг бузилиши оғир оқибатларга олиб келишига, давлат аҳамиятига молик вазифанинг бажарилишига зиён етказилиши мумкин.

Ҳарбий интизом ҳуқуқийгина эмас, балки сиёсий категория ҳамдир.

У улкан ижтимоий-сиёсий ва давлат аҳамиятига эга. Негаки, Қуролли Кучлар зиммасига Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган вазифалар – мустақиллигимиз, суверенитетимиз, мамлакатимиз ҳудудий яхлидлиги, тинчлик ва барқарорликни, халқимиз фаровонлигини ҳимоя қилиш юклатилган.

Яхши билиш керакки, ҳарбий Низомлар ва интизом талаблари бўйича яшаш ҳамда ҳаракат қилишни ўрганмасдан туриб, ғалабага эришиш ҳақида фикр юритишга ҳожат йўқ.

Ҳарбий интизом – ахлоқий категориядир. Жазодан қўрқиш эмас, балки интизом талабининг ижтимоий аҳамиятини идрок этиш, бу – жангчи хулқининг бош омилидир.

Интизом Низомининг 2-бандида: «Ҳарбий интизом ҳар бир ҳарбий хизматчининг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга бўлган ҳарбий бурч ва шахсий масъулият, ўз халқига мислсиз садоқатини ҳис қилишига асосланади».

Ҳарбий хизматчиларга юксак интизомлиликни шакллантиришнинг асосий усули ишонтиришдир. Айнан ишонтириш йўли билан ҳар бир ҳарбий хизматчи, бўлинма, қисм жанговар шайлиги ва қўшиннинг ҳаёти учун ҳарбий интизом нақадар зарурлигини англаб етиши лозим.

Чунки, фақат юксак ҳарбий интизом, уюшқоқлик ва қатъий интизомий тартиб, юксак ижрочилик ва жипсликгина жамоада соғлом, рухий-маънавий муҳитни яратишни, бу эса жанговар, маънавий маърифий тайёргарликлар

сифатига, касбий маҳоратнинг ўсишига, қисм ва бўлинмалар жанговар шайлигининг ошишига, демак, улар олдида турган жанговар ўқув вазифаларнинг юксак даражада бажарилишига катта таъсир этади.

Ҳуқуқий, сиёсий, маънавий категория ҳисобланиб, ҳар бир ҳарбий хизматчидан ҳарбий интизом низомининг 3-моддасида кўрсатилган қуйидаги қоидаларига қатъий риоя этишини талаб этади:

- ҳарбий Қасамёдга содиқ бўлишни;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Конституциясига қатъий бўйсунитишни;
- ўз ҳарбий бурчини моҳирлик ва жасорат билан бажаришни;
- ҳарбий ишни сидқидилдан ўрганишни;
- ҳарбий ва давлат мулкани асрашни;
- ҳарбий хизмат қийинчиликларини мардонавор енгишни;
- ҳарбий бурчни бажариш учун ўз жонини ҳам аямасликни;
- сергак бўлишни;
- ҳарбий ва давлат сирларини қатъий сақлашни;
- ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ҳарбий низомларда кўрсатиб берилган ўзаро муносабатларини қўллаб-қувватлашни;
- жанговар биродарликни мустаҳкамлашни;
- командирларга (бошлиқларга) ва бир-бирига ҳурмат кўрсатиш;
- ҳарбий салом-алик ва хушфёъллик қоидаларига риоя қилишни;
- жамоат жойларида ўзини муносиб тутишни;
- номуносиб ҳатти-ҳаракатлардан ўзини ва бошқаларни тийиб қолишни;
- ҳарбий салом-алик ва хушфёъллик қоидаларига риоя қилишни;
- фуқароларнинг ор ва номусини ҳимоя қилишини талаб этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қонунчилик ва ҳарбий интизомнинг таъминланиши бўйича тарбиявий ишларни олиб борилишига қарамасдан ҳарбий қисм, бўлинма ва муассасаларда ҳарбий хизматчилар ўртасида низомларга зид ҳатти-ҳаракатлар ҳам учраб келмоқда. Шу муносабат билан қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Биринчидан, Низомга зид хатти-ҳаракатлар, бу – ёвузлик ҳисобланиб, ҳарбий интизом негизига, демакки, жанговар тайёргарликка путур етказди ва Қуролли Кучларнинг тинчлик ва хавфсизлик кафолати бўлишига дахл солади.

Иккинчидан, Низомга зид хатти-ҳаракатлар ҳарбий низомга менсимасдан қараш бўлиб, жанговар машғулотлар ва жанговар ҳаётни тўғри ташкил этмаган, тарбиявий ишларда камчиликлар бўлган жойларда учрайди. Бунинг оқибатида жамоада ҳарбий хизматнинг ҳаётини заурат эканлигини англамаслик пайдо бўлади. Бундай кайфиятдаги аскарлар кўпинча масхаралаш, тегажқлик қилиш, катта камситиш ва ҳақоратлашгача боради.

Учинчидан, Низомга зид хатти-ҳаракатлар, бу – армиянинг ўзи юзага келтирган иллат эмас. Унинг юзага келишига ўсмир армиягача бўлган муҳит – фуқаролик меъёрларининг бузилиши, инсонлар орасидаги одоб-ахлоқ, инсонийлик шаънига доғ туширувчи куполлик ва ҳақорат асосий роль ўйнайди.

Тўртинчидан, Низомга зид хатти-ҳаракатлар тўла бартараф этилиши лозим. Бунинг учун қисм ва муассасаларда барча зарурий жиҳатлари бор:

– талабга жавоб берувчи қонуний база (Конституция, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Умумҳарбий Низомлар, Мудофаа Вазирининг буйруқлари);

- мавжуд низомий тартиб;
- тарбиявий ишнинг синовдан ўтган тизими;
- ётоқхоналарда соғлом муҳит;
- шахсий таркибни ўрганишга оид ахборот тизими;
- командирнинг мақсад сари йўналтирган иродаси;
- командирнинг қўл остидаги ҳар бир жангчи ғурури ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш бурчи ва мажбурияти.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Республикада сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий қайта ўзгаришларни ҳал этиш, демократияни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш жамият турмушининг ҳуқуқий асосларини

мустаҳкамлаш билан боғлиқдир. Ҳуқуқий маданиятни ошириш, жамият ҳар бир аъзосининг ҳуқуқига саводхонлик билан муносабатда бўлиш, ҳар бир кишининг юридик нормаларни билиши ва уларга амал қилиши ҳамда уларни аниқ ва бениқсон бажаришга интилиши зарурлиги мана шундан келиб чиқади.

Ҳуқуқий маданият-бу жамият муҳити, иқлимидир. Агар жамият ва ҳар бир фуқаро ҳуқуққа, қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлса, ҳуқуқ ва қонунчиликнинг устиворлигини тан олса давлатда тартиб ўрнатилади. Ва аксинча, ҳуқуқ нормаларига ҳурматсизларча муносабатда бўлиш қонунсизликка, жамият турмуши меъёрининг бузилишига, жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг давлат ва халқ мол-мулкига ҳўжайинлик туйғуси билан муносабатда бўлиши асосида, мамлакатимизда Ўзбекистон халқининг турмуш фаровонлигини ошириш, ишлаб-чиқариш самарадорлигини юксалтириш ва ривожлантириш, илмий-техник тараққиётни тезлатиш каби муҳим долзарб вазифалар ижобий тарзда ўз ечимини топомқда. Бу юксак мақсадларга эришишни муҳим шартларидан бири, давлат ва халқ мол-мулкани сақлаш, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳўжасизликка қарши кураш ва бошқалардир.

Юқорида айтиб ўтилган талаблар, тўла-тўқис Қуролли Кучларга ҳам тегишлидир. Президентимиз, ҳукуматимиз ва халқимизнинг ғамхўрлиги боис Қуролли Кучларимиз энг замонавий жанговар техника ва қуроллар билан қуроллантирмоқда, ҳарбий хизмат ва жанговар тайёргарлик учун зарур бўлган барча нарсалар билан таъминламоқда. Президентимиз Ўзбекистон ҳукумати ва халқимиз Қуролли Кучлардаги моддий воситалар, қимматбаҳо жанговар техника ва қуроллар, асраб-авайлаб фойдаланиши ва сақланишидан манфаатдордирлар.

Ҳарбий хизматларни ҳарбий мол-мулкни асраб-авайлашлари ҳақидаги бурчлари, Ҳарбий Қасамёд, ҳарбий Низом ва бошқа ҳарбий Қонунларда кўрсатиб ўтилган.

Қуролли Кучларда аксарият ҳарбий хизматчиларда ҳарбий ва бошқа мол-

мулкларга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш туйғуси юксак равишда ривожланган. Шундай бўлсада, баъзи вақтларда давлат ва ҳарбий мол-мулкларга айрим ҳарбий хизматчилар томонидан хўжасизликларча муносабатда бўлиш ҳолатлари учраб туради, бунинг оқибатида эса давлатимиз ва Қуролли Кучларимизга моддий зарар етказилади.

Мамлакатимизнинг асосий қонуни – Ўзбекистон Конституцияси Ўзбекистон фуқароларининг давлат ва халқ мол-мулкини асраш, уни хўжасизликларча сарфланиши ва ўғирланишига қарши курашиш, халқ мол-мулкига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш каби вазифа ва бурчлари билан бир қаторда, давлат ва халқ мол-мулкига зиён етказувчи шахслар учун жавобгарликни ҳам кўрсатиб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 53-моддасига мувофиқ мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулклар ташкил этади.

Мулк дахлсиздир ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади унга қилинган ҳар қандай тажовуз қонунга ҳилоф деб ҳисобланади.

Мулк-мол – мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича мулк эгаси ва жамиятнинг бошқа аъзолари ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатдир.

Мамлакатимиз Президентининг доимий ғамхўрлиги туфайли бугунги кунда Қуролли Кучларимиз янги, замонавий техника ва қурол-аслаҳалар билан будланиб, белгиланган барча таъминот турлари билан таъминланмоқда.

Қуролли Кучларимиз ҳарбий хизматчилари зиммасига мустақил ватанимизни ҳимоя қилишдек шарафли ва маъсулиятли вазифалар юклатилган. Шу вазифалардан бири қурол ва жанговар техникалардан маҳорат билан унумли фойдаланиб, уларни доимо асраб – авайлашдир.

Ҳарбий хизматчи қурол-аслаҳа, жанговар техникани яхши билиши, маҳорат билан қўллай олиши, фойдаланиши, уларнинг сақланиши ва авайлаб асраш учун бўлган доимий кундалик саъй-ҳаракати ҳамда интилиши

туфайлигина мамлакатимизнинг тинчлигини сақлашга, бойликларини асрашга ва жанговар шайликни оширишига ўз ҳиссасини қўшади.

Ҳарбий хизматчилар қурол-аслаҳа ва жанговар техникани яхши билиши, уларни авайлаб-асраши, хизматнинг илк кунидан бошлаб барча ҳарбий ва давлат мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши шартдир. Давлат мулки – бу давлатга қарашли мулклардир.

ҲАРБИЙ МУЛК – бу ҳарбий ташкилот (Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа Вазирлиги) тасарруфига вақтинча ёки доимий бериладиган давлат мулкининг бир бўлаги ҳисобланади.

Ҳарбий мулкка қўйидагилар киради:

- қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларнинг барча турлари;
- ўқ-дорилар;
- ёнилғилар;
- озиқ-овқатлар;
- техник, аэродром воситалари;
- ҳарбий кийим-кечаклар;
- тиббиёт мулклари ва бошқа моддий воситалар;
- транспорт воситалари;
- алоқа воситалари;
- турар жойлар ва ётоқхоналар;
- омборлар, хизмат фонди ва ҳарбий ташкилотнинг ишлаб чиқариш

корхоналари;

- компьютер ва бошқа техник воситалари;
- ҳарбий хизматчиларни ўқитиш, ўргатиш, ҳарбий машқлар, дам олиш ва

бошқа таъминотлари учун ажратилган барча турдаги давлат томонидан ажратилган жиҳозлар, буюмлар ҳамда бошқа воситалар.

Ҳарбий низомлар, қўлланмалар, йўриқномалар, тегишли моддий таъминот турлари ҳақидаги қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳарбий

мулкни мамлакат муҳофизати қўйишнинг мақсадида фойдаланиш тартибини белгилайди.

Давлатга моддий зиён етказган шахслар маъмурий интизомий ва жиноий жавобгарлик билан бирга моддий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин.

Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги содир этилган ҳуқуқ ва ҳарбий ҳуқуқий муносабатларни бузилиши хусусиятларига боғлиқдир. Одатда, бу айбдорни ҳарбий хизмат бурчларини жанговар техника ҳарбий мол-мулк билан муомала қилиш қонун қоидаларини кўрсатилган ҳарбий ҳуқуқ меъёрларини бажармаслиги ёки бузиши оқибатида интизомий ва жиноий жавобгарликка олиб келувчи ҳолатларда намоён бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ҳарбий ҳуқуқни бузиш икки хил жавобгарликка олиб келиши мумкин, яъни моддий жавобгарлик моддий зиённи қопловчи восита бўлиб, у айбдор ҳарбий хизматчиларни интизомий ёки жиноий жавобгарликдан озод қилмаслиги мумкин. Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги – бу Ўзбекистон Қуролли Кучлари шароитида давлат мулкни ҳимоя қилиш, етказилган зиённи тўлдириш (қоплаш) ҳарбий хизматчиларни давлат ва ҳарбий мол-мулкка эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш тўғрисида тарбиялаш воситасидир. Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги ҳарбий ҳуқуқ муносабатларини мураккаблигини ва кўп қирралилигини, уларни ўзаро бириктириб кетганлигини ҳисобга олади. Шундай экан, ҳарбий хизматчи томонидан давлатга етказилган зиённи ундириб олишни, уни ҳарбий техника ва қуроллардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишдаги вазифалари, ҳарбий мол-мулкка бўлган муносабати, мулкни йўқ бўлиши ёки унга зарар етишидаги мумкин бўлган вазиятлар, ҳарбий хизматчини эгаллаб турган мансаби, унинг хизмат муддати ва унга қўйилган талабларни билиш каби омиллардан ажратмаган ҳолда кўриб чиқиш керак. Буларнинг барчаси ҳарбий хизматчиларни моддий жавобгарликка тортишда ўзига хос муносабат хусусиятларини ишлаб чиқиш тақозасини қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги қонуни ҳарбий хизматчиларнинг ва ўқув дала йиғинларига чақирилган ҳарбий

хизматга мажбур шахсларни давлатга етказган зиёни учун, Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган тартиб бўйича моддий жавобгарликка жалб қилиниши кўрсатиб ўтган. Бу тартиб «Давлатга етказилган зиён учун ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарликлари тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилган.

Амалдаги қонунларга кўра ҳарбий хизматчилар қуйидаги тартиб бўйича моддий жавобгарликка тортилиши мумкин.

1. Суд орқали (бошқа барча фуқаролар сингари) хизмат бурчини ўтамаётган вақтда давлатга етказган зиёни учун;

2. Маъмурий (Ҳарбий қисм командири буйруғи билан) тартиб орқали, хизмат бурчини ўтаётган пайтда етказилган зарар учун;

Агар ҳарбий хизматчи хизмат сафаридан ҳарбий қисмга ёки бирор бир фуқаролар ташкилотига зиён етказса, у ҳолда у моддий жавобгарликка ўзининг хизмат жойидан тортилади.

Бу ерда биринчи вазиятда моддий жавобгарлик фуқаролар ҳуқуқи нормалари орқали, иккинчи вазиятда эса ҳарбий ҳуқуқ нормалари орқали амалга оширилади.

Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарликлари дейилганда – қонунларда белгилаб қўйилган шахсларнинг давлатга етказилган зиёни маблағ билан тўлаш ёки қисман қоплаш (тўлаш) бурчлари тушунилади.

Давлатга етказилган зиён учун ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тартиби қуйидаги вазифаларни амалага оширади:

- ҳуқуқни тиклаш (зиёни ундириш);
- огоҳлантирувчи (олдини олувчи);
- қўриқлаш;
- ахборот (информация).

Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарликлари вазифалари, ушбу ҳуқуқий жавобгарлик тури билан ечиладиган вазифаларни белгилаб беради.

Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳарбий хизматчиларни ва хизматга мажбур шахсларни жанговар техника қуроллар ва ҳарбий мол-мулкларга бўлган эҳтиёткорона муносабатини тарбиялаш;
2. Ҳарбий хизматчини айби билан етказилган моддий зиённи ундириш;
3. Ҳарбий қисм ва муассасаларда моддий зиён етказилиши ҳолатларини олдини олиш;
4. Ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳарбий интизомни ташкилотчиликни ва ҳарбий Низомлар тартибини мустаҳкамлаш.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ТОМОНИДАН МОДДИЙ ЗАРАР ЕТКАЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ

ҳарбий мулкни камайиши, ёмонлашуви;

моддий воситаларни йўқотиш, ишдан чиқариш ёки йўқ қилиш;

пул маблағини ошиқча тўлаб юбориш ёки йиға олмаслик;

ҳарбий мулк ёки пул маблағидан нотўғри фойдаланиш;

пул маблағи ҳақида ҳужжатларни йўқотиш;

таъминот йўли билан олинган ҳарбий мулк пул маблағини камомеди;

ҳарбий мулк ёки пул маблағини талон-тарож қилиш;

хизмат юзасидан берилган ҳар хил буюмларни йўқотиш ёки ўзлаштириб олиш.

Давлатга моддий зиён етказилиши билан боғлиқ бўлган моддий жавобгарлик, ҳуқуқий муносабат бўлиб, қонунларда кўрсатиб ўтилган махсус шарт-шароитлар борлигида намоён бўлади.

Масалан,

а) ҳарбий қисм ёки муассасага чиндан ҳам ҳақиқий моддий зиён етказилди.

б) моддий зиён ҳарбий хизмат вазифаларини бажарётган вақтда ҳарбий хизматчига ёки хизматга мажбур шахсга етказилди;

в) моддий зиён ҳарбий хизматчини ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли етказилади, яъни уларга топширилган ва Низом қонун инструкцияларида белгилаб қўйилган хизмат вазифаларини бажармаслик ёки бузиш оқибатида;

г) ҳарбий хизматчини ноқонуний ҳаракатлари билан етказилган моддий зиён ўртасида сабаб вазияти бор;

д) ҳарбий хизматчи етказилган зиён учун айбдор, яъни у онгли равишда ёки эҳтиётсизлик билан ҳаракат қилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча шароитлар биргаликда, ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги билан боғлиқ бўлган қонунбузарлик нормаларини юзага келтиради.

Кўрсатиб ўтилган шароитларнинг биттаси бўлмаган тақдирда ҳам ҳарбий хизматчиларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Ҳарбий хизматчидан моддий зиён фақат унинг айби тўла исботлаб берилган тақдирдагина ва бунга суд ҳукми ёки ҳарбий қисм командири буйруғи бўлгандагина ундириб олиши мумкин. Ҳеч бир ҳарбий хизматчи айби исботланмагунча, моддий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ҳарбий хизматчиларни хизмат вазифаларини бажараётган вақтда бўлиши.

Офицерлар, муддатидан ташқари ҳарбий хизматчилар ҳарбий ҳуқуқ нормаларига мувофиқ фақат хизмат вақтида эмас, балки ўз хизмат бурчларини хизмат сафарларида ёки топшириқларида қаердан, қачон ва қандай вазиятларда

бажараётган бўлишларидан қатъий назар хизмат вазифаларини бажараётган деб ҳисобланади.

Муддатли ҳарбий хизматчилар ўз ҳарбий қисмларида, ўқув машғулотларида ва махсус топшириқлар бажараётган вақтда хизмат вазифасини ўтаётган деб ҳисобланади. Улар ҳарбий қўмондонлик томонидан берилган таътил, сайил пайтларида хизмат бурчини ўтамаётган деб ҳисобланади.

Моддий зарар етказилган вақтда ҳарбий хизматчи қаерда, қачон ва қандоқ вазиятда бўлганлигини тўғри белгилаш, ҳарбий хизматчиларни моддий жавобгарликка қонуний асосда жалб қилинишига таъсир кўрсатади, бу эса ўз навбатида ҳукмни одилона чиқарилишига асос бўлади.

Ҳарбий хизматчи ҳаракатларининг қонунга ҳилофлиги.

Ҳарбий хизматчиларнинг қонунга ҳилоф ҳаракатлари дейилганда, амалдаги ҳуқуқий нормалардан белгилаб берилган моддий мулк ва пул маблағларини сақлаш ва уладан фойдаланиш қоидаларини бузилишлари тушунилади.

Ҳарбий хизматчиларнинг моддий зиён етказувчи қонунга ҳилоф ҳаракатларини тўла айтиб ўтишни имконияти йўқ. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий нормаларда акс эттирилган ҳаракатларнигина эмас, балки Ўзбекистон қонунчилигига ҳилоф бўлган барча ҳаракатларни қонунга ҳилоф ҳаракатлар деб ҳисоблаш мумкин. Бунда, албатта, фақат ҳарбий хизмат муносабатлардан келиб чиқувчи ҳаракатларни кўриш керак. Масалан, ҳарбий хизматчини, уни вазифа доирасига кирмаган ҳаракатларни бажармаслиги учун жавобгарликка тортиб бўлмайди. Ёки, қонун ва Низомларда кўрсатилмаган, лекин ҳарбий мулкни эҳтиёт қилиш учун бошлиқ томонидан берилган оғзаки топшириқларни бажармаслик ҳам қонунга ҳилоф ҳаракат деб топилади.

Қуйидаги вазиятларда ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарликдан озод этилишлари мумкин:

1. Катта бошлиқни буйруғини кичик ҳарбий хизматчи виждонан бажарса;
2. Зарурий мудофаа сўнгги имконият вазиятидаги ҳаракат;

3. Енгиб бўлмас кучлар (табiiй офатлар вақтидаги ҳаракат);

4. Аниқ бир вазиятларда хизмат юзасидан тавакалчилик қилиш, (буни оқибатида моддий зиён етказилишини камайтириш).

Ҳарбий хизматчини ноқонуний ҳаракатлари билан етказилган моддий зиён ўртасида сабаб борлиги – моддий жавобгарликка тортилишининг асосий шартидир.

Масалан, ҳарбий хизматчи ўз хоҳиши билан иш жойини ташлаб кетди ва электрон асбобни назоратсиз қолдирди. Худди шу вақтда бу ерда авария содир бўлди. Текширишлар шуни кўрсатадики, авария асбобни ишлаб чиқаришдаги хатоликлар сабабли юз берган. Яъни, ҳарбий хизматчи ўз иш жойида бўлган тақдирда ҳам аварияни олдини ололмасди, шунинг учун ҳам унинг ўз иш ўрнини ташлаб кетганлиги ва содир бўлган авария ўртасида ҳеч қандай боғланиш сабаб йўқ. Шундай экан, юзага келган моддий зиён учун ҳарбий хизматчини жавобгарликка тортиш қонунга зиддир.

Ҳарбий хизматчининг айбдорлиги.

Ҳарбий хизматчининг моддий зиён етказилганлиги тўғрисидаги айбини аниқ фактлар билан исботлаш керак. Моддий зиён ҳарбий хизматчи томонидан онгли ва онгсиз равишда етказилиши мумкин. Яъни, бу ерда биринчи ҳолатда, ҳарбий хизматчи ўз ҳаракати ёки хизмат доирасидаги ҳаракатни бажармаслиги оқибатида ҳарбий мулкка зиён етишини тушунади, шундай бўлсада, у шу ҳаракатга йўл қўяди. Иккинчи ҳолатда эса, ҳарбий хизматчи ўзининг ҳаракатлари ҳарбий мулкка зиён етказилишини олдиндан кўра билмайди, шундай бўлсада мулкка зиён етказилади.

Ҳарбий хизматчининг айбдорлигини аниқлаш, ҳарбий қисм қўмондонлигига юклатилади. Агар ҳарбий хизматчини айбдор деб ҳисоблашга етарли факт ва асос бўлмаса, у ҳолда у моддий жавобгарликка тортилмайди.

Ҳарбий хизматчини айби қандай шаклда бўлиши (онгли ёки онгсиз) ҳаракат моддий зиёни ундириш муаммосини ҳал этишда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ушбу ҳолат ҳарбий хизматчини жавобгарликни бошқа турларига жалб қилишда асосий шарт бўлиб ҳисобланади.

Ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарликка қисман (чегараланган), тўла ва оширилган тарзда жалб қилинишлари мумкин.

Моддий жавобгарликни бундай тақсимлаш, зиён етказган ҳаракат хусусиятларини мулкнинг турини, ҳарбий хизматчини хизмат доирасидаги ҳуқуқлари хусусиятларини ва айб шакллари тўғри ва ҳаққоний ҳисобга олишга имкон яратади.

Ҳарбий мулкка етказилган зиёни ҳажмини, унинг сабаблари ва айбдор шахсларни аниқлаш учун ҳарбий қисм командири маъмурий текшириш ўтказишни тайинлайди. Бу текшириш бир ой мобайнида якунланиши керак, зарурият юзасидан бу муддат юқоридаги бошлиқлар томонидан икки ойгача белгиланиши мумкин.

Маъмурий текшириш ўтказиш, ҳаракати ўрганилаётган ҳарбий хизматчига бўйсунмаган офицерга топширилиши мумкин. Агар моддий зиёни ҳажми, уни етказиш сабаблари ва айбдорлари ревизия, тергов ва суд орқали аниқланган бўлса, маъмурий текшириш ўтказилмаслиги мумкин. Текширишлар давомида қуйидагилар аниқланиши керак:

- етказилган моддий зиён нималардан иборат ва уни пул бирлигидаги қиймати;
- ҳарбий хизматчининг қандай нотўғри ҳаракатлари билан моддий зиён етказилган;
- бу вазиятда қандай қонунлар, ҳарбий Низомлар кўрсатмалар талаблари бузилган;
- ҳарбий хизматчининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги моддий зиён етказилишига сабаб бўлганми;
- ҳарбий хизматчи моддий зиёни онгли ёки онгсиз равишда етказганлиги;
- қандай вазиятлар моддий зиён етказилишига олиб келганлиги.

Текшириш натижалари ёзма равишда тузилиб, унга айбдор ҳарбий хизматчиларнинг ёзма тушунтириш хатлари илова қилинади.

Маъмурий текшириш тугатилган кундан бошлаб бир ой мобайнида

ҳарбий қисм командири айбдор ҳарбий хизматчилардан моддий зиёни ундириш ҳақида буйруқ чиқаради ва бу буйруқ ҳарбий қисм шахсий таркибига ўқиб эшиттирилади. Агар айбдор деб топилган ҳарбий хизматчи ўзини айбсиз ҳисобласа, у ҳолда у Ўзбекистон Қуролли Кучларининг Интизом Низомида кўрсатилган тартиб бўйича шикоят қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида кўрсатиб ўтилган ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар.

Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив ёки бошқа модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш – ҳарбий хизматчи томонидан махсус эҳтиёт қоидаларига риоя этмасликдан иборат. Бу эса, одамларнинг ўлими ва уларга шикаст етказилишига, ҳарбий мулкнинг бўлишига, ҳарбий тадбирларнинг барбод бўлиши ва бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш тартиби ҳарбий низомларда ва бошқа норматив актлар (турли хил қуроллардан отиш курслари, қўлланмалар)да белгиланган бўлиб, уларда қурол-яроғ, модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш хавфсизлик шартларини тақминловчи қоидалар келтирилган.

Қурол – тирик кучни йўқ қилиш учун махсус яратилган техник воситасидир. Бунга фақат ўқотар қуролни (пистолет, автомат, гранатомёт, артиллерия ёки ракета қурол-яроғлари) ўз ичига олади, совуқ қурол бу гуруҳга кирмайди.

295-модда. Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўқотиш ёки ишдан чиқариш.

Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, яъни муддатли хизмат ҳарбий хизматчисининг шахсан ўзи фойдаланиши учун берилган ҳарбий аслаҳа – анжомларни сотиши, фойдаланиш учун бировга бериши ёки гаровга қўйиши –

олти ойгача қамоқ ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

Хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмларини сақлаш қоидаларини бузиш натижасида уларни йўқотиш ёки ишдан чиқариш,-

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса,-

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

296-модда. Ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш.

Қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, ҳарбий техника ёки бошқа ҳарбий мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш, -

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, - беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, - ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

297-модда. Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, шунингдек, модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш.

Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, шунингдек, ўқ-дори, портловчи, радиоактив ёки бошқа модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса,-

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмиш:

а) икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир шикаст етказилишига;

б) оғир шикаст етказилишига;

в) одам ўлишига сабаб бўлса,-

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса,-

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

298-модда. Машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш.

Жанговар, махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ёхуд улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса,-

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмиш:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсининг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига;

б) одам ўлишига сабаб бўлса,-

уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса,-

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

299-модда. Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш.

Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини, шунингдек, учиш аппаратларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳалокат юз беришига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса,-

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

300-модда. Кемани бошқариш қоидаларини бузиш.

Кемани бошқариш қоидаларини бузиш кеманинг ҳалокатга учрашига ёки унга жиддий шикаст етказилишига, одамлар ҳалок бўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса,-

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

Ҳарбий хизматчилар ҳам барча фуқаролар каби Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида белгиланган қонун меъёрларини бузишлари оқибатида умумий жиноий жавобгарликларни келтириб чиқарадилар.

2002 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 10 сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. 1,5 йиллик ҳарбий хизмат 1 йилга қисқартирилди. Олий маълумотлилар учун 12 ойлик ҳарбий хизмат 9 ойликка қисқартирилди. Бу билан 1,5 йиллик муддатли ҳарбий хизматни ўтовчи ҳарбий хизматчилар тоифаси ўз-ўзидан тугатилди. Қуrolли Кучларда қонунчилик ва ҳарбий интизом мустаҳкамланиб борди.

Ҳозирги кунда Қуrolли Кучларда қонунчилик ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳарбий бўлинма ва қисмларимизда баъзи бир ҳарбий хизматчилар томонидан қонунга зид ҳатти ҳаракатлар содир этилиб, жиноий жавобгарликларни келтириб чиқармоқдалар. Натижада Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий прокуратура ва ҳарбий суд органлари томонидан бир қатор жиноят ишлари қўзғатилиб, ҳарбий хизматчилар жиноий жавобгарликларга тортилмоқдалар.

Содир этилаётган инсон ҳаётига қарши жиноятлардан қуйидагиларни мисол келтиришимиз мумкин.

Ҳаётга қарши жиноятлар

97-модда. Қасддан одам ўлдириш

10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш узоқ муддатли ёки умрбод қамоққа олиш жазоси билан жазоланади.

Жамиятимизда инсон ҳаётига суиқасд қилиш ўта оғир жиноят ҳисобланиб, бу жиноятга нисбатан судлар томонидан энг оғир жазо чоралари қўлланилади. Ўзга шахснинг қасддан ўлдирилишига сабаб бўлиш одам ўлдириш, деб эътироф этилади. Қасддан одам ўлдириш жиноятининг объекти

ўзга шахснинг ҳаёти ҳисобланади. Қонун ҳар қандай шахснинг ҳаётини, унинг ёши, жисмоний ҳолатидан қатъий назар, бир хилда ҳимоя этади. Шунинг учун ёшни ҳам, кексани ҳам, соғни ҳам, беморни ҳам ҳаётдан ҳуқуққа ҳилоф равишда маҳрум этиш одам ўлдириш, деб эътироф этилади.

Инсон ҳаётининг бошланиши она қорнидан гўдак тана аъзосининг бир қисми чиқиши билан бошланади. Қасддан одам ўлдириш жиноятининг объектив томони ўзга шахсни ҳуқуққа ҳилоф равишда ҳаётдан маҳрум қилишдан иборат. Одам ўлдириш ҳаракат билан ҳам, ҳаракатсизлик орқали ҳам содир этилиши мумкин.

Одам ўлдириш- моддий таркибли жиноят ҳисобланиб, у инсон организмида қайта тикланмайдиган ўзгаришлар, яъни биологик ўлим бошланган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

Қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Яъни, бунда айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, жабрланувчининг ўлимига кўзи етган ва уни ўлдиришни истаган бўлади, бироқ, ўлим айбдорнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра келиб чиқмайди.

Қасддан одам ўлдириш жиноятининг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Қасддан одам ўлдириш жинояти ҳам тўғри, ҳам эгри қасд билан содир этилиши мумкин.

Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш қасди билан ҳаракат қилади, қилмишнинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етади, ўлим юз беришини истайди ёки бунга онгли равишда йўл қўйиб беради.

Қасддан одам ўлдириш жинояти субъекти ЖК нинг 97-моддаси, 1-қисмида кўзда тутилган ҳар қандай 14 ёшга тўлган шахс, шу модданинг 2-қисми бўйича эса, 13 ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

Қасддан одам ўлдириш жинояти сабабларга кўра ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан:- ўч олиш мақсадида, рашқ қилиш оқибатида, ҳасадгўйлик оқибатида одам ўлдириш;

- муштлашиш ёки жанжаллашиш оқибатида одам ўлдириш;
- алкоголли ичимлик, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида одам жонига суиқасд қилиш;
- ожизлигидан фойдаланиб одам ўлдириш;
- номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжини зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириш билан одам ўлдириш;
- жабрланувчини алоҳида қийноқлар йўли билан ўта шафқатсизлик оқибатида одам ўлдириш;
- босқинчилик, тамагирлик, безорилик оқибатида одам ўлдириш кабилар мисол бўла олади.

Шу билан бирга ЖК нинг 98-моддаси: Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш жинояти, ЖК нинг 100-моддаси: Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш жинояти, ЖК нинг 102-моддаси: Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш, ЖК нинг 103-моддаси: Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятлари ҳам ҳарбий хизматчилар орасида ҳам содир этилиши мумкин.

Соғлиққа қарши жиноятлар

104-модда. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш

Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишга ёки умуман соғлиғи бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса,

- уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш: Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда содир этилса,

- саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳарбий хизматчилар ўртасида содир этиладиган жиноятларнинг яна бир тури бу шахсларнинг соғлигига шикаст етказиш бўлиб, ЖКда кўрсатилганидек тегишли жавобгарликлар белгиланган. Шулардан бири ЖК нинг 104-моддаси: Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти бўлиб, бошқа одамнинг эркига қарши содир этилган, унинг тўқималари ва аъзоларининг анатомик яхлитлиги ёки физиологик вазифалари ташқи муҳит таъсири остида ёхуд айбдор томонидан жисмоний таъсир кўрсатиш билан ишдан чиқаришда ифодаланган соғлигига ҳуқуққа хилоф равишда зарар етказишни тушуниш мумкин.

Баданга шикаст етказишнинг объекти - жабрланувчи одамнинг соғлиғидир. Обьектив томондан жиноят ҳуқуққа хилоф равишда бошқа шахс соғлигига зарар етказишда ифодаланади. Баданга шикаст етказиш қуйидаги воситалар: жисмоний таъсир(механик, термик, электр токи ва бошқалар);

- баданга кимёвий ёки биологик фаол воситалар билан таъсир этиш;
- руҳий таъсир орқали амалга оширилиши мумкин.

Субъектив томондан баданга оғир шикаст етказиш айбнинг қасд шакли билан тавсифланади ва муайян ҳолатларга кўра, тўғри ёки эгри қасди билан етказилиши мумкин.

Баданга оғир шикаст етказишнинг белгилари қуйидагича бўлиши мумкин:

- кўриш қобилиятини йўқотиш;
- нутқни йўқотиш;
- эшитиш қобилиятини йўқотиш;
- руҳий касалга чалиниш;
- бирон-бир тана аъзосига оғир шикаст етказиш натижасида тана аъзосининг ишдан чиқиши;
- ҳаёт учун хавфлилик;
- баданга тузатиб бўлмас даражада хунук тан жароҳати етказиш ва бқ.

Жиноятнинг субъекти жисмоний соғлом ва ақли расо, вояга етган ҳар бир шахс ёки ҳарбий хизматчи ҳам бўлиши мумкин.

Шу билан бирга ЖК да кўрсатилганидек соғлиққа зарар етказувчи жиноятлар яъни, ЖК нинг 105-моддаси: Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, ЖК нинг 106 -моддаси: Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, ЖК нинг 107-моддаси: Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, ЖК нинг 109-моддаси: Қасддан баданга енгил шикаст етказиш, ЖК нинг 110 -моддаси: Қийнаш, ЖК нинг 111-моддаси: Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш жиноятлари ҳарбий хизматчилар томонидан ҳам содир этилишлари мумкин.

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар

112-модда. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш

Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, агар бу ҳаракат амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлса,

- энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваригача миқдорида жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

-Ўша ҳаракатлар ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилган бўлса,

- икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўлдириш билан қўрқитиш деганда, бошқа одамни ҳаётдан маҳрум қилиш учун ҳақиқатда билдирилган ниятни тушуниш мумкин.

Жисмоний зўрлик билан қўрқитиш деганда, айбдорнинг шахс соғлиғига зарар етказиш мақсадида жисмоний зўрлик ишлатишга оид ниятлари ошкора ифода этилиши тушунилади. Булар оғзаки, ёзма, телефон орқали, имо-ишоралар, қурол ёки унинг ўрнини босадиган воситалар ва бошқаларни кўрсатиш билан амалга оширилиши мумкин. Бу жабрланувчини бевосита ўзига ва унинг яқин қариндошлари ҳамда оила аъзоларига тўғридан-тўғри айтилиши ёки учинчи шахслар орқали етказилиши мумкин.

Шу билан бирга ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар яъни, ЖК нинг 113-моддаси: Таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиш, ЖК нинг 117-моддаси: Хавф остида қолдириш, яъни жабрланувчи шахсга ёрдам кўрсатмасдан ҳаётини хавф остида қолдириб кетиш ҳолатлари ҳам жиноят деб топилиб, буларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилади.

Жинсий эркинликка қаршии жиноятлар

118-модда. Номусга тегиш

Номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш

-уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш: Икки ёки бир неча шахсга нисбатан, такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан, ўлдириш билан кўрқитиб содир этилган бўлса,

- етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш: Ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш

- ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноятнинг объекти жабрланувчининг жинсий эркинлиги ёки жинсий дахлсизлигидир.

Жиноятнинг объектив томони зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилишда ифодаланади.

Номусга тегиш тарзидаги жинсий алоқа қилиш деганда, фақат табиий жинсий алоқани, яъни қарама – қарши жинсдан бўлган шахсларнинг қовушишида эркак жинсий аъзосининг аёл жинсий аъзосига аёлнинг эркига зид ҳолатда киритилишини, жабрланувчининг дефлорацияланиши (қизлик пардасининг бузлиши) тушуниш лозим.

Номусга тегиш оргазм (жинсий майл қондирилиши-қондирилмаслиги) ёки эякуляция (шахват жавҳари тўкилиши – тўкилмаслиги)дан қатъий назар, жинсий алоқа бошланган вақтдан оқ тугалланган жиноят, деб топилади.

Масалан, кийим – кечакни мажбуран ечиш ёки йиртиб ташлаш, зарба бериш ёки калтаклаш, бўғиш, боғлаб қўйиш, куйдириш, сирни ошкор қилиш билан қўрқитиш, алдов ва уйланишга ваъда қилиш, мастлиги ҳолатида, бир неча шахслар томонидан, оғир қийноққа солиш ва жабрланувчининг иродасини буғадиган бошқа шунга ўхшаш қилмишлардир.

119-модда. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш

Зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш,

- уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда содир этилган бўлса,

- ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бунда жиноятнинг объекти жабрланувчининг жинсий эркинлигидир. Жиноятнинг объектив томони эркакнинг аёл билан, аёлнинг эркак билан, аёлнинг аёл билан (лесбиянлик) ёки эркакнинг эркак билан (бесоқолбозлик), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб бошқа усулларда қондириш билан содир этилишидир.

120-модда. Бесоқолбозлик

Бесоқолбозлик, яъни эркакнинг эркак билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондириши,

- уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноятнинг объекти-нормал алоқа қилиш.Объектив томондан- эркакнинг эркак билан икки томонлама мутлақо ихтиёрий жинсий эҳтиёжини қондиришда ифодаланади. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади.Жиноят субъекти-фақат эркак шахслар бўлиб, бесоқолбозликнинг ҳар икки қатнашчисидир.

Шу билан бирга жинсий эркинликка қарши жиноятлар турларига ЖК нинг 121- моддаси. Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш жинояти ҳам киради. Жиноятнинг объекти- аёлнинг жинсий эркинлигидир.

Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар

Ушбу жиноятлар тури турли хилда бўлиб, булар: 122- модда. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш; 123-модда. Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш; 124-модда. Болани алмаштириб қўйиш; 125- модда. Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш; 126-модда. Кўп хотинли бўлиш; 127-модда. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш; 128-модда. Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш; 129-модда. Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш; 130-модда. Порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш; 131-модда. Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш; 132-модда. Тарих ёки маданият ёдгорликларини nobud қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш; 133-модда. Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш; 134-модда. Қабрни таҳқирлаш каби жиноятларни ўз ичига олади.

Шахсни озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар

Ушбу жиноятлар тури турли хилда бўлиб, булар: 135- модда. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш; 136-модда. Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш; 137- модда. Одам ўғирлаш; 138-модда. Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш; 139-модда. Тухмат; 140- модда. Ҳақорат қилиш каби жиноятларни ўз ичига олади.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар

Ушбу жиноятлар тури турли хилда бўлиб, булар: 141- модда. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш; 142- модда. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш; 143- модда. Хат ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш; 144- модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш; 145- модда. Виждон эркинлигини бузиш; 146- модда. Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш; 147- модда. Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг

амалга оширилишига тўсқинлик қилиш; 148- модда. Меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш; 149- модда. Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш каби жиноятларни ўз ичига олади.

Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар

Ушбу жиноятлар тури турли хилда бўлиб, булар: 150- модда. Урушни тарғиб қилиш; 151- модда. Агрессия; 152- модда. Урушнинг конун ва удумларини бузиш; 153- модда. Геноцид; 154- модда. Ёлланиш; Чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш, ёлланиш; 155- модда. Терроризм; 156- модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш каби жиноятларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар

Ушбу жиноятлар тури турли хилда бўлиб, булар: 157- модда. Давлатга хоинлик қилиш; 158- модда. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш; 159- модда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш; 160-модда. Жосуслик; 161-модда. Қўпоровчилик; 162-модда. Давлат сирларин ошкор қилиш 163- модда. Давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш каби жиноятларни ўз ичига олади.

Ўзгалар мулкни талон-тароғ қилиш

Ушбу жиноятлар тури хилда бўлиб, булар: 164- модда. Босқинчилик; 165- модда. Товламачилик; 166- модда. Талончилик; 167- модда. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан йўли билан талон-тароғ қилиш 168- модда. Фирибгарлик; 169- модда. Ўғрилик каби жиноятларни ўз ичига олади.

Ўзгалар мулкни талон-тароғ қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар

Ушбу жиноятлар тури хилда бўлиб, булар: 170-модда. Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш; 171- модда. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш; 172- модда. Мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш; 173- модда. Мулкни қасддан nobud

қилиш ёки унга зарар етказиш; 174- модда. Ахборотлаштириш қоидаларини бўзиш каби жиноятларни ўз ичига олади.

Иқтисодийёт асосларига қарши жиноятлар

Ушбу жиноятлар турли хилда бўлиб, булар: 175- модда. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш; 176- модда. Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш; 177- модда. Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш; 178- модда. Чет эл валютасини яшириш; 179- модда. Сохта тадбиркорлик; 180- модда. Сохта банкротлик; 181- модда. Банкротликни яшириш; 182- модда. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш; 183- модда. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш; 184- модда. Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш; 185- модда. Қимматбаҳо металллар, ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш; 185- модда. Рангли металллар, уларнинг парча ва резги чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш; 185-модда. Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш каби жиноятларни ўз ичига олади.

Шу билан бирга ЖК да хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар ЖКнинг 186-192- моддаларида, экология соҳасидаги жиноятлар ЖКнинг 193-204- моддаларида, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар ЖКнинг 205-241 моддаларида кўрсатиб ўтилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек ЖКнинг 210- моддаси. Пора олиш, ЖКнинг 211- моддаси. Пора бериш, ЖКнинг 212- моддаси. Пора олиш- беришда воситачилик қилиш жиноятлари ҳарбий томонидан ҳам кўплаб учрамоқда.

210- модда. Пора олиш

Пора олиш, яъни масабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахсни манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи

ёки воситачи орқали қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣй наф кўриши

- энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бароваридан юз бароваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш агарда жуда кўп миқдорда содир этилса – ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Ҳар қандай моддий қимматликлар: пул, хорижий валюта, қимматбаҳо буюмлар, қимматли қоғозлар, озиқ-овқат ёки саноат маҳсулотлари ва бошқалар пора предмети бўлиши мумкин.

211- модда. Пора бериш

Пора бериш, яъни масабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахсни манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга ҳилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣй манфаатдор этиш

- энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бароваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора бериш агарда жуда кўп миқдорда содир этилса – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

212- модда. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш

- энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бароваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш агарда жуда кўп миқдорда содир этилса

- беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Шу билан бирга ЖК да жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар: ЖКнинг 242-259-моддаларида, транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар ЖКнинг 260-269- моддаларида, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар ЖКнинг 270-276- моддаларида, жамоат тартибига қарши жиноятлар ЖКнинг 277-278-моддаларида белгилаб берилган. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек ҳарбий хизматчилар орасида ҳам турли хил алдов йўллари билан диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик оқимларига адашиб кириб қолиб жиноятлар содир этилиши ҳам учрамоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда бундай воқеалар тобора кўпроқ рўйхатга олинмоқда ва уларнинг ижтимоий хавфлилиги ортиб бормоқда.

244-модда. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш

- беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса-ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш жинояти ҳарбий хизматчилар орасида кўплаб учраб турадиган энг оғир жиноятлар ҳисобланади. Ўқотар қурол деганда барча турдаги жанговар, спорт ва ов

қуrolлари тушунилади. Ўқ-дорилар деганда, қуrol учун лозим бўлган ўқлар, артеллерия снарядлари, бомбалар, миналар, гранаталар, ракеталарнинг жанговар қисмлари ва бошқа ашёлар тушунилади.

249-модда. Ўқотар қуrol ёки ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш

Ўқотар қуrol ёки ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш одам ўлишига ёхуд бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса

- энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бароваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

273-модда. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек, уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек, уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш

- олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга ҳилоф равишда сотиш - ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

277-модда. Безорилик

Безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса


- энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар кўп миқдорда зарар етказиб, такроран, содир этилса - уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Безорилик - бу жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қодаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлари шахсни уриш- дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда nobud қилиш билан содир этилади.

Жамоат тартиби деганда, одамлар ўртасидаги муносабатларни, хавфсизлик ва фуқаролар тинчлигини таъминловчи, ўзгалар мулкани сақлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, жамоат ва давлат ташкилотлари, корхоналар муассасалар, ташкилотларнинг бир меъёردа ишлашини таъминлашга қаратилган ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларига асосланувчи тартибни тушуниш лозим.

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.



Ҳарбий жиноятлар деганда, ҳарбий хизматчилар томонидан, шунингдек, ҳарбий йиғинлар вақтида ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши содир этилган жиноятлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 7- бўлимида “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар” белгиланган бўлиб, у Ўзбекистон

Республикаси Қуролли Кучлари жанговар қобилияти ва ҳаётида, ҳарбий жамоада қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш ва ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.

Ҳарбий жиноятлар деганда, ҳарбий хизматчилар томонидан, шунингдек, ҳарбий йиғинлар вақтида ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши содир этилган жиноятлар тушунилади.

Ҳарбий хизматни ўташ тартиби – қўшинлар ҳаёти ва жанговар фаолияти жараёнида юзага келадиган муносабатлар бўлиб, улар қонунлар, ҳарбий қасамёд ва низомларда белгилаб қўйилган. Ушбу ҳужжатларда ҳарбий хизмат фуқароларнинг Конституциявий бурчи эканлиги, яккабошчилик ва ундан келиб чиқадиган тобе шахсларнинг бошлиққа сўзсиз итоат қилиши, ушбу муносабатлар субъектлари, ҳуқуқ ва эркинликларининг аниқ белгилаб қўйилиши каби ҳарбий ташкилот тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилган. Қуролли Кучлар, Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги ички ва қоровул қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар ҳарбий бўлинмаларининг ҳарбий хизматчилари, шунингдек, уларда ҳарбий йиғинларни ўтаётган шахслар ҳарбий жиноятларнинг субъекти бўла олади.

279-модда. Бўйсунмаслик.

Бўйсунмаслик, яъни буйруқни бажаришдан очикдан очик бош тортиш, шунингдек, буйруқни бошқа тарзда қасддан бажармаслик –

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади. Ўша қилмиш:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса;

б) оғир оқибатларга сабаб бўлса,—уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

280-модда. Буйрукни бажармаслик.

Буйрукни эҳтиётсизлик орқасида бажармаслик кўп микдорда зарар етказилиши ёки оғир оқибатларга сабаб бўлса, –икки йилгача хизмат юзасидан чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса,–беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

281-модда. Бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш.

Бошлиққа, шунингдек, ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажараётган бошқа шахсга қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур этиш,–икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш, ёхуд, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса;

б) оғир оқибатларга сабаб бўлса,–беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

282-модда. Бошлиқни қўрқитиш.

Жанговар вазиятда бошлиқни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, бундай ҳаракат амалга оширилиши учун етарли асослар мавжуд бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

283-модда. Баданга шикаст етказиш.

Бошлиқни дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш у ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ёки бажараётган вақтда содир этилган бўлса,-

уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш, ёхуд, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Баданга оғир шикаст етказиш, шунингдек, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса,-уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса,- етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

284-модда. Бўйсунувчининг ўз бошлиғини ёки бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақорат қилиши.

Бўйсунувчининг ўз бошлиғини, шунингдек, бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақорат қилиши шундай ҳаракатлар учун интизомий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,- икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

285-модда. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид низом қоидаларини бузиш.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид низом қоидаларини бузиш, яъни мунтазам ҳўрлаш, азоб бериш, соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган баданга енгил шикаст етказиш ёки ўртача оғир шикаст етказиш, қонунга ҳилоф равишда озодликдан маҳрум қилиш,- олти ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша ҳаракат:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса,

в) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса,-беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

286-модда. Мародёрлик.

Мародёрлик, яъни ҳалок бўлганларнинг ёки ярадорларнинг буюмларини жанговар вазиятда эгаллаш-беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.

287-модда. Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш.

Муддатли хизмат ҳарбий хизматчисининг ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, шунингдек, ҳарбий қисмдан қисқа муддатга рухсат берилганда, бошқа хизматга тайинланганда, ёки бошқа хизмат жойига ўтказилганда, хизмат сафаридан, отпускадан ёки даволаш муассасасидан узрли сабабларсиз бир кеча-кундуздан ортиқ, лекин ўн кеча-кундуздан кўп бўлмаган муддат давомида хизмат жойида ҳозир бўлмаслиги, шундай қилмишлар учун интизомий жазо чораси қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,—олти ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиси, офицерлар таркибидан бўлган шахс ёки ҳарбий хизматни контракт (шартнома) бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчининг ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, шунингдек, узрли сабабларсиз белгиланган муддатдан ўн кеча-кундуздан ортиқ, лекин бир ойдан кўп бўлмаган муддат давомида хизмат жойига етиб келмаслиги,—икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, хизматга белгиланган муддатдан узрли сабабларсиз бир ойдан ортиқ вақт ичида етиб келмаслик ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан содир этилган бўлса, — беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, муддатида қатъий назар,— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

288-модда. Дезертирлик.

Дезертирлик, яъни ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш,

шунингдек, шу мақсадда хизмат жойига етиб келмаслик, – беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш офицерлар таркибидан бўлган шахс ёки ҳарбий хизматни контракт (шартнома) бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчи томонидан содир этилган бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

289-модда. Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ташлаб кетиш.

Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ўз хизмат вазифаларини охиригача бажармаган командир томонидан, шунингдек, командирнинг тегишли фармойиши бўлмасдан кема командаси таркибидаги шахс томонидан ташлаб кетилиши - беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса,- ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

290-модда. Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш.

Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш, яъни ҳарбий хизматчининг ўз баданига бирон шикаст етказиш йўли билан, шунингдек, ўзини ёлғондан касалликка солиб, ҳужжатларини қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришдан бўйин товлаши ёки бу вазифаларни бажаришдан бош тортиши,- олти ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат жанговар вазиятда содир этилган бўлса,-беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

291-модда. Қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш.

Қоровул (соқчилик) хизмати низом қоидаларини қоровул таркибига кирган шахс томонидан зарарли оқибатлар келтириб чиқарадиган тарзда бузиш, башарти, мазкур қоровул бундай оқибатларнинг олдини олиш учун

тайинланган бўлса,-икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёхуд уч ойгача қамоқ ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади. Ўша қилмиш:

а) баданга оғир шикаст етказилишига;

б) одам ўлишига;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса,-беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, –ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

292-модда. Ички хизматни ўташ ёки гарнизонда патруллик қилиш қоидаларини бузиш.

Ички хизмат низоми қоидаларини, шунингдек, гарнизонда патруллик қоидаларини зарарли оқибатлар келтириб чиқарадиган тарзда бузиш, тегишли хизмат бундай оқибатларнинг олдини олиш учун тайинланган бўлса,-икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

293-модда. Жанговар навбатчиликни ўташ қоидаларини бузиш.

Жанговар навбатчиликни ўташ (жанговар хизмат) қоидаларини бузиш қўриқланаётган объектларга зарар етказилишига ёки жанговар топшириқ бажарилмай қолишига сабаб бўлса,- икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш Ўзбекистон Республикасига тўсатдан қилинган ҳужумни ўз вақтида пайқамаганлик ёки дафъ этмаганликда ифодаланса, шунингдек, оғир оқибатларга сабаб бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

294-модда. Чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиш.

Чегарачилар наряди таркибида бўлган шахснинг чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиши чегаранинг дахлсизлигига зарар етказиши мумкин бўлса,- икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача

интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмиш:

а) қонунга хилоф равишда чегарадан ўтишга;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса,—беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари

Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари ҳарбий бошқарув органларининг Қуролли Кучлар салоҳиятини мустаҳкамлаш манфаатларига мос келувчи, тўғри фаолиятига, ҳарбий бошлиқ ва мансабдор шахслар учун белгиланган хизмат вазифаларини амалга ошириш тартибига тажовуз қилади.

Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари ҳокимиятни суистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги ҳамда хизматга совуққонлик билан қараш жиноятларидан иборатдир.

301-модда. Ҳокимиятни суистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги.

Бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз ҳокимият ёки хизмат мавқеини суистеъмол қилиши, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиши, шунингдек, ҳокимият ҳаракатсизлиги Қуролли Кучларнинг мафаатларига, ҳарбий хизматчи бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган мафаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса,— уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиб, содир этилган бўлса,—беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса,— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса,-ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

302-модда. Хизматга совуққонлик билан қараш.

Бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИГА БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛАР.

Мамлакат иқтисодиётининг кучайиши ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоясини янада кучайишига олиб келади. “Бой мамлакатнинг аскари бақувват бўлур, аскари бақувват мамлакат бой бўлур”, - деб таъкидланган эди буюк саркарда, бобокалонимиз Амир Темур.

Президентимизнинг сўзлари билан айтадиган бўлсак, армиямизнинг бугуни ва келажагини ўйлаб қилаётган барча ишларимизнинг натижаси ва якуни сифатида ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда кун сайин обрў-эътиборли касбга айланиб бормоқда. Ишончимиз комилки, эзгу мақсадларимиз йўлида, тинчлигимиз ва осойишталигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида бошлаган ишларимизнинг меваларидан ҳали кўп тотамиз, негаки таъкидланганидек мақсаднинг, ниятнинг ўзи эзгуликка йўғрилган.

Миллий давлатчиликни шакллантириш, демократик ислохотларни амалга ошириш, ўтиш даврида иқтисодиётни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказиш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш ижтимоий муаммоларга алоҳида эътибор

беришни тақозо этади. Ўтиш даврида ижтимоий муаммолар ва зиддиятларнинг кескинлашуви миллий хавфсизликка, фуқароларнинг тинчлигига, барқарорликка таҳдид солувчи омилга айланди. Мана шулардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожлантиришнинг 5 тамойилини ишлаб чиққанида, Қуролли Кучларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини давлат томонидан ижтимоий ҳимояси масалалари ҳам эътибордан четда қолмади.

Ҳозирда мамлакатимиз ўз ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишининг муҳим босқичида турибди. XXI-аср бошида мамлакатимизни ривожлантириш бўйича Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган стратегик Дастурни амалга ошириш борасида фаол ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу дастурда бизнинг ислохотлар йўналишимизда яратувчанлик ва мудофаа масалалари мустақил Ватанни ҳимоя қилишга шайлик, иқтисодий тараққиётнинг юқори чўққиларига интилиш ва инсон ҳақида ғамхўрлик масалалари устувор аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 9-сессиясидан кейинги чиқишларида ва Ватан ҳимоячиларига байрам табрикларида гапириб ўтган энг муҳим йўналишларидан бири –ҳарбий хизмат нуфузини оширишдир, деб таъкидлаб ўтган эди. Ҳарбий хизмат нуфузини ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар комплексида муддатли ҳарбий хизматчиларининг мақоми, ҳарбий хизматчилар ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари, шунингдек давлатимиз томонидан уларга берилаётган имтиёзлар тизими муҳим ўринлардан бирини эгаллайди.

Ушбу масалалар моҳиятини муфассалроқ кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг «Ички хизмат Низоми»нинг 10-бандида «Давлат ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазасини кафолатлайди, уларга етарли ва муносиб турмуш даражасини яратиш, хизмат ва маиший шароитини яхшилаш бўйича чора-

тадбирларни амалга оширади», деб кўрсатилган. Ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий хизматга тайёргарликка жалб этилган даврдан бошлаб маълум имтиёзларга ва ижтимоий ҳимояга эга бўладилар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Ватан ҳимояси ўзгача мазмун ва моҳиятга ҳамда маънога эга бўлди, у ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг Конституцион бурчи ва шарафли ишига айланди. Республика ҳукумати ёшлардаги ҳарбий хизматга интилишни кучайтириш ва муддатли ҳарбий хизматчиларни янада рағбатлантириш мақсадида уларга ва оила аъзоларига қатор имтиёзлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрдаги 496-сонли Фармони билан муддатли ҳарбий хизматчиларнинг бир ойлик ҳарбий хизматлари икки ойлик меҳнат стажига тенглаштирилди.

Мазкур қарор бўйича муддатли ҳарбий хизматчининг хизмат муддати тугагач, олий ўқув юртлари ва ўрта махсус билим юртларига ҳарбий қисмдан тавсифнома берилганда кириш имтихонларида тўплаган умумий тест балларига 10 фоиз қўшиб берилиши кўзда тутилган эди.

2003 йил 22 май куни Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида» ги Қарори билан бу имтиёз 20 фоизга кўпайтирилди.

Ҳозирги кунда эса 2005 йил 31 октябрдан бошлаб 25 фоизга оширилди.

Ҳарбий қисм кўмондонлиги томонидан бериладиган олий ўқув юртига йўлланмалар уч йил давомида ўз кучига эга бўлади. Бу ўз ўрнида ҳарбий хизматни ўтаган йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга киришдаги имкониятларини янада оширди.

Давлатимиз муддатли ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига ҳам қатор имтиёзлар берди.

Фарзандлари муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида оила аъзолари ер солиғидан озод этиладилар. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, аҳолининг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда яшайдиган, деҳқончиликка асосланган ва

шахсий томорқа хўжалигига эга бўлган мамлакатимиз шароитида бу ҳарбий хизматчилар оилалари учун сезиларли енгиллик туғдириши табиийдир.

Почта хизматида 20 граммгача бўлган конвертларни почта орқали юбориш ҳам бепул қилиб белгиланди.

Ҳозирги кунда давлат томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғлиқларини сақлаш борасида ҳам кўпгина ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 1997 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида санатория-курорт таъминоти тўғрисида»ги буйруғи асосида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг дам олиши ва соғлиқларини тиклашликлари учун қулай шароитлар ташкил этилган.

Мудофаа вазирининг 1998 йил 17 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида медицина хизмати ва пул таъминоти тизимини такомиллаштириш» ҳақидаги 42-сонли буйруғи асосида ёпиқ ҳарбий гарнизонларда ҳарбий хизматчиларнинг (муддатли ҳарбий хизматчилар бунга кирмайди) оила аъзолари, хизматчилар, истеъфога чиққан ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, оламдан ўтган генераллар ва катта офицерларнинг хотинларига ҳарбий медицина муассасаларида медицина хизмати кўрсатиш белгиланган. Ҳарбий хизматчи фуқаро касалхоналарида даволанганида озиқ-овқат таъминоти амалдаги норма асосида ҳарбий хизматчилар озиқ-овқат таъминоти аттестати асосида амалга оширилади.

Ҳарбий хизматчиларнинг хизмат ерларидаги табиий қийинчилик, об-ҳавосининг оғирлиги ва уларнинг хизматчилар соғлигига таъсирини инобатга олиб, хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида Мудофаа вазирининг 1993 йил 3 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини табиий қийинчиликлар мавжуд бўлган зоналарда хизмати ҳақида»ги 111-сонли буйруғи асосида имтиёзлар берилди.

Мазкур буйруқ асосида Сурхондарё вилоятининг барча ҳудуди (Термез шаҳридан ташқари), Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Тахиатош

шаҳарлари, Жаслик, Майданак посёлкалари орасида бир йиллик хизмат муддати икки йилга, Қашқадарё вилоятининг Қарши, Таллимаржон шаҳарлари, Хонобод посёлкаси, Бухоро вилоятининг Когон шаҳри, Сурхондарё вилоятининг Термез шаҳри, Навоий вилоятининг Учқудук, Зарафшон шаҳарларида бир йиллик ҳарбий хизмат бир ярим йилга ҳисобланади. Хизмат таътили ҳарбий хизмат муддати қанчалигидан қатъий назар 45 кун қилиб белгиланди.

Барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар хизматлари давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги 498 - сонли Қарори асосида давлат томонидан суғурта қилинадилар. Қарорга мувофиқ, ҳарбий хизматчи хизмат билан боғлиқ ҳолда тан жароҳати олиб I-гуруҳ ногирони бўлиб қолган тақдирда республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 7 йиллик ҳисобининг 75 фоизи, 2- гуруҳ ногирони бўлиб қолган тақдирда 50 фоизи, III- гуруҳ ногирони бўлиб қолган тақдирда 30 фоизи, оғир турдаги жароҳати олганда 25 фоизи, енгил жароҳат олганда эса 10 фоизи миқдорида тавон пули тўланади.

Хизмат вазифасини бажараётганда оламдан ўтган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 7 йиллик ҳисобида тавон пули тўланадиган бўлди. Мудофаа вазирининг 1996 йил 4 июлдаги 152- сонли буйруғи асосида ҳарбий хизматчи хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган даврида ойлик пул таъминотининг 50 баравари миқдорида тавон пули тўланиш белгиланди.

Оғир тан жароҳати (яраланганда, контузия олганда, жароҳат ёки шикастланишда) олганда бир маротабалик нафақа:

- а) оғир тан жароҳати олганда - 25 ойлик пул таъминоти миқдорида;
- б) унча оғир бўлмаган тан жароҳати олганда - 10 ойлик пул таъминоти миқдорида тавон тўланади.

Ҳарбий хизматчиларни яшаш шароитларини яхшилаш масалалари ҳам доимо давлатимиз назорати остида турибди.

Мудофаа вазирининг 1994 йилдаги 192-сонли буйруғи асосида ҳар бир офицер уй-жой билан таъминланади ёки 1995 йил 16 августдаги 150-сонли буйруғи асосида ижарага уй олганлиги учун тавон пули тўланади.

Тавон пули миқдори Тошкент шаҳрида бир ойга энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробари миқдорида, бошқа шаҳарлар ва район марказларида энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида, бошқа аҳоли пунктларида энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробари миқдорида қилиб белгиланган.

Уч ва ундан кўп оила аъзоси бўлган ҳарбий хизматчиларга (ҳарбий хизматчини ўзини ҳисобга олмаган ҳолда) кўрсатилган тавон пули миқдорида 50 фоиз кўшимча тўланади.

Мудофаа вазирининг 1996 йил 23 февралдаги 37-сонли буйруғи асосида ташкилий контракт асосида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчиларга 1 йилдан 3 йилгача узлуксиз хизмат қилганларга штат даражасидаги ойлик иш ҳақларига 10 фоизи, 3 йилдан 5 йилгача меҳнат стажига эга бўлганларга 15 фоизи, 5 йилдан кўп меҳнат стажига эга бўлганларга 20 фоизи миқдорда кўшимча ҳақ тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 2005 йил 1-февралдаги 50-сонли буйруғи “ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 - октябрдаги 608 – сонли Фармони “ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчиларни уй-жой билан таъминлашини яхшилаш” тўғрисида.

Бунга асосан шаҳар ҳудудида уй- жой билан таъминланган ҳарбий хизматчилар заҳирага бўшатирилганларида уйлари доимий яшашлари учун қолдирилади. Ёпиқ ҳарбий шаҳарларда яшовчи ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар икки йил давомида бошқа уй – жой таъминланиши шарти билан олдинги уйлари топширишади.

Умумий 20 йил календар ҳисобида ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар заҳирага бўшатирилганларида, ёши бўйича, соғлиги сабабли

бўшатишганда, штатлар қисқартириш сабабли, 10 йиллик календар йили ва ундан ортиқ хизмат қилганлар Мудофаа вазирлиги томонидан доимий яшашлари учун уй-жой билан таъминланадилар.

Уй-жойлар дастлаб 5 йил ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларга вақтинчалик яшашлари учун гарнизон уй-жой комиссияси қарори билан берилади. Уй-жойларни вақтинчалик сақлаб (брон) қолишга – фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида хизмат шароитлари қийин ҳисобланган жойларга хизматга кетган ҳарбий хизматчиларгагина рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 2005 йил 1-апрелдаги 162-сонли буйруғи «Ҳарбий хизматчиларнинг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғларида ўлими ва тан жароҳатлари олиши ҳолатларида пул тўловларини тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани кучга киритиш ҳақида».

Ушбу буйруққа асосан ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий йиғинларга чақирилган ҳарбий мажбурларнинг ҳамда сафарбарлик чақируви резервигача чақирилган ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажараётганларида вафот этганда уларнинг оила аъзоларига 50 ойлик пул таъминоти миқдоригача ёрдам берилади. Агарда ҳарбий хизматчилар томонидан ҳар хил тан жароҳатлари олган вақтларида қуйидаги миқдорда пул таъминоти билан таъминланадилар.

-оғир тан жароҳати олганлар учун 25 ойлик миқдоригача пул таъминоти берилади;

-унча оғир тан жароҳати олганлар учун 10 ойлик миқдоригача пул таъминоти берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14-январдаги 257 – сонли Қарори “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида.

Ушбу Низомга асосан захирадан ёки резервдан кўнгилли тартибда ҳақиқий ҳарбий хизматга кирган офицерлар агарда шартнома асосида ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий хизмат даври 10 йил муддатга тенг бўлса хизматдан бўшатилаётганларида уларга кундузги олий ўқув юртида ўқиган

вақтлари бир ойлик ўқиш вақтлари – бир ойлик ҳарбий хизмат ҳисоби билан тенг ҳисобланади.

Бундан ташқари ҳарбий махсус мутахассислигига тўғри келган мутахассислик бўйича хизматгача ишлаган вақтлари ҳам бир ойлик иш вақтлари – бир ойлик ҳарбий хизмат ҳисоби билан тенг ҳисобланади.

Низомда барча ҳарбий хизматчилар учун дастлабки шартнома тузиш муддати 5 йил этиб белгиланди.

Хизмат жараёнида боқувчисини йўқотган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига уй-жойлар қонуний тартибда қолдирилади.

Шу билан бирга ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари бепул тиббий хизматдан фойдаланиб, дори-дармонлар ва бошқа тиббий хизматлар билан таъминланади.

Катта офицерлар оилалари (хотини, эри, вояга етмаган болалари 18 ёшдан юқори бўлган фарзандлари, 23 ёшгача кирган кундузги бўлимда ўқувчи фарзандлари) ҳарбий тиббий хизмат муассасаларида бепул тиббий хизматдан фойдаланадилар.

Бундан ташқари ушбу Низомда ҳарбий хизматчилар учун бир қанча ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда имтиёзлар берилган.

Муддатли ҳарбий хизматга олишда Мудофаа вазирининг 2003 йил 24 - мартдаги буйруғи билан ёшларни ҳарбий хизматга танлов асосида танлаб олиш йўлга қўйилди. Бундан мақсад Қуролли Кучларимизга жисмонан, соғлом ва руҳан етук ёшларни танлаб олишдир.

Танловда қақирилувчининг қуйидаги сифатлари инобатга олинади:

- соғлиги, билим даражаси, ақлий салоҳияти, ижтимоий ҳолати, жисмоний тайёргарлиги, руҳий-асабий ҳолати.

Қақирилувчининг билим даражаси унинг билим даражасига қараб белгиланса, ақлий салоҳияти эркин мавзуда баён ёзиш билан текшириб қўрилади.

ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВЛАР ҲУҚУҚИ

Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи

«Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқи» тушунчаси адабиётларда турлича номланади. Жумладан, «халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи», «қуролли тўқнашувлар пайтида қўлланиладиган халқаро гуманитар ҳуқуқ», «қуролли тўқнашувлар халқаро ҳуқуқи» ва бошқалар. Женева Конвенциялари матнларида эса «халқаро гуманитар ҳуқуқ» тушунчаси ишлатилади.

Ҳуқуқ фани шу пайтгача халқаро ҳуқуқнинг қуролли тўқнашувларда хатти-ҳаракатларни тартибга солувчи меъёрлар соҳасига таъриф берувчи ягона тушунчани ишлаб чиққани йўқ. Олимлар ўртасида унинг мазмуни борасида ҳам яқдиллик мавжуд эмас. Энг кўп тарқалган атамалар қуйидагилар: «уруш ҳуқуқи» (Ф. Бербер), «урушувчи томонлар зиммасига халқаро ҳуқуқ душманни бостириш воситаларини қўллаш борасида юклайдиган ҳуқуқий чекловлар», «халқаро ҳарбий ҳуқуқ» (Е. Барт), «ҳарбий асирлар, ярадорлар ва тинч аҳоли чекадиган азоб-уқубатларни минимумга» олиб келувчи ҳуқуқ, Л.Оппенгейм уни «уруш олиб боришга тегишли халқаро ҳуқуқ меъёрлари» сифатида тушунади. Д. Биндшедлер-Робернинг фикрича, «ушбу ҳуқуқий нормалар тизимини умуман аташ учун тўла асосли равишда уруш қонунлари» атамасидан фойдаланишда давом этавериш мумкин. И. Старке эса худди шу атама остида «халқаро ҳуқуқ томонидан ўрнатилган ва душманни енгиш учун куч ишлатиш имкониятлари доирасини белгиловчи чеклашлар»ни тушунади.

Ж. Пикте томонидан таклиф этилган «халқаро гуманитар ҳуқуқ» атамаси ҳозирча энг кўп қўлланиладиган атама ҳисобланади. Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг таърифига кўра, «халқаро гуманитар ҳуқуқ - бу халқаро ҳуқуқнинг шартномаларда белгиланган ёки удумларга асосланган меъёридир. Бу нормалар бевосита халқаро ва халқаро бўлмаган қуролли можаролар оқибатида юзага келадиган инсонпарварлик масалаларини ҳал этишга махсус йўналтирилган бўлади ҳамда инсонпарварлик мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда можародаги томонларнинг уруш олиб бориш усули ва воситаларини

тартибга солиб, уларни танлаш ҳуқуқини чеклайди ҳамда можаро зиён етказиши мумкин бўлган одамлар ва мол-мулкни ҳимоя қилади».

Халқаро гуманитар ҳуқуқ (ХГҲ) халқаро оммавий ҳуқуқнинг жамланган соҳаси сифатида XIX асрнинг 60-йилларида юзага келган бўлиб, уруш қилиш удумлари ва қонун қоидаларининг кўп асрлар давомида шаклланган ва сайқал топган қонуний маҳсулидир. Унда инсонпарварлик тафаккурининг энг яхши ютуқлари ўзини мужассам этган.

Уруш ҳаракатларини олиб боришга таъсир кўрсатувчи инсонпарварлик ғоялари юз йиллар давом этган ривожланиш йўлини босиб ўтди. Инсонларнинг зўравонликни чеклаш, меҳр-шафқатга шайлик, ярадор жангчиларга ёрдам кўрсатиш, асирларнинг қисматини енгиллаштириш ва жангда ҳалок бўлганларга нисбатан ҳурмат бажо келтиришга бўлган азалий интилишларини тасдиқловчи далиллар сақланиб қолган.

Инсонпарварлик ғояларининг вужудга келиши ва халқаро гуманитар ҳуқуқ шаклланишининг бутун мураккаблигини тасаввур қилиш учун баъзи тарихий мисолларга мурожаат қиламиз. Халқаро ҳуқуқ, шу жумладан халқаро гуманитар ҳуқуқининг моҳиятини тушуниб етиш, имкониятларини аниқлаш, самарадорлигини ошириш ва истиқболини билиш учун ўтмишни ўрганиш зарур.

Гуманитар ҳуқуқнинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Франция Конвентининг 1793 йил 23 августдаги «Қуrollанган миллат тўғрисида»ги декрети уруш таъсирини оммага қараб бурди ва «тўп еми» эрасини бошлаб берди. Бу декрет қабул қилиниши билан одамлар ва моддий кучлар тўлиқ сафарбар этиладиган оммавий урушларга навбат келди.

Ўз-ўзидан маълумки, бундай аҳволга жамият бефарқ муносабатда бўлиб қолавермаган. Бироқ, унга қарши амалий ҳаракатлар бошланишига XIX аср ўртасидагина туртки берилди.

Урушда инсонпарварлик қоидаларини бажаришга қаратилган ҳақиқий уринишлар Қизил Хоч пайдо бўлиши ва гуманитар ҳуқуқ тарихида илк бор универсал хусусиятга эга бўлган конвенциялар тузилиши билан бошланди. Бу

инсонпарварлик ташаббусларининг асоси энди иқтисод ёки тижорат билан боғлиқ бўлмай, балки раҳм-шафқат, олийжаноблик ва урушнинг беҳуда даҳшатларини фаол қоралаш руҳи билан суғорилган эди.

1859 йил июнида Пьемонт Франция билан иттифоқчиликда Италиянинг ҳали Габсбургларга қарам бўлган қисмини Австриядан тортиб олишга уринди. Қўшинлар 24 июнь куни Сольферинода (Шимолий Италия) тўқнашди. Қонга беланган ва ёнаётган Ломбардиядан ўтиб бораётган швейцариялик ёш тижоратчи Жан-Анри Дюнан жанг оқибатларининг шохиди бўлиб, қаттиқ изтиробга тушди. У минглаб ярадорлар қаровсиз ташлаб кетилганлигини кўриб даҳшатга тушди. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган бу бечоралар сўзсиз ўлимга маҳкум эди. Мана шундай қўрқинчли манзара таъсирида Қизил Хочни тузиш ғояси туғилди.

Маҳаллий аҳоли ва топилган тиббий нарсалар ёрдамида Дюнан ярадорларга ёрдам беришни ташкил этди. Бу ерда кўрганлари ҳақида оламни хабардор этишга қарор қилган Дюнан «Сольферино жанги ҳақида хотиралар» китобини чоп этди. Бу китоб бутун Европани ларзага солди ва ҳозирги замон журналистика репортажлари учун намуна бўлиб қолди. Ушбу китобда Дюнан армия санитар хизматлари камчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида тинчлик давридаёқ биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун кўнгиллиларни тайёрлашни ва жанг майдонида уларга бетарафлик мақомини беришни таклиф қилди.

Дюнаннинг бир неча тилларга таржима қилинган китоби бутун Европага тарқалиб ижтимоий онгни уйғотди ва одамлар фикрида ҳақиқий тўнтариш ясади. Женева шаҳар жамоатчилигининг бир қатор таниқли вакиллари мавжуд ҳолатни ўзгартириш зарурлигини тушуниб етганликлари ҳам муҳим ютуқ бўлди. Бу ишга ҳуқуқшунос, ҳукумат аъзоси ва «Ижтимоий манфаатларни рағбатлантириш Женева жамияти» раиси Г. Муанье бел боғлади. Ўзининг ташкилотчилик қобилиятлари натижасида у Дюнаннинг ғояларига ҳаёт бағишлади. «Женева жамияти» Комиссия тузди. Унинг таркибига Муанье ва Дюнандан ташқари яна 3 нафар швейцариялик фуқаро кирди.

Ушбу комиссия 1863 йил феввалида ўзини «Ярадор жангчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро ва доимий қўмита», деб эълон қилди. Шу йилнинг ўзида Женева шаҳрида чақирилган халқаро анжуман муваффақиятли бўлди: 16 мамлакатдан келган 62 вакил, шу жумладан ҳарбий шифокорлар, Қизил Хоч ҳаракатининг асосини ташкил этувчи қуйидаги қарорларни қабул қилдилар:

- ҳар бир мамлакатда шу мамлакат ҳукумати томонидан тан олинган ярадорларга ёрдам кўрсатиш қўмитасини ташкил этиш;
- Женеванинг марказий ўрнини тан олиш;
- Қизил Хоч фарқловчи эмблемасини тан олиш ва уни қабул қилиш.

Қизил Хоч ташкил этилган 1863 йилда даҳшатли фуқаролар уруши гирдобиди бўлган Америка Қўшма Штатлари инсонпарварлик хусусиятига эга бўлган «Қўшма Штатлар армиясига жанг майдонларида қўмондонлик қилиш учун йўл-йўриқлар» мажмуини қабул қилди. Йўриқнома лойиҳасини Америка Қўшма Штатларининг Колумбия университети профессори, ҳуқуқшунос олим Ф. Либер дастлабки жангларнинг шафқатсизлигидан изтиробга тушган президент Авраам Линкольннинг (1809-1865) илтимосига биноан ишлаб чиққан эди. Кейинчалик «Либер Кодекси» номини олган бу ҳужжат XVIII аср мутафаккирларининг ғоялари билан суғорилган бўлиб, унинг асосида уруш олиб бориш усуллари муайян қоидаларга мувофиқ келгандагина қонуний бўла олади, деган фикр ётар эди. Бу ҳужжат фақат бир мамлакатга хос бўлсада, қуроли моjarоларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишга ўз таъсирини кўрсатди.

1864 йилда Швецария Федерал Кенгаши 25 давлатга бир йил аввал анжуманда қабул қилинган қарорларни шартнома шаклида тасдиқлаш учун вакил юбориш ҳақида таклифнома жўнатди. 1864 йилдаги Конференциянинг "Ҳаракатдаги армияларда ярадор ва бемор аскарларнинг қисматини яхшилаш тўғрисида" 1864 йил 22 августдаги Женева конвенциясида тасдиқланган қарорларига киритган энг муҳим қарорларидан бири «қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар» ярадорларни жанг майдонидан олиб кетиш ва ёрдам кўрсатиш мажбурияти мустаҳкамланганлиги бўлди. 1864 ва 1907 йиллар

орасидаги давр мобайнида бу конвенция 57 давлат томонидан эътироф қилинди. Бу эса ўша давр учун мислсиз кўрсаткич эди.

Шундай қилиб, қуrolли можароларга оид ҳуқуқ халқаро асосга эга бўлди. Бундан буён у фақат умумий хусусиятга эга удумлар ва урушувчи томонлар ўртасида деярли дала шароитларида тузилувчи икки тарафлама шартномалар маҳсули эмас, балки ҳар қандай можарога нисбатан қўллаш кўзда тутилган кўп томонлама конвенцияларда мустаҳкамланган ҳуқуққа айланди. Кейинчалик ҳомийлик остига олинган шахсларнинг алоҳида тоифаларини ҳимоя қилишга, шунингдек, баъзи қуrol турларидан фойдаланишни чеклашга қаратилган бошқа конвенциялар ҳам қабул қилинди.

Қуrolли тўқнашувлар ҳуқуқининг моҳияти

Қисқача айтганда халқаро гуманитар ҳуқуқининг моҳияти қуйидагилардан иборат:

- уруш ҳаракатларида қатнашмаётган ёки қатнашишни тўхтатган шахсларга ҳужум қилиш тақиқланади;
- комбатантлар ва фуқаро шахсларни фарқламай жароҳатлайдиган қуrolларни, шунингдек кишиларга мислсиз азоб-уқубат ёки шикаст етказадиган қуrol ва урушиш усуллари қўллаш тақиқланади.

Халқаро гуманитар ҳуқуқнинг бир-бири билан жипс боғланган, лекин ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан нисбатан мустақил ушбу меъёрий соҳалари ўз ифодасини асосан Женева ва Гаага конвенцияларида топгани сабабли улар тегишли равишда «Женева ҳуқуқи» ва «Гаага ҳуқуқи» номларини олган.

Қуrolли тўқнашувлар ҳуқуқининг асосий тамойиллари

Қуrolли тўқнашувлар пайтида қўлланиладиган гуманитар ҳуқуқнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат :

- ҳарбий зарурият, яъни ҳарбий мақсадга эришиш учун фойдаланиладиган ҳатти-ҳаракатлар уларни қўллаш мумкинлигини оқлаш доирасидагина амалга оширилиши кераклиги;

- инсонпарварлик; яъни ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлар пайтида ҳам инсон ва унинг ор-номуси, кадр-қиммати масалалари диққат марказида бўлиши ҳамда ҳурмат қилиниши зарурлигининг талаб қилиниши;

- қуроллар ва уруш олиб бориш усуллари танлаш эркинлигининг чекланганлиги;

- душманга қарши ишлатилаётган уруш воситалари ва қуролларнинг кўрсатилаётган қаршиликка мутаносиб бўлиши зарурлиги;

- комбатантлар ва комбатант бўлмаганларни бир-биридан фарқлаш, яъни ҳужум фақат комбатантларга қарши амалга оширилиши мумкинлиги.

Умуман олганда уруш ҳуқуқининг мақсади уруш келтирадиган азоб-уқубатларни имкон қадар чеклаш ва енгиллаштиришдир. Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқи жанговар вазифа ва вазиятдан келиб чиқувчи ҳарбий заруриятни инсонпарварлик талаблари билан келиштиришга ҳаракат қилади. «Ҳарбий зарурият» биринчидан, уруш ҳуқуқи орқали тақиқланмаган ва, иккинчидан, душман устидан устунликни таъминлаш учун зарур бўлган ҳаракатларни оқловчи тамойил ҳисобланади. Ҳарбий зарурият тамойилини уруш ҳуқуқини бузишга имкон берувчи восита сифатида кенгайтирилган ҳолда талқин қилиш мумкин эмас.

**Женева Конвенциялари 1949 йил 12 августда
Женева шаҳрида қабул қилган**

1-чи Женева Конвенцияси

«Ҳаракатдаги армияларда
ярадорлар ва беморлар қисматини
яхшишлаш тўғрисида»

2-чи Женева Конвенцияси


«Ярадорлар беморлар ҳамда
денгиздаги Қуролли Кучлар
таркибида бўлиб, кема ҳалокатига
учраган шахслар қисматини яхшилаш
тўғрисида»

3-чи Женева Конвенцияси

«Ҳарбий асирларга муомала
қилиш тўғрисида»

4-чи Женева Конвенцияси

«Уруш вақтида ҳарбий бўлмаган
аҳолини ҳимоялаш тўғрисида»



Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқининг баъзи асосий тушунчалари

Комбатант тушунчаси (французча – жангчи, аскар) қуролли кучлар таркибига кирувчи ва ҳарбий ҳаракатларида бевосита қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахсни англатади. Булар Ички ишлар Қўшинлари, Чегара Қўшинлари ва Махсус Қўшинларни ўз ичига олган қуролли кучларнинг ҳарбий кийим кийган ҳолда жанговар ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган аъзоларидир. Лекин ҳарбий кийим кийган ва ҳарбий хизматни бажараётган кишиларнинг ҳаммаси ҳам комбатант бўлавермайдилар.

КОМБАТАНТЛАР - Қуролли Кучларнинг шахсий таркиби бўлиб, урушда бевосита иштирок этадиган, уруш қонуни ва қоидаларига риоя қиладиган, ҳарбий кийим, таниш белгилар ва ошқора қурол олиб юрадиган ҳарбийлардир.

«Комбатант» атамасини фақат халқаро қуролли можаро мазмунида ишлатиш мумкин. Мунтазам қуролли кучларнинг шахсий таркиби (тиббий, диний ва интендантлик хизмати ходимлардан ташқари), шунингдек, кўнгиллилар қўшини, партизанлар отрядлари шахсий таркиби, агар улар қуйидаги талабларга жавоб берса, комбатантлар ҳисобланади:

- ўз қўл остидагилар учун маъсулиятни зиммасига олган раҳбарга эга бўлишса;
- аниқ ва узоқдан кўринадиган алоҳида фарқловчи белгига эга бўлишса;
- қурол-яроғини очик олиб юришса;
- ўз хатти-ҳаракатларида урушнинг қонун-қоидалари ва удумларига амал қилишса.

Комбатантлар уларни фуқаро шахслардан ажратиб турадиган юқоридаги белгиларга, одатда муайян бичимда тикилган кийим-кечакка эга бўлишлари шарт. Бироқ баъзан ҳарбий вазият бунга имкон бермаган пайтда улар:

а) ҳар бир жанг пайтида;

б) душман кўз ўнгида жанговар тартибга ўтиш пайтида, яъни, бошқача айтганда, ҳужум бошланадиган позициялардаги хатти-ҳаракатларида қуроолларни очиқ олиб юришлари билан комбатант мақомини сақлаб қоладилар.

Қуроолли можаро олиб борилаётган пайтда ҳали босиб олинмаган ҳудуднинг аҳолиси душман яқинлашиб келаётгани туфайли уларнинг ҳужумини қайтариш мақсадида стихияли ва оммавий тарзда қўлига қурол олган, аммо қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатининг ташкилий тузилмаларига айланиб улгурмаган ёки мунтазам қуроолли кучларга қўшилишга улгурмаган пайтда, улар:

а) қуроолларини очиқ олиб юрсалар

б) қуроолли тўқнашувлар қоидаларига риоя қилсалар комбатантлар, деб ҳисобланадилар.

Ҳарбий нокомбатантлар – қуроолли кучлар шахсий таркибига кирувчи баъзи тоифадаги кишилар ҳам борки, улар комбатант ҳисобланмайдилар. Уларга энг аввало қуроолли кучлардаги тиббиёт ходимлари, диний ходимлар киради. Улар (шунингдек, уларнинг муассасалари, жиҳозлари ва транспорт воситалари) Женева Конвенцияларининг ҳимояси остида турадилар. Уларни ҳарбий асирга айлантириш мумкин эмас. Душман тасарруфига тушган пайтларида ҳам уларга ўз фаолиятлари билан шуғулланишга рухсат берилиши керак. Бунга оид қоидалар I Женева Конвенциясининг 19, 24, 35, 36-моддаларида, II Женева Конвенциясининг 22, 27, 36, 37- моддаларида акс эттирилган.

КОМБАТАНТ БЎЛМАГАНЛАР - жанговар ҳаракатларда иштирок этмайдиган шахслар, хусусан, ҳарбий бўлмаган шахслар, тиббий ходимлар, руҳонийлар, беморлар, ярадорлар ва асирлардир

Худди шунингдек, ҳарбий журналистлар, ҳарий таъминотчилар ва маиший хизмат ходимлари ҳам комбатант ҳисобланмайдилар. Улар ўзлари тегишли бўлган ҳарбий маъмурлардан уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжат ва шахсини тасдиқловчи гувоҳномага эга бўлишлари керак. Бу ҳақдаги қоида I Қўшимча Протоколнинг 79-моддаси ва мазкур Протоколнинг II иловасида акс эттирилган.

1949 йилда қабул қилинган IV Женева Конвенциясининг 4-моддаси ва I Қўшимча Протоколнинг 50-моддасига мувофиқ қуроли кучлар таркибига кирмайдиган ва ички сабаблар туфайли вужудга келадиган оммавий қуроли чиқишларда қатнашмайдиган ҳар қандай киши **фуқаро шахс** саналади.

Фуқаро шахслар қуроли тўқнашувлар ҳуқуқининг ҳимоясида бўладилар. Аммо улар жанговар ҳаракатларда бевосита иштирок этсалар мазкур ҳимоядан маҳрум бўладилар. Кишининг фуқаро шахс эканлигига шубҳа туғилган тақдирда, токи унинг шахси аниқлангунга қадар у фуқаро шахс, деб ҳисоблаб турилиши керак. Тинч аҳолининг орасида айрим комбатантларнинг мавжуд бўлиши уларни фуқаро шахсларга тегишли бўлган ҳимоядан маҳрум қила олмайди.

Ёлланма аскарлар – қуроли тўқнашувда ўз фойдасини кўзлаб қатнашадиган шахслар ёлланма аскарлардир. Одатда улар урушаётган давлат мунтазам армиясининг ҳарбий хизматчилари бўлмайди ва тўқнашувда иштирок этмаётган бирон-бир давлатнинг топшириғи билан хизмат вазифаларини бажармайди. Қисқароқ қилиб айтганда, ёлланма аскар ҳарбий тўқнашувда ўзига фойда олиш мақсадида жанг қилиш учун махсус жалб этилган шахсдир.

Жосуслар – булар яширинча ёки алдов йўли билан ҳаракат қилиб, душман назоратидаги ҳудудда ахборот тўплайдиган шахслардир. Ёлланма аскарлар ва жосуслар комбатантлик ва ҳарбий асирлик мақомини ололмайдилар.

Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи ҳимоясидан фойдаланувчи шахслар жумласига ҳарбий асирлар, ярадорлар, беморлар, тиббиёт ходимлари (ҳарбий ёки ҳарбийлигидан қатъий назар), ҳарбий руҳоний ходимлар ва фуқаро

шахслар киради.

Ҳарбий ва ҳарбий бўлмаган руҳоний ходимлар – фақат диний вазифаларни бажариш билан банд бўлган ҳамда қуролли кучлар, фуқаро муҳофаази ташкилотлари ёки диний ташкилотлар ихтиёридаги шахслардир. Тегишли шахслар ва объектларнинг тиббӣ ёки руҳонӣ мақоми уларнинг қомбатантлар ёки ҳарбий объектларга мансуб бўлишини истисно этади.

Ҳарбий асирлар – булар душман қўлига тушиб қолган қомбатантлардир. Булардан ташқари қуйидаги тоифаларга қирувчи шахслар ҳарбий асирлар мақомини олиш ҳуқуқига эга: қуролли кучларга ҳамроҳ бўлиб бораётган, аммо унинг тарқибига қирмаган шахслар (уларга ҳарбий маъмурлар томонидан намунадагидек шахсини тасдиқловчи гувоҳнома берилган бўлса); душман яқинлашиб қелаётгани туфайли уларнинг ҳужумини қайтариш мақсадида стихияли ва оммавий тарзда қўлига қурол олган, аммо қаршилиқ қўрсатиш ҳаракатининг ташқилий тузилмаларига айланиб улгурмаган ёки мунтазам қуролли кучларга қўшилишга улгурмаган қўнгиллилар қўшини; партизанлар отряди жангчилари; ўз қомандирларига эга бўлган, қуролли тўқнашувлар ҳуқуқи талабларини бажарадиган, танитиш белгиларига ёки ҳарбий қийимга эга бўлган ва ошқора қурол олиб юрадиган қўнгилли милиция отрядлари аъзолари..

Ярадор ва беморлар – булар шикастланиши, қасаллиги ёки бошқа жисмонӣ ёхуд руҳӣ қамчилиги, ногиронлиги туфайли тиббӣ ёрдамга ёки парваришга муҳтож бўлган ва бирон-бир душманлик ҳаракатларидан ўзини тийиб турган ҳарбийлар, шунингдек, ҳарбий бўлмаган шахслардир.

Кема ҳалокатига учраганлар – булар денгизда ёки бошқа сувларда ўзлари, кема ёки учиш аппарати бахтсиз ходисага учраши натижасида ҳатар остида қолган ва бирон-бир душманлик ҳаракатларини қилмайдиган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ҳарбий бўлмаган шахслардир. Бу шахслар қутқарув операциялари тамом бўлгунча кема ҳалокатига учраганлар мақомини сақлаб қоладилар.

Ҳарбий бўлмаган шахслар – бу қуролли кучларга мансуб бўлмаган ва ҳар қандай душманлик ҳаракатларидан ўзини тийиб турувчи ҳар қандай

шахсдир.

«Харбий объект» ва «фуқаро объекти» тушунчалари

Қуrolли тўқнашувлар ҳуқуқига мувофиқ агарда объектлар ҳарбий ҳисобланадиган бўлса, улар ҳужум объекти бўлиши мумкин. Қуйидаги объектлар ҳарбий объектлар ҳисобланади:

а) қуrolли кучларни ташкил этувчи кишилар ва асбоб-анжомлар (тиббиёт ва диний ходимлар ва уларнинг жиҳозлари бундан мустасно);

б) қуrolли кучлар ёки уларнинг жиҳозлари жойлашган муассасалар, бинолар ва жойлар (масалан, ҳарбий хизматчилар ётоқлари, омборлар, қуrolли кучлар тўпланадиган жойлар, позициялар);

в) бошқа объектлар, агар улар:

ўзларининг характери, жойлашуви, мақсади ёки фойдаланилиши билан ҳарбий операцияларда муҳим роль ўйнаса ва уларнинг қисман ёки тўлиқ яқсон қилиниши, қўлга киритилиши ёки нейтрализация қилиниши (яъни зарарсизлантирилиши) шак-шубҳасиз ҳарбий устунликни таъминласа (I Қўшимча Протоколнинг 52 (2) -моддаси).

Шундай қилиб, армияга мўлжалланган ҳар қандай жиҳоз, стратегик аҳамиятга молик коммуникациялар (алоқани амалга оширувчи ҳар қандай йўллар, озиқ-овқат транспорти) ва фуқаро аҳолиси кўчирилган ва комбатантлар томонидан эгалланган фуқаро бинолари ҳарбий объект саналади.

Ҳарбий объектда фуқаро шахслар мавжуд бўлса ҳам у ҳарбий объектлигича қолаверади. Фуқаро шахслар бундай объектларда ёки унинг яқинида бўлишлари билан ўзларини хавф-хатарга қўядилар.

Фуқаро объекти. Қуrolли можаролар ҳуқуқида ҳарбий объект саналмайдиган ҳар қандай объект «фуқаро объекти» ҳисобланади. Хусусан, Женева Конвенцияларига I Қўшимча Протоколнинг 52 (1)-моддасида юқорида келтирилган таъриф берилган.

Шуни эътиборга олиш керакки, одатдаги шароитларда фуқаро объекти бўлган объектлар ҳарбий ҳолат шароитларида ҳарбий объектларга айланиши мумкин (масалан, яшаш жойи ҳисобланмиш уй ёки кўприклар ҳимоячилар

томонидан фаол фойдаланилса, улар ҳарбий объектлар ҳисобланади ҳамда ҳужум объектига айланадилар).

I Қўшимча Протоколнинг 52 (1)-моддасига мувофиқ одатда фуқаро объекти ҳисобланган объектнинг (масалан: саждагоҳлар, мактаблар, кўприклар, турар жойлар ва шу кабиларнинг) ҳарбий объект эканлиги ёки бундай эмаслигига шубҳа туғилган тақдирда уларни фуқаро объекти деб ҳисоблаш лозим.

Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқига мувофиқ комбатантнинг жангдаги хатти-ҳаракат қоидалари

Мазкур кўрсатмалардан взвод ёки бошқа ҳарбий бўлинмаларнинг қуролли тўқнашувлар ҳуқуқи бўйича тайёргарлик кўришида фойдаланиш мумкин. Булар :

1-қоида. Ҳужум фақат ҳарбий объектларга қаратилган бўлиши керак ва ҳимоя мақомига эга бўлган объектлар ва шахсларга қаратилмаслиги керак. Ҳужум ҳарбий объектларга қаратилган бўлишини таъминлаш мақсадида разведка маълумотларини тўплаш вақтида ушбу объектларнинг характерини аниқ белгилаб олиш учун иложи бўлган ҳамма чоралар кўрилмоғи керак.

2-қоида. Мутаносиблик тамойили ҳамма вақт қўлланилмоғи керак, яъни ҳужум қилишда кўрсатилаётган қаршилиқни енгишга мос келувчи қуроллар ишлатилиши керак, зарур бўлганидан ортиқча куч ишлатиш ман қилинади.

3-қоида. Тинч аҳоли орасида террорни ўз олдига мақсад қилиб қўядиган ҳар қандай ҳаракатлар ёки таҳдидлар тақиқланган. Тинч аҳоли омон қолиши ва яшаши учун ҳаётий зарур бўлган объектларга ҳужум қилиш ва уларни йўқ қилиш мумкин эмас.

4-қоида. Танламай дуч келган жойга ҳужум қилиш тақиқланади. Дуч келган жойга ҳужум қилиш деганда қуйидагиларни тушунмоқ керак:

махсус ҳарбий объектларга қаратилмаган ҳужум;

муайян ҳарбий объектларга қаратилиши мумкин бўлмаган жанг усуллари ҳамда воситаларидан фойдаланиладиган ҳужум.

5-қоида. Тиббиёт муассасалари ва касалхоналар ҳимоя мақомидан

фойдаланадилар. Касалхоналар, тиббиёт муассасалари, ярадорларни эвакуация қилиш учун фойдаланиладиган транспорт воситаларига ҳужум қилиш ман қилинган, яъни улар ҳимоя мақомига эга. Шунинг учун улардан фақат тиббиёт ва гуманитар мақсадлардагина фойдаланиш керак. Улар Қизил Хоч ёки Қизил Ярим Ойнинг махсус эмблемалари билан белгиланган бўлиши керак.

6-қоида. Тиббиёт ходимлари ҳужум объекти бўлмаслиги керак. Бу ходимлар Қизил Хоч ёки Қизил Ярим Ой белгисини кийимида тақиб юриши ва ўзининг тиббиёт ходимларига мансублигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлиши керак.

7-қоида. Ўз бурчини бажараётган ҳарбий руҳонийлар ҳужум объекти бўлмаслиги керак.

8-қоида. Беморлар ва ярадорларга, уларнинг ҳарбий ёки ҳарбий эмаслигидан қатъий назар, ҳужум қилинмаслиги керак. Бироқ, улар қаршилиқ кўрсатиш ва ўт очишни давом эттирсалар, қонуний нишонга айланадилар.

9-қоида. Хавфли кучларни ўзида тутиб турувчи объектлар (атом электр станциялари, дамбалар, тўғонлар) ҳужумга учрамаслиги керак, жиддий хавф туғилган ҳоллар бундан мустасно.

10-қоида. Тарихий, маданий, диний кадр-қимматга эга бўлган объектларга ҳужум қилинмаслиги керак. Борди-ю душман бундай биноларга кириб олган бўлса, уларга қарши ҳужумни бошлашдан олдин бошлиқнинг буйруғини олиш лозим.

11-қоида. Қуршаб олинган душман йўқ қилиб ташланмаслиги керак. Асир олинмасин, деган буйруқ жиддий ҳарбий жиноятдир.

12-қоида. Мудофаа қилинмайдиган жойлар ёки бетараф ҳудудлар ҳужумга учрамаслиги керак. Мудофаа қилинмайдиган ҳудуд – қуролли кучлар бўлмаган ва ҳарбий мақсадларда фойдаланилмаётган ҳар қандай ҳудуддир.

13-қоида. Фуқаро мудофааси бўлинмаларининг шахсий таркибига ҳужум қилиниши мумкин эмас ва уларга ўз ишини бажаришда давом этиш имконияти берилиши керак. Фуқаро мудофааси ходимлари – комбатант ёки жанговар ҳаракатларда қатнашаётганлар эмас балки гуманитар вазифаларни бажараётган

шахслардир.

14-қоида. Десант бўлиб тушаётган қўшинлар ўққа тутилиши мумкин, лекин уриб туширилган жанговар учиш аппаратининг парашютда тушаётган учувчилари ва экипажи ўққа тутилиши мумкин эмас. Уриб туширилган учиш аппаратини тарк этаётган учувчилар ва экипажга асир тушиш имконияти берилиши керак.

15-қоида. Оқ байроқ кўтарган парламентёрлар ўққа тутилиши мумкин эмас. Бироқ, музокаралар олиб бориш ниятининг белгиси бўлган оқ байроқ ҳамма вақт ҳам асирга тушиш истагини билдиравермайди.

Жанг майдонида ўзини тутишнинг асосий қоидалари

Бу қоидалар энг зарур қоидалар бўлиб, уларни барча комбатантлар онгли равишда тушунишлари, билишлари ва қўллашлари шарт.

Булар қуйидагилар:

- фақат комбатантларга қарши жанг қилинг;
- фақат ҳарбий объектларга ҳужум қилинг;
- фуқаро аҳоли ва уларнинг мол-мулкини асранг, ҳурмат қилинг ва ҳимоя қилинг;
- жанговар вазифа талаб қилганидан ортиқча вайронагарчиликка йўл қўйманг;
- ярадор ва бемор комбатантларни, у ўзингиз томондан ёки душман томонидан бўлишидан қатъи назар, жанг майдонидан олиб чиқинг ва ёрдам кўрсатинг;
- асир олинган комбатантлар билан инсоний муносабатда бўлинг, уларни зўравонлик ва ўч олиш ҳаракатларидан ҳимоя қилинг;
- Қизил Хоч ёки Қизил Ярим Ой эмблемаси, ёхуд бошқа ҳимоя белгилари бўлган кишиларга, транспорт воситаларига ва жиҳозларга ҳужум қилманг.
- ҳаддан ортиқ азоб-уқубат ва вайронагарчилик етказишдан сақланинг.

Душманнинг асирга олинган комбатантларига муносабат:

- уларга раҳм қилинг;
- уларни қуролсизлантиринг;

- уларга нисбатан инсонпарвар муносабатда бўлинг ва ҳимояланишини таъминланг;

- уларни ўз командирингизнинг олдига олиб боринг.

Душмanning ярадор комбатантларига муносабат:

- уларни жанг майдонидан топинг ва хавфсиз жойга олинг;

- уларга зарур бўлган дастлабки тиббий ёрдамни кўрсатинг. Уларни аҳолининг қизиқиши ёки бошқа хавф-хатарлардан ҳимоя қилинг;

- уларни ўз командирингизга олиб боринг

- ёки энг яқин тиббиёт пунктига олиб боринг;

Фуқаро аҳолига муносабат:

- уларга ҳурмат билан муносабатда бўлинг;

- сизнинг ҳукмингиз остида бўлганларга инсоний муомала қилинг;

- уларни ёмон муносабатдан ҳимоя қилинг. Қасос олиш ва гаровга олиш тақиқланганлигини эсингиздан чиқарманг;

- уларнинг мол-мулкини эҳтиёт қилинг. Уларга зарар етказманг ва кафандўздлик (мародёрлик) қилманг.


Алоҳида фарқловчи белгилари бўлган кишилар ва объектларга ҳурмат билан муносабатда бўлинг ва шундай белгиси бўлган қурилма ҳамда жиҳозларни эҳтиёт қилинг. Булар:

Ҳарбий ва фуқаровий тиббий хизмат ва диний ходимлари, уларга тегишли асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, касалхона ва госпиталлар:


ФАРҚЛОВЧИ БЕЛГИЛАР





Ҳарбий ва фуқаровий тиббий хизмат ва диний ходимларни англатади.



ФУҚАРО МУДОФААСИ






ЁДГОРЛИКЛАР, САЖДАГОҲЛАР, МУЗЕЙЛАР.




Хавфли кучларни тутиб турувчи қурилма ва иншоотлар:

Тўғонлар, дамбалар (кўтармалар), атом электр станциялари, уларнинг компонентларини ташувчи транспорт воситалари.



ОҚ БАЙРОҚ

(сулҳ тузиш ёки таслим бўлиш ҳақида келишиш учун юборилувчи элчилар, парламентёрлар байроғи).



Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқини жиддий бузганлик учун халқаро даражада жавобгарликка тортиш

Умуман олганда уруш ҳуқуқи қоидаларини бузганлик учун жазолашга азалдан анъанавий равишда давлатларнинг ички иши сифатида қараб келинган. Фақат XIX асрдан бошлаб давлатларнинг ички қонунчилик тизимлари асосида халқаро тизим шакллана бошлаган. Аммо бу халқаро гуманитар ҳуқуқ бузилишида қўлланиладиган санкцияларнинг халқаро ҳужжатларга киритилишига олиб келмади. Масалан, 1863 йил 23 апрелда қабул қилинган Ф. Либернинг АҚШ қуролли кучларига Йўриқномасида уруш ҳуқуқи бузилганда айбдор аскарлар ёки асирга тушганлар душман бўлишидан қатъий назар АҚШ қуролли кучларига тегишли суд орқали жазога тортилиши керак, дейилган.

Улар биринчи марта 1899 йилги Гаага Конвенцияларида тартибга келтирилди ва мустаҳкамланди. 1907 йилги Гаага Конвенцияси эса уларни янада ривожлантиришга ҳисса қўшди.

Ана шу мураккаб вазиятни ечиш, шунингдек, давлатни судга тортиб бўлмаслигидан келиб чиқиб, алоҳида жисмоний шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласида қатъий қадамлар қўйилиши зарурлиги англана бошланди. Бундай амалий фаолият биринчи жаҳон урушидан кейин йўлга қўйилди. 1919 йил 11 ноябрда Миллатлар Лигаси ташаббуси билан «ҳарбий жиноятчилар»нинг жавобгарлигини аниқловчи Иттифоқчилар комиссияси ташкил қилинди. Ушбу комиссия жисмоний шахсларнинг уруш бошлагани ва уни олиб боргани учун халқаро жавобгарлиги масаласини

ўрганиб чиқиб, душман давлатига тегишли бўлган ҳар қандай шахс юқори мансабни, шу жумладан давлат бошлиғи лавозимини эгаллаб турганига қарамай ана шундай хатти-ҳаракатни содир этган бўлса, улар уруш қонунлари ва одатларини ёки гуманитар қонунларини бузишда айбдордир, шунинг учун улар жинойй жавобгарликка тортиладилар, деган хулосага келди. (1919 йилги Версаль шартномасининг 227-моддаси).

Версаль тинчлик шартномасига кўра кайзер Вильгельм II ни ва Германиянинг жинойтчиликда айбланаётган бошқа фуқароларини жавобгарликка тортиш, шунингдек, барча турдаги ҳарбий жинойтларчиларнинг ишларини кўриб чиқадиغان миллий ва халқаро судларни тузиш кўзда тутилган эди. Аммо бу таклиф амалга ошмай қолди, чунки бу пайтда кайзер Нидерландияга қочиб кетган эди. Нидерландия уни беришдан бош тортди, ишлари ҳарбий жинойтчи сифатида судлар томонидан кўриб чиқилган баъзи бир кишилар эса оқланди ёки рамзий тарзда жазо олдилар.

Уруш ҳуқуқини жиддий бузиш учун жазоловчи халқаро тизим иккинчи жаҳон урушининг охиридан бошлаб фаолият кўрсата бошлади. Дастлабки ҳужжат 1941 йилнинг 13 январида Германия томонидан босиб олинган иттифоқчи давлатларнинг ҳарбий жинойтчиларни жазолаш ҳақидаги Сент-Джемс декларацияси ҳисобланади. 1943 йил 1 ноябрда эса антифашист коалицияга кирган давлатларнинг ана шу масалага бағишланган Москва декларацияси эълон қилинди. Ана шу интилишларнинг натижаси сифатида 1945 йилнинг 8 августида Лондон келишуви тузилди. Унинг асосий хулосаси Нюренбергда трибунал тузиш ҳақидаги қарордир. Барча судлов жараёнларини мувофиқлаштириш мақсадида ҳарбий жинойтлар бўйича Комиссия Лондонда ташкил этилган бўлсада, ҳар бир давлат ўз тадбиридан келиб чиқиб муайян ҳужжатлар қабул қилдилар. Ана шундай ҳужжат 1944 йил 28 августида Францияда, 1945 йил 4 майда Норвегияда, 1945 йил 14 июнда Буюк Британияда, 1947 йил 10 июлда Нидерландияда, 1947 йил 20 июлда Бельгияда қабул қилинди.

Худди шундай ҳарбий трибунал 1946 йил 19 январда Узоқ Шарқ учун

ташқил этилди. У Европа учун тузилган низомнинг озгина ўзгартирилган судлов тартибини япон ҳарбий жиноятчиларини жазолашга татбиқ этди. Кейинчалик ҳарбий трибуналлар алоҳида давлатлар, асосан америкаликлар томонидан шунга ўхшаш тартибда тузила бошлади. Масалан, Жалуит аттолласида 3 америкалик асир учувчиларни ўлдиришда айбланган кишиларни ёки Ямашити иши (жиноятнинг олдини олиш учун зарурий эҳтиёт чоралари кўрилмаганлиги масаласи) бўйича айбдорларни суд қилиш учун.

Нюрнберг трибунали «Халқаро ҳарбий трибунал» номини олган. У ўз фаолиятини 1946 йилнинг 1 октябрида, Токио трибунали эса 1948 йилнинг 12 ноябрида суд қарорини чиқариш билан тугатди. Бу йўналишда кейинчалик тузилган шартномаларга кўра қуйидагилар амалга оширилди:

-1948 йил. Геноцид жиноятларнинг олдини олиш ва унинг учун жазолаш ҳақида Конвенция қабул қилинди.

-1993 йил. Собиқ Югославия бўйича Халқаро жиноий трибунал Низоми қабул қилинди. (БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1993 йилги 808 ва 827-резолүцияларига иловалар).

-1994 йил. Руанда бўйича Халқаро жиноий трибунал Низоми қабул қилинди. (БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1994 йилги 995-резолүциясига илова).

-1998 йил. Доимий халқаро жиноий суд статуси қабул қилинди. (Рим). 2003 йилнинг 10 мартида унинг судьялари қасамёд қабул қилдилар. Халқаро жиноий суд шартнома иштирокчилари бўлган давлатлар фуқароларини ёки иштирокчи давлатлар ҳудудида жиноят содир этган фуқароларнигина суд қилиши мумкин. Агар Халқаро жиноий суд айбланувчиларни айбдор деб топса, улар кўпи билан умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилади. Халқаро жиноий суд фақат ўзи таъсис этилгандан кейин содир этилган жиноятларнигина суд қилиши мумкин. Ваколатига кўра Халқаро жиноий суд қуйидаги жиноятларни кўриб чиқади:

Геноцид – бирор бир миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни тўлиқ ёки қисман йўқотиш мақсадида амалга ошириладиган қуйидаги ҳар қандай хатти-

ҳаракатлар:

а) ана шундай гуруҳ аъзоларини ўлдириш;

б) ана шундай гуруҳ аъзоларига жиддий тан жароҳати етказиш ёки уларнинг ақлий фаолиятини издан чиқариш;

в) қасддан у ёки бу гуруҳни қисман ёки бутунлай йўқотишга мўлжалланган шароитларни яратиш;

г) ана шундай гуруҳлар ичида болалар туғилишига чек қўйишни мўлжалловчи чоралар;

д) ана шундай гуруҳларга қарашли болаларни бошқаларга мажбуран бериш.

Инсонийликка қарши жиноятлар - ҳар қандай фуқаро шахсга қарши қаратилган доимий ва кенг кўламдаги қуйидаги жиноий ҳаракатлар:

а) қотиллик, қийнаш, қириб юбориш, қарамликка олиш (қулга айлантириш);

б) депортация ёки аҳолини зўрлик билан кўчириш;

в) қамокда сақлаш ёки халқаро ҳуқуқнинг асосий нормаларига зид равишда жисмоний эркинликни бошқа тарзда қўпол чеклаш;

г) зўрлаш, шахвоний қулга айлантириш, фоҳишабозликка мажбур қилиш, ҳомиладор бўлишга мажбурлаш, мажбуран бепушт қилиш (стерилизация) ёки ана шундай оғир шакллардаги шахвоний зўравонликнинг ҳар қандай бошқа шакллари;

д) кишиларни зўрлик билан йўқотиш;

е) апартеид (ирқий айирмачилик) жиноятлари.

Ҳарбий жиноятлар – 1949 йилги Женева Конвенциялари ва 1977 йилги уларга Қўшимча Протоколларда эслатиб ўтилган халқаро гуманитар ҳуқуқ қоидаларининг жиддий бузилишларини ўз ичига олади. Улар жумладан қуйидаги ҳаракатлардан иборат:

а) қасддан одам ўлдириш;

б) қийнаш ва ноинсоний муносабатда бўлиш (шу жумладан биологик тажрибалар ўтказиш);

в) қасддан кучли азобланишга маҳкум қилиш ёки жиддий тан жароҳати етказиш;

г) ҳарбий зарурати бўлмаса ҳам давлат ёки хусусий мол-мулкни эгаллаб олиш ёки уларни вайрон қилиш;

д) ҳарбий асирни ёки ҳомийлик остидаги бошқа шахсни душман мамлакати қуролли кучларида хизмат қилишга мажбур қилиш;

е) ҳарбий асир ёки ҳомийлик остидаги бошқа шахсни унинг иши адолатли суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқидан қасддан маҳрум қилиш;

ж) ноқонуний депортация ёки кўчириш ёхуд озодликдан ноқонуний маҳрум қилиш;

з) инсонларни гаровга олиш;

и) уруш олиб боришнинг тақиқланган усуллари ва воситаларидан фойдаланиш;

к) қизил хоч ва қизил ярим ой ҳамда бошқа ҳимоя тимсолларидан мунофиқлик билан фойдаланиш;

л) тинч аҳолига қарши ҳужум қилиш.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида ҳарбий жиноятлар, тинчлик ва инсониятга қарши қаратилган жиноятлар учун жисмоний шахсларнинг жазоланиши муқаррар эканлиги таъкидланади. Жиноий жавобгарликка тортилган шахслар икки гуруҳга ажратилади: 1-гуруҳ - ўз жиноий қилмишлари учун ҳам, уларнинг жинояткорона буйруқларининг ижрочилари амалга оширган хатти-ҳаракатлар учун ҳам жавобгар бўлган асосий ҳарбий жиноятчилар. Бу гуруҳга давлат арбоблари, қўмондонлар, дипломатлар, молиячилар ва бошқалар киради. 2-гуруҳ - ўз шахсий ташаббуслари билан ҳарбий жиноятларнинг бевосита иштирокчилари бўлган ёки бу жинояткорона ишларга аралаштирилган ва шу жиноятларнинг иштирокчилари ҳисобланган шахслар.

Ҳозирча турли мамлакатлар миллий судларида нацистлар ва япон жиноятчилари устидан судлар давом этмоқда, чунки бундай жиноятлар учун даъво муддати ўтиб кетганлиги ҳақидаги қоида амал қилмайди ва улар учун

жазо муқаррардир.

Кейинги йилларда Халқаро гуманитар ҳуқуқ тамойилларини бузганлик учун Миллий судлар томонидан:

-Россия полковниги Чеченистондаги ноқонуний ҳаракатлари учун 10 йилга;

-Индонезия бригада генерали 5 йилга;

-Хорватия генерали 12 йилга, полковниги 45 йилга;

-Тимор собиқ давлат раҳбари 3 йилга;

-Босния вице президенти 11 йилга;

-Руанда давлати вакили бир умрлик қамоқ жазосига маҳкум этилди.

АҚШ Президенти Жорж Буш Американинг қуруқликдаги қўшинлари бригада генерали Жанис Карпинскийни «Абу-Грейб» қамоқхонасида маҳбусларни қийноққа солган бир неча ҳарбийлар устидан қўзғатилган иш учун полковник унвонига туширди. АҚШ қонунларига мувофиқ генерал унвонини пасайтириш масаласини Президент ҳал қилади. «Абу-Грейб» қамоқхонасидаги маҳбусларни сақлаб туриш учун жавобгар бўлган ҳарбий бўлинмага айнан Карпинский қўмондонлик қилган.

Британиянинг Германиядаги ҳарбий базасида ҳарбий трибунал йиғилиши бошланди. Трибуналда ироқлик маҳбусларни қийноққа солишда айбланаётган 3 нафар британиялик ҳарбий хизматчиларнинг иши кўриб чиқилади.

Далил сифатида судга Қироллик ўқчилар полки ҳарбийлари томонидан туширилган суратлар тақдим этилди.

Техас штатининг ҳарбий трибунали Америка ҳарбий полицияси капрали Чарльз Грейнерни «Абу-Грейб» қамоқхонасида ироқлик маҳбусларни қийноққа солганликда айблади. Қамоқхонада маҳбуслар устидан уюштирилган қийноқлар акс этган суратлар оммавий ахборот воситалари орқали намойиш этилганидан кейин мазкур жараён бошланди. Грейнер айбноманинг бешта банди бўйича айбдор деб топилди. У 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди ("Ўзбекистон овози", 2005 йил 18 январь).

ҲАРБӢЙ ҚИСМДА СУРИШТИРУВ ВА МАЪМУРИЙ (ХИЗМАТ) ТЕКШИРУВ

Ҳарбӣй хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид низом қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида суриштирув ишларини юритиш Мудофаа вазирининг 1998 йил 14-май кунги 209-32-сонли қарори билан амалга киритилган «Ҳарбӣй хизматчилар ўртасидаги муносабатларга оид низом қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текшируви тартиби, ҳарбӣй қисм, бўлинма командири ва бошқа мансабдор шахсларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида»ги Низом талаблари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодекси ва Мудофаа Вазирининг 327-сонли 2006 йил 7 июндаги буйруғига илова қилинган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги муассасалари ва суриштирув органларида суриштирувни юритиш бўйича» Йўриқномасига асосан олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 38-моддасига мувофиқ, ҳарбӣй қисмлар, кўшилмаларнинг командирлари, ҳарбӣй муассасалар ва ҳарбӣй ўқув юртларининг бошлиқлари уларга бўйсунувчи ҳарбӣй хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбӣй мажбуриятли шахслар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича: Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, кўшилма, муассасаса ёки ўқув юрти жойлашган ерда содир этилган жиноятларига доир ишлар бўйича Мудофаа вазирлигининг **суриштирув органлари** деб ҳисобланади.

Ҳарбӣй қисм командирининг буйруғи ва қарори билан офицер-суриштирувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодекси ва Мудофаа вазирининг 327-сонли буйруғига илова қилинган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги муассасалари ва суриштирув органларида суриштирувни юритиш бўйича» Йўриқномаси талабларига риоя этган ҳолда жиноятларни тергов қилиш **суриштирув деб** номланади.

Агарда қонунбузарлик (жиноят эмас) содир этилса, ҳарбий қисм командири **маъмурий текширув** тайинлайди. Маъмурий текширув хулосаси ёзма равишда, эркин шаклда тузилади. Текширув давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари аниқланса, ҳарбий қисм командири Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 321,322 ва 331-моддаларига асосан жиноят иши қўзғатади.

Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид низом қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича тайинланган маъмурий текширувни амалга оширишда, ҳарбий қисм командири Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 1998 йил 14-май кунги 209-32-сонли қарори билан амалга киритилган, «Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатларга оид низом қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текшируви тартиби, ҳарбий қисм, бўлинма командири ва бошқа мансабдор шахсларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида»ги Низом талабларига ҳам риоя этиши лозим.

Суриштирувни юритиш учун ҳарбий қисм командирининг буйруғи билан икки йиллик муддатга тажрибали офицерлардан суриштирувчилар тайинланади. Улардан суриштирув ишлари олиб боришда тажрибага эга бўлган биттаси, катта суриштирувчи этиб тайинланади. Катта суриштирувчиларга энг мураккаб ишлар топширилади. Суриштирувчиларни тайинлаш ҳақидаги буйруқнинг нусхаси ҳарбий прокурорга юборилади.

Суриштирувчилар қуйидаги ҳисобда тайинланади:

- бригадалар ва олий ўқув юртлари бўйича – 6 суриштирувчи;
- алоҳида батальон бўйича 3-4 суриштирувчи;
- алоҳида взвод ва муассаса бўйича 1-2 суриштирувчи.

Ҳарбий қисм командири суриштирув органи сифатида унга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшинма,

муассаса ёхуд ўқув юрти жойлашган ерда содир этилган жиноятлари бўйича **жиноят ишини қўзғатади.**

Айрим гарнизон ҳарбий қисмларида хизмат қилмайдиган ҳарбий хизматчилар жиноят содир этган ҳолларда жиноят ишини гарнизон бошлиғи қўзғатади (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Гарнизон ва Қоровуллик хизматлари Низомининг 17-моддаси).

Ҳарбий қисм командири жиноят тўғрисида хабар олганидан сўнг, шу куннинг ўзида жиноят иши қўзғатишга мажбур. Бу тўғрисида қарор чиқарилади.

Қарорда:

- вақт; жой; ким томонидан тузилаётганлиги; ишни қўзғатиш учун сабаб ва асослар;

- жиноят кодексининг жиноят иши қўзғатилган жиноятни назарда тутувчи моддаси;

- ишни ўз юритувига олувчи мансабдор шахс;

-ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг тегишли моддалари кўрсатилади.

Аниқланган жиноят ва бошланган суриштирув тўғрисида ҳарбий қисм командири дарҳол юқори турувчи командирга хабар беради ва ҳарбий прокурорга билдиради (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 331-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Гарнизон ва Қоровуллик хизматлари Низомининг 91-моддаси).

Суриштирувчи жиноят ишини қўзғатганидан кейин ёки прокурор ёхуд суриштирув органининг бошлиғи томонидан қўзғатилган ишни олгач, дарҳол уни ўз иш юритувига қабул қилиш тўғрисидаги қарорни чиқаради.

Жиноят ишини қўзғатиш ва ўз иш юритувига қабул қилиш тўғрисидаги қарорни 24 соатдан кечикмай ҳарбий прокурорга юборади.

Суриштирув амалга оширилаётганда қуйидагилар аниқланиши лозим:

а) жиноят ҳақиқатдан ҳам содир этилганми ва айнан қайси жиноят рўй берган;

б) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи;

в) жиноят қандай ҳолатларда, қай усулда, қандай жиноят қуроллари ва воситалари ёрдамида содир этилган;

г) жиноят ким томонидан содир этилган, жиноятчининг шахсини батафсил тавсифловчи маълумотлар;

д) жиноят қандай мақсад ва мотив билан содир этилган;

е) жиноятнинг содир этилишига нималар сабаб бўлган ва унинг содир этилишига қандай шарт-шароитлар имкон берган;

ж) Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 9 ва 12-бобларида назарда тутилган шахснинг жавобгарлиги даражаси ва характери таъсир қилувчи ва иш учун жиддий аҳамиятга молик бўлган бошқа ҳолатлар (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 8 ва 9-боблари).

Суриштирувни бошқариш ва суриштирув органларининг фаолиятида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат

Суриштирувни бошқариш жиноят ишини қўзғатган ҳарбий қисм командири томонидан амалга оширилади.

У суриштирув органи сифатида суриштирувчига:

- айнан нима ва қандай ҳажмда аниқланиши кераклиги;
- қандай тергов ҳаракатларини ўтказиш кераклигини;
- суриштирув қачон тамомланиши ҳақидаги кўрсатмаларни беришга мажбур.

Суриштирув ишларининг олиб бориш сифатини яхшилаш мақсадида ҳарбий қисм командири:

- суриштирувчиларнинг ишини ўрганади ва камчиликларини бартараф этишга қаратилган чораларни кўради;
- суриштирувчиларнинг юридик тайёргарлигини ошириш бўйича ўқув машғулотларини ташкиллаштиради.

Жиноятларни тергов қилиш бўйича тажриба орттириш учун суриштирувчилар ҳарбий қисм командирининг ҳарбий прокурор билан келишилган режасига асосан, ўқув йиғинларида иштирок этадилар ва камида

бир йилда бир маротаба ҳарбий прокуратурада 10 кунлик иш ўрганиш ўтайдилар.

Суриштирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суриштирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

а) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 339-моддаси ва Мудофаа Вазирининг 327-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги муассасалари ва суриштирув органларида суриштирувни юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномада назарда тутилган вазифаларни бажариш учун иш бўйича барча кечиктириб бўлмайдиган барча тергов ҳаракатларини амалга оширади;

б) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодекси талабларига риоя қилиш;

в) тергов режасини тузиш, тергов ҳаракатларининг кетма-кетлигини белгилаш, содир этилган жиноятнинг ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўрганиб, тергов қилиш;

г) суриштирувга оид маълумотларни ошкор қилмаслик;

д) суриштирув юритишда аниқланган барча қонунлар, низомлар, буйруқ, кўрсатма, ҳамда жиноят ёки ҳодисанинг содир этилишига сабабчи бўлган хизматни ташкил қилиш қоидаларининг бузилишлари ҳақида, уларни бартараф этишга қаратилган чораларни кўриш учун ҳарбий қисм командири эътиборига етказиш;

е) ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ишларда фаол иштирок этиш, шахсий таркибга Ўзбекистон Республикаси қонунларини тушунтириш.

Суриштирув юритишда суриштирувчининг ҳуқуқлари

Суриштирув юритишда суриштирувчининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

а) иш бўйича гувоҳ ёки жабрланувчи бўлган ҳарбий хизматчилар (ҳарбий қисм командири бундан мустасно) ва бошқа фуқароларни сўроқ қилиш;

б) ҳарбий қисм ва бошқа тегишли жойларда зарур ҳужжатларни кўздан кечириш ва уларни жиноят ишига қўшиш учун асл нусхаларини ёки нусхаларини олиш;

в) қонунда белгиланган тартибда ҳарбий прокурорнинг рухсати керак бўлган тергов ҳаракатларидан ташқари зарур тергов ҳаракатларини амалга оширишни мустақил равишда ҳал қилиш;

г) суриштирувга оид бўлган масалалар бўйича юқори турувчи ҳарбий қисм командирини хабардор қилиш.

Суриштирувчи суриштирувни юритиш давомида хизмат вазифаларидан озод қилинади ва керакли ҳолатларда автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланади.

Дастлабки терговни олиб боришда суриштирув органларининг фаолияти

Дастлабки тергов барча тергов ишлари бўйича ўтказилиши шарт (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 345-моддаси).

Суриштирув органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 345-моддасида кўрсатилган жиноят ишлари бўйича кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари билан чекланган бўлиб, қуйидаги вазифаларни бажаради:

- 1) жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик;
- 2) жиноятнинг изларини аниқлаш ва уларни мустаҳкамлаш;
- 3) далилларни тўплаш ва сақлаш ;

4) жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни ҳарбий қисм жойлашган ҳудуд ичида қидириб топиш. Қидирув қисм ҳудудидан ташқарида амалга оширилса, у Йўриқноманинг 1 ва 9-бандларида кўрсатилган органлар билан биргаликда олиб борилади;

- 5) жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш.

Ушбу ишлар юзасидан суриштирув ишлари жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб 10 суткадан ошмаган муддатда тамомланиши лозим (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 341-моддаси).

Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари бажарилгач, белгиланган муддатдан кечиктирилмасдан жиноят иши ҳарбий прокурорга юборилиши керак.

Жиноят содир этилганда ҳарбий қисм командири Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 339-моддасига мувофиқ қуйидагиларга мажбур:

а) аниқланган жиноят тўғрисида дарҳол тегишли ҳудудий ҳарбий прокурорига хабар қилиш ва терговчи келгунига қадар жиноят содир этилган жойни қўриқлашга қаратилган чораларни кўриш;

б) терговчининг тез етиб келишини таъминлаш имконияти бўлмаган тақдирда, ҳамда ҳарбий прокурорнинг кўрсатмаси бўйича, жиноят ишини қўзғатиш ва жиноят-процессуал қонунига риоя қилган ҳолда кечиктириб бўлмайдиган қуйидаги тергов ҳаракатларини олиб боради:

- кўздан кечириш; тинтув; олиб қўйиш; гувоҳлантириш; ушлаб туриш;
- гумонланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларни сўроқ қилишни олиб боради.

Кўздан кечириш

Жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида суриштирувчи қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- ҳодиса содир бўлган жойни текширади;
- мурдани кўздан кечиради;
- ҳайвонларни кўздан кечиради;
- теварак атрофни текширади;
- биноларни кўздан кечиради;
- нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиради.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам кўздан кечирилиши мумкин. Бу ҳолда кўздан

кечириш ўтказилганидан сўнг кечи билан 72 соатда, алоҳида ҳолларда 10 кун ичида жиноят ишини қўзғатиш ҳақида ёки қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиниши лозим (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 137-моддаси).

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади.

Суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида кўздан кечириш камида икки нафар вояга етган, ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмаган холислар иштирокида ўтказилади.

Олиб қўйиш ва тинтув

Жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги маълум бўлиб, уларни қидиришнинг ҳожати бўлмаса, суриштирувчи уларни олиб қўйишга ҳақлидир (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 157-моддаси).

Олиб қўйиш суриштирувчининг командир томонидан тасдиқланган асослантирилган қарорига биноан ўтказилиши мумкин.

Давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ёки нарсаларни кўздан кечириш олиб қўйиш ва унга доир бошқа ҳаракатлар фақат суриштирувчининг ҳарбий прокурор санкция берган қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

Бундай ҳаракатларни ўтказиш вақти, жойи ва бошқа шартларини суриштирувчи шу ҳужжатлар ёки нарсаларни сақлаш учун жавобгар бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари билан келишиб олади.

Бундай ҳаракатларни юритишда эксперт, мутахассис, холис сифатида фақат давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ва нарсалар билан танишишга рухсат берилган шахслар иштирок этадилар (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 89-моддаси).

Ашёвий ва ёзма далиллар

Ашёвий ва ёзма далиллар қуйидагилар ҳисобланади:

- келиб чиқишини;

- кимга тегишлилигини;
- маълум мақсадларда фойдаланилганлиги ёки фойдаланишга яроқлилигини;
- қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлиги;
- у ёки бу моддалар, нарсалар, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлигини аниқлаш;
- мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга;
- шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиладиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарсалардир.

Гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш

Жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 65-моддаси). Агарда гувоҳнинг кўрсатмалари бошқа шахсларнинг хабарларига асосланган бўлса, улар ҳам сўроқ қилинишлари лозим.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 116-моддаси).

Гувоҳ суриштирув ўтказилаётган жойда, бошқа гувоҳларсиз сўроқ қилинади. Суриштирувчи зарур деб топса, сўроқни гувоҳ қаерда бўлса, ўша жойда ўтказишга ҳақли.

Таржимонни қатнаштириш

Суриштирув юритилаётган тилни билмаган шахс билан тергов ҳаракатини ўтказиш учун таржимон чақирилади. Бу тўғрисида процессуал ҳужжатида кўрсатилади.

Гумон қилинувчини ушлаб туриш ва сўроқ қилиш

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодексининг 47-моддасига мувофиқ, гумон қилинувчи — жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлсада, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида

иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи қарор чиқаради.

Суриштирув ишларини юритишда суриштирув органлари фаолияти

Ҳарбий қисм командири, иш бўйича фақат суриштирув ҳаракатлари ўтказилаётган бўлса, асослар бўлган тақдирда жиноят ишини қўзғатади ва Йўриқноманинг 10-бандида назарда тутилган ҳолатларни аниқлаш учун жиноят-процессуал қонуни билан белгиланган чора-тадбирларни амалга оширади.

Бундай ишлар бўйича суриштирув 1 ойдан ошмаган муддатда ўтказилади ва натижаларга кўра айблов хулосаси билан ёки жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатиш ҳақидаги қарор билан тамомланади.

Жиноят ишларини расмийлаштириш, рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби

Жиноят иши ҳужжатлари аниқ ва тушунарли равишда ёзилиши лозим. Барча ўчиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар баённоманинг охирида санаб ўтилиши ва тергов ҳаракати иштирокчилари томонидан имзоланиши шарт. Ҳар-бир саҳифада тикиш учун мўлжалланган ҳошия қолдирилади. Жиноят иши ҳужжатларининг барчаси муқовага тикилган, рақамланган ва рўйхатга киритилган бўлиши лозим.

**Суриштирув ишларини юритишда суриштирув органлари фаолияти
жараёнида тўпланадиган процессуал ҳужжатлар намуналари**

Қ А Р О Р

Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида

. «_____» _____ 2010 йил 00000-сонли ҳарбий қисм

00000-сонли ҳарбий қисм командири подполковник Р.А.УМАРОВ, оддий аскар И.Қ.МАМАТОВни ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш ҳолати бўйича ўтказилган хизмат текшируви материаллари билан танишиб,

А Н И Қ Л А Д И М :

00000-сонли ҳарбий қисм оддий аскари Маматов Илҳом Қурбонбоевич, 1987 йилда туғилган. Сирдарё вилояти, Ховас тумани, «Дўстлик» жамоа хўжалигида яшаган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, ҳарбий хизматга 2004 йил октябрь ойида Сирдарё вилояти, Ховас тумани Мудофаа ишлари бўлими томонидан чақирилган, муддатли ҳарбий хизматни 00000-сонли ҳарбий қисмда ўтаб келган, 2008 йил 12 октябрь куни ҳарбий қисм командирининг 268-сонли буйруғи билан ҳарбий қисм шахсий таркибига киритилган ва таъминотга олинган.

Оддий аскар И.Қ.МАМАТОВ, 00000-сонли ҳарбий қисм ўқув бўлинмасида тайёргарликдан ўтганидан сўнг, 2008 йил 30 декабрь куни ҳарбий қисм командирининг 331-сонли буйруғи билан «мерган» лавозимига тайинланган.

2010 йил 25 январь куни батальон командири капитан В.В.ВАИСОВ оддий аскар И.Қ. МАМАТОВ ўзини ўзи осийшга урингани ҳақида хабар берган.

Мазкур ҳолат бўйича хизмат текшируви ўтказилди. Оддий аскар И.Қ.МАМАТОВ ўзининг тушунтиришида қуйидагиларни кўрсатди: тушликдан сўнг, тахминан соат 14-да, у бўлинмага келганида – шартнома бўйича кичик сержант М.Д.РАИМОВ унга ётоқхона подвалини тозалаб кўйишни буюрган. Ётоқхонага подвалига тушаётганида у осийиб турган пўлат арқонни кўриб қолган. Шу пайтда у қадам товушини эшитиб қолади ва подвалга шартнома бўйича сержант Т.О.ТОШЕВ тушиб келиб, ундан бу ерда нима қилаётганини сўрайди ва унга ўзининг бўлинмасига кетишини айтади. Шартнома бўйича сержант Т.О. ТОШЕВ чиқиб кетганидан кейин, оддий Аскар И.Қ.МАМАТОВ арқонни ҳалқа қилиб, бўйнига илмоқчи бўлади. Шу вақт шартнома бўйича сержант Т.О.ТОШЕВ қайтиб келди ва оддий аскар И.Қ. МАМАТОВ пўлат арқоннинг ҳалқасини бўйнига илмоқчи бўлганини кўриб, арқонни узиб юборган ва унга нима учун буни қилаётганини ва ўзининг ота-онаси ҳақида ўйламаётганини айтган. Шундан сўнг, шартнома бўйича сержант Т.О.ТОШЕВ уни бўлинмага олиб келган. Оддий аскар И.Қ.МАМАТОВ ўзининг бундай ҳаракатларини хизмат қилиш қийинлиги, бунақа ҳаётга ўрганмаганлиги туфайли содир этганлигини кўрсатган. Бундан ташқари у ҳар куни эрталабдан кечгача хоналарни тозалашдан чарчаганлигини ва шу йўл орқали бундан

кутилмоқчи бўлганини айтган. Оддий аскар И.Қ.МАМАТОВ, хизматдошлари ва қўмондонлик томонидан унинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш ва унга нисбатан жисмоний куч ишлатишлар бўлмаганлигини баён этган. Оддий аскар И.Қ.МАМАТОВнинг танаси кўздан кечирилганида, унда бирор-бир тан жароҳатлар аниқланмаган.

Хизмат текшируви жараёнида капитан В.В.ВАЙСОВ, шартнома бўйича сержант Т.О. ТОШЕВ, шартнома бўйича кичик сержант М.Д.РАИМОВ, оддий аскарлар: М.Қ.ҚОБУЛОВ, Б.У.ҲОШИМОВ, Ҳ.З.РАҲМОНОВ, О.Б.ИСРОИЛОВ, О.Ж.РАҲМОНОВлар ўзларининг тушунтириш хатларида юқоридагиларни тасдиқлаб, оддий аскар И.МАМАТОВ моддий таъминот взводида қийналаётгани ҳақида уларга бир неча марта шикоят қилганлигини, мотоўқчилар бўлинмасига ўтишни ният қилганлигини ва унга нисбатан низомга оид муносабатлар бўлмаганлигини кўрсатдилар.

Хизматни ўташ даврида оддий Аскар И.Қ.МАМАТОВ бир неча марта ҳарбий қисм тиббий бўлимига мурожаат қилган:

2009 йил 20- 25 ноябрь кунига қадар – ўткир юқумли нафас йўллари инфекцияси туфайли;

2010 йил 26 январь кунини оддий аскар И.Қ. МАМАТОВ руҳий-асаб касалликлар диспансерида текширувдан ўтказилиб, унга “Руҳий сиқилиш синдроми, ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд билан” диагнози қўйилиб, ҳарбий хизматга лойиҳалик масаласини ҳал қилиш ва даволаниш учун Тошкент ш. Марказий ҳарбий клиник госпиталига юборилиши лозимлиги кўрсатилган.

2010 йил 28 январь кунини оддий аскар И.Қ. МАМАТОВ билан ҳарбий прокуратурада ҳарбий прокурор адлия майори Б.А. МАНСУРОВлар суҳбат ўтказганлар. Оддий аскар И.Қ.МАМАТОВ суҳбат чоғида ҳам унинг хизматдошлари ва қўмондонлик томонидан унга нисбатан низомга оид зид муносабатлар бузиш ҳолатлари юз бермаганлигини кўрсатган.

Шундай қилиб, хизмат текшируви материалларини таҳлил қилиш натижасида, оддий аскар И.Қ.МАМАТОВга нисбатан унинг хизматдошлари ва қўмондонлиги томонидан раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш ҳолатлари юз бермаганлиги ҳақидаги хулосага келиниши лозим. Мазкур ҳолатда оддий аскар И.Қ.МАМАТОВнинг ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилишида айбдор шахслар йўқлиги туфайли, ушбу ҳолат бўйича жиноят ишини қўзғатиш ЎЗР ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан, рад қилинмоғи лозим.

Бинобарин, ЎЗР ЖПКнинг 333-моддасини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ :

1. 00000-сонли ҳарбий қисм оддий аскари МАМАТОВ Илҳом Қурбонбобоевични ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш ҳолати бўйича, ЎЗР ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан, жиноят таркиби бўлмаганлиги муносабати билан, жиноят иши қўзғатиш рад қилинсин.

2. Қарорнинг нусхаси Термез ҳарбий прокурорига юборилсин.

**00000-сонли ҳарбий қисм командири
подполковник Р.А.УМАРОВ**

2-илова

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
00000-сонли ҳарбий қисм командири
подполковник **Ҳ.ИБРАГИМОВ**
«_____» _____ 2010 й.

Қ А Р О Р

Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида

«_____» _____ 2010 йил 00000-сонли ҳарбий қисм

00000-сонли ҳарбий қисм ҳарбий суриштирувчиси катта лейтенант Ю.Т.ҲОШИМОВ, ҳарбий қисм ҳудудидан ғиштларни ўғирлаганлиги ҳолати бўйича ўтказилган текшируви материаллари билан танишиб,

А Н И Қ Л А Д И М :

2010 йил 22 август куни оддий аскар Ю.ҲАСАНОВ соат 15.00 лар атрофида, назорат йўқлигидан фойдаланиб, унга бириктирилган _____ русумли, ҳарбий белгиси _____ бўлган автомашинада, ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарига ғиштларни олиб чиқиб, фуқаролик шахсларга сотиб юборган. Пулларни эса ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Оддий аскар Ю.ХАСАНОВ томонидан ўғирланган ғиштларнинг нархи 950 сўмни ташкил қилади.

Оддий аскар Ю.ХАСАНОВнинг ҳаракатларида ЎзР ЖКнинг 167-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд эмас, чунки талон-торож қилинган мулкнинг қиймати белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ошмаган. Унинг ҳаракатларида майда талончилик аломатлари мавжудлиги туфайли, ҳарбий қисм командири уни интизомий равишда жазолаган.

Бинобарин, ЎзР ЖПКнинг 333-моддасини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Оддий аскар Ю.ҲАСАНОВга (унинг шахсига оид тўлиқ маълумотлар кўрсатилиши лозим) нисбатан ЎзР ЖПКнинг 83 моддаси 2-бандига асосан, унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги муносабати билан, жиноят ишини қўзғатиш рад қилинсин.

2. Қарорнинг нусхаси _____ ҳарбий прокурорига маълумот учун юборилсин.

**00000-сонли ҳарбий қисм суриштирувчиси
капитан Ю.ХОШИМОВ**

3 илова

Қ А Р О Р

Жиноят иши қўзғатиш ҳақида

«_____» _____ 2010 йил 00000-сонли ҳарбий қисм

00000-сонли ҳарбий қисм командири подполковник С.К.РАҲМАТУЛЛАЕВ, оддий аскар А.П. ИБРАГИМОВнинг ҳарбий қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ҳолати бўйича ўтказилган хизмат текшируви материаллари билан танишиб,

А Н И Қ Л А Д И М :

Взвод командири катта лейтенант Б.И.ИЛЁСОВНИНГ билдиргиси ва хизмат текшируви материалларидан хизматни «_____» _____ 20__ йил кунда бошлаган оддий аскар А.П. ИБРАГИМОВ 2010 йил 14 сентябрь куни тахминан соат 19.00 ларда, ҳарбий қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиб, ҳозирги вақтга қадар қайтиб келмаган.

Оддий аскар А.П. ИБРАГИМОВнинг ҳаракатларида ЎзР ЖКнинг 287 моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжудлигини назарда тутиб, ЎзР ЖПКнинг 322, 328, 331, 336 – моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. Оддий аскар А.П. ИБРАГИМОВга нисбатан ЎзР ЖКнинг 287-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилсин.

2. Иш бўйича суриштирувни олиб бориш ҳарбий суриштирувчи капитан К.Б.НАЗАРОВга топширилсин.

3. Қарорнинг нусхаси _____ҳарбий прокурорига маълумот учун юборилсин.

00000-сонли ҳарбий қисм командири
подполковник С.К.РАҲМАТУЛЛАЕВ

Қ А Р О Р

Жиноят ишини ўз иш юритувига олиш ҳақида

«_____» _____ 2010 йил 00000-сонли ҳарбий қисм

00000-сонли ҳарбий қисм ҳарбий суриштирувчиси капитан К.П.НАЗАРОВ, «_____» _____ 2010 йил куни 00000-сонли ҳарбий қисм командири томонидан оддий аскар А.П. ИБРАГИМОВнинг ҳарбий қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши ҳолати бўйича ЎзР ЖКнинг 287-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган жиноят иши материаллари билан танишиш ва жиноят иши бўйича суриштирувни олиб боришлик менга топширилганлигини инобатга олиб, ЎзР ЖПКнинг 340-моддаси қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. Оддий аскар А.П.ИБРАГИМОВга нисбатан ЎзР ЖКнинг 287-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган жиноят ишини иш юритувига олиб, суриштирув ҳаракатларини олиб боришга киришишга.

2. Қарорнинг нусхаси _____ ҳарбий прокурорига маълумот учун юборишга.

**00000-сонли ҳарбий қисм суриштирувчиси
капитан К.НАЗАРОВ**

5 илова

Қ А Р О Р

Суд-тиббиёт экспертизаси тайинлаш тўғрисида

«_____» _____ 2010 йил 00000-сонли ҳарбий қисм

00000-сонли ҳарбий қисм командири подполковник Р.А.УМАРОВ, таъминот взводида юз берган оид муносабатлар бузилиши ҳолати бўйича ўтказилган хизмат текширув материаллари билан танишиб,

А Н И Қ Л А Д И М :

2010 йил 2 февраль куни, тахминан соат 24.00 ларда, Х.Э.УРУМБОЕВ қўл билан оддий аскар У.Б.АХМЕДОВнинг юзини паст қисмига ҳамда оёқ билан болдир қисмига урган.

Мазкур жиноят иши бўйича тегишли хулосага келиш учун суд-тиббиёт соҳасида махсус билим зарурлигини назарда тутиб ва ЎзР ЖПК нинг 172-175, 180-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. Ушбу жиноят иши бўйича суд-тиббиёт экспертизаси тайинланиб, уни ўтказиб Сурхондарё вилояти суд-тиббиёт экспертизаси бюросига топширилсин.

2. Экспертлар олдида ҳал қилишлик учун қуйидаги саволлар қўйилсин:

- оддий аскар У.Б.АХМЕДОВнинг танасида жароҳатлар мавжудми;
- бу жароҳатларнинг характери, жойланиши, оғирлик даражаси ва етказишлик муддати аниқлансин;
- жароҳатлар ишда кўрсатилган ҳолатда олинганми, улар йиқилиб тушиш оқибатида пайдо бўлиши мумкинми?

3. Экспертлар ихтиёрига оддий аскар У.Б.АХМЕДОВ ва унинг касаллик тарихи юборилсин.

**00000-сонли ҳарбий қисм командири
подполковник Р.А.УМАРОВ**

ГУВОҲНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ БАЁННОМАСИ

“ ____ ” _____ 2010 йил _____ шаҳри

(суриштирувчининг лавозими, ҳарбий унвони, фамилияси)

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 96-108; 114-119 – моддаларини қўлланиб гувоҳ сифатида сўроқ қилдим.

1. Фамилияси, исми, отасининг исми – Фамилия, имя, отчество
2. Туғилган вақти – туғилган жойи
4. Миллати –
5. Судланганлиги
6. Маълумоти –
7. Иш (хизмат) жойи, касби –
8. Қачон ва ким томонидан хизматга чақирилган –
9. Турар жойи –
10. Ҳарбий гувоҳнома (Паспорти) –
11. Оилавий аҳволи –
12. Айбланувчига (гумон қилинувчига) алоқаси –
13. Жабрланувчига алоқаси –
14. Ҳарбий хизматга алоқаси –

Гувоҳ _____ кўргазма беришдан бош тортганлик учун, била туриб ёлғон кўрсатма берганлик учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238, 240-моддалари билан жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилди:

Сўроқ вақти : бошланди соат _____ да, тугади _____ да

Менга ЎзРЖПКнинг 20-моддасида кўрсатилган, яъни она тилимда кўрсатма бериш ва таржимон ёрдами билан фойдаланиш ҳуқуқим тушунтирилди.

(имзо –)

Мен _____ тилида кўрсатма беришни хоҳлайман

7 илова

Ҳарбий қисм, муассасанинг бурчак тамғаси

**Вилоят руҳий-асаб касалликлар диспансери Бош шифокорига
Вилоят наркологик диспансери Бош шифокорига**

000000-сонли ҳарбий қисм оддий аскари 1979 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Алимов Ҳикматжон Азатовичга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлиги муносабати билан, сизга ишониб топширилган муассасада ушбу ҳарбий хизматчи руйхатда туриш-турмаслиги ҳақида маълумот беришингизни сўрайман.

Ҳ.А.АЛИМОВ руйхатда турган бўлса, унинг касаллик тарихини 00000-сонли ҳарбий қисм вакили орқали юборишингизни сўрайман.

Зарурат тугагач, касаллик тарихи қайтариб берилади.

**00000 ҳарбий қисм командири
А.МУХТОРОВ**

8 илова

Ҳарбий қисм, муассасанинг бурчак тамғаси

**Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани мудофаа ишлари бўйича
бўлими бошлиғига**

1979 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, 1998 йил 15 апрель куни Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани МИБ томонидан чақирилган, 00000-сонли ҳарбий қисм оддий аскари АЛИМОВ Ҳикматжон Азатовичга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлиги муносабати билан, унинг шахсий ишини ва чақирилувчининг шахсий варағини бизнинг манзилимизга юборишингизни сўрайман.

Зарурат тугагач, ҳужжатлар қайтариб берилади.

**00000 ҳарбий қисм командири
А.МУХТОРОВ**

9 илова

Ҳарбий қисм, муассасанинг бурчак тамғаси

Тошкент шаҳар ИИББ ИИБ маълумот маркази бошлиғига

1979 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, 1998 йил 15 апрель куни ҳарбий хизматга чақирилган, 00000-сонли ҳарбий қисм оддий аскари АЛИМОВ Ҳикматжон Азатовичга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлиги муносабати билан, шаънига доғ тушурувчи материаллар ва жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳақидаги маълумотлар бор-йўқлиги тўғрисида хабар беришингизни сўрайман.

**00000 ҳарбий қисм командири
А.МУХТОРОВ**

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: 2011.
2. Ўзбекистон Республикасининг Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги Қонуни. - Т.: 2002.
3. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа тўғрисидаги қонуни. - Т.: 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа Доктринаси. - Т.: 2000.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. - Т.: 2010.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси. - Т.: 2010.
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. - Т.: 2010.
8. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.: 2010.
9. Ўзбекистон Республикасининг Оила ва Никох Кодекси. - Т.: 2010.
10. Ўзбекистон Республикасининг Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги Низоми. - Т.: 2006.
11. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик Кодекси. - Т.: 2010.
12. Ўзбекистон Республикаси Резервдаги хизмат тўғрисидаги Қонуни. - Т.: 2003.
13. Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонуни. - Т.: 2001.
14. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий Низомлари. - Т.: 1996.
15. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўғрисидаги Қонуни. - Т.: 2001.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». - Т.: 1997.
17. Каримов И.А. Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. – Т.: 2003.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. – Т.: 1999.
19. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: 2008.
20. Каримов И.А. Бу муқаддас ватанда азиздир инсон. – Т.: 2010.
21. Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. -Т., Шарқ, 2009.
22. Муаллифлар жамоаси. /Маъсул муҳаррир Саидов А.Х / . Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. - Т., 2005.
23. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. – Т.: «Адолат», 2001.
24. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. – Т.: «Адолат», 2001.
25. Абдуллаев Ф.А., Расулов Э.Х., Раҳмонов А.Р. Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқи. – Т.: Адолат», 2001.
26. Международное право. Ведение военных действий. Сборник Гаагских конвенций и иных соглашений. – МККК, 1997.
27. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: «Ўқитувчи», 2003.
28. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 2006 йил 7 июндаги № 327 сонли «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги муассасалари ва суриштирув органларида суриштирувни юритиш бўйича Йўриқнома»ни кучга киритиш тўғрисидаги буйруғи. Т.: 2006.

Мундарижа

Кириш.....	3
1. Ҳарбий ҳуқуқ тушунчаси.....	6
2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил этилиши.....	10
3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари.....	19
4. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматни ўташ тартиби.....	61
5. Юридик жавобгарликлар тушунчаси ва турлари.....	73
6. Ҳарбий интизом тушунчаси ва интизомий жавобгарлик турлари.....	83
7. Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги.....	87
8. Ҳарбий хизматчиларнинг жиноий жавобгарликлари.....	101
9. Ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига бериладиган имтиёзлар	122
10. Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқи.....	130
11. Ҳарбий қисмда суриштирув ва маъмурий (хизмат) текширув.....	152
12. Суриштирув ишларини юритишда суриштирув органлари фаолияти жараёнида тўпланадиган процессуал ҳужжатлар намуналари.....	162
13. Фойдаланилган адабиётлар.....	170

Абдуназаров В.А.
Қўйсинова Ф.О.

ҲАРБИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

Ўқув қўлланма

Мухаррир
Саҳифаловчи

подполковник **Ғ.Ўсаров**
подполковник **А.Тешабоев**

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти,
Жиззах шаҳри, Х.Носиров кўчаси, 3.

Босишга рухсат этилди 20.05. 2011йил. Бичими 60x84 ^{1/16}.
Times гарнитураси.
Офсет босма усулида чоп этилди. Ҳажми: 11 босма табоқ.
Адади: 20 нусха.

ЖОҲАБЮ босмахонасида чоп этилди.
Жиззах шаҳри, Х.Носиров кўчаси, 3.